

3/2009





# МОМОНИНГ АРМОНИ

Юртимизда мустақиллик шабадаси эса бошлагач, хориждаги ўзбеклар учун ҳам она юртини, ота юртини зиёрат этиш имконияти тугилди. Боболарим яшаган тупроққа, она Ватанимга илк бор қадам қўйганим чоғ кўз ёшларимни тиёлмаганман. Ўша дам кўнглимдан кечган ҳисларни, дилимни чулғаб олган туйғуларни сўз билан ифодалаб бера олмайман.

Хосият исмли бир қўшнимиз бўларди. Ўзбекистон ҳақида, ўзининг қишлоғи ҳақида кўп гапирарди. Мен, чет элдан келиб, бир неча йиллар юртимизда яшаб, Хитойга қайта зиёратга борганимда Хосият момо кийимларимни ҳидлаб: "Ўзбек диёри-мизнинг иси келяпти", — деб олиб келган нарсаларимни кўзига суртганлари ҳали-ҳануз кўз ўнгимда.

— Кўрган, билганларингни гапириб бер, — деди ялиниб Хосият момо.

— Нимани гапириб берай? — сўрадим мен. Чунки Ўзбекистон ҳақида таассуротларим шунчалик кўп эдики, қай бирини гапиришни билмасдим.

— Менинг қишлоғимга бордингми, болам?

— Ҳа, бордим, ҳатто ширин-шарбат меваларидан татиб кўдим.

— Тупроғидан-чи, тупроғидан олиб келдингми?

— Олиб келдим.

Кампир юрт тупроғини кўзларига суртди. Кейин уни дастрўмолчага ўраб белига бойлаб олди. Хосият момони йўқлаб яна борганимда:

— Менинг бардам бўлиб юрганим сабабини биласанми? — деб қолди.

— Сабаби нима экан?

— Белимга қувват, дилимга мадор юртимнинг тупроғи.

Хосият момо юз ёшга кириб ўтди. Қабрга қўйганларида момо ана шу тупроқни ўзи билан бирга кўмишни васият қилган экан...

Афсуски, кўп инсонлар тақдир пешонасига қандай юрт битганини билмайдилар. Ватаннинг қадрига етмайдилар. Ватан қадрига Ватандан йироқда яшаб, мусофирлик жафосини тортганлар кўпроқ етади. Бу фикрни Бобур, Фурқат каби боболаримизнинг қисмати ҳам тасдиқлайди. Улар туғилган

юртидан олисда Ватани қўмсаб яшашган. Макон туйғуси ҳатто жониворларга ҳам бегона эмас. Навоий бобомиз буни бениҳоя таъсирчан ифодалаган:

*Не наво соз айлагай*

*Булбул гулистондан жудо.*

Шундай экан, яралмишларнинг энг афзали бўлган инсон қандай қилиб ўз Ватанини севмаслиги, уни эъзозламаслиги мумкин, ахир?!

Шулар ҳақида ўйлар эканман, халқимиз ичидаги юртга меҳр туйғуси камроқ баъзи кишилардан, осойишталигимизни кўра олмаётганлардан изтиробга тушаман. Айрим гаразли кучларнинг ўз қора ниятларини амалга ошириш учун ҳаётимизга қутқу солмоқчи бўлишидан нафратланаман.

Қай инсоннинг дилида меҳр бор экан, қалб кўзи очик экан, у Ватан қадрини ҳис этади. Ватанини ардоқлайди. Мен кўп юртларни кездим. Водийларни, денгизу тоғларни кўрдим. Лекин Ўзбекистондай фирдавсмонанд юртни кўрмадим.

Улуғ бобомиз Бобур ўзга юрт шоҳлигидан, ўз юрти гадолигини афзал билгани, диёрининг бир сиқим тупроғини олиб борган кишидан мамнун бўлиб, шу табаррук тупроқни кўзига суртгани биз учун катта ибрат бўлиши шарт.

Халқимизда: "Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас", деган нақл бор. Бу иборанинг асл маъносини таҳлил қилиб кўрсак, Ватани ва халқи қадрига чин дилдан етадиган мўмин инсоннинг сиймосини кўз олдимизга келтирамиз. Мусофирчилик заҳматларини бошдан кечирган одам сифатида, умримнинг ўша лаҳзалари катта ҳаётий сабоқ берганини унутолмайман. Турмушнинг ҳар қандай зарбасини Тангрининг бандасига берган ҳикмати, ёғдирган раҳмати ҳамда синовини деб қабул қилишни ўрганим бунинг исботи бўлса керак. Дарҳақиқат, пўлат ҳам яхши тобланмагунча ундан ўткир тиг ясаб бўлмаслигини эсласак, Яратганнинг иноятини яна ҳам теранроқ англай оламиз.

Тарихда давр воқеалари қайта такрорланиб ва алмашиб туради. Бугунги гуллаган Япония ўтмишини эсга олайлик: Хиросима ва Нагасакида атом бомбаси портлагандан кейин мамлакат инқирозга юз тутган,

халқ турмуши қийинчиликлар гирдобида қолган эди. Давлатнинг таназзулдан қутулишида асосан япон миллатпарварларининг хизмати катта бўлган. Улар халқ ичида юриб, одамлар қалбида Ватанга муҳаббат, унинг ёруғ келажагига ишонч туйғуларини уйғотди. Инқироздан чиқишнинг ягона йўли бирдамлик эканини уқтирди. Табиийки бундай ҳаракат ўз самарасини берди. Ҳар бир фуқаро онгли равишда бор маблағини умумманфаат йўлида хайрия қилди. Натижада, Япония қисқа фурсатда оёққа туриб, юксалиш сари қадам қўйди.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Президент Ислоҳ Каримов раҳбарлигида шундай йўл тутди. Маънавиятга, маърифат юксалишига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ўстириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш тараққиётнинг муҳим шарти этиб белгиланди. Шубҳасиз, бундай катта мақсадларга эришиш муайян муддатни талаб қилади. Бу йўлда айрим қийинчиликлар, муаммоларга дуч келиниши ҳам табиий ҳол. Қолаверса, бу муаммолар шўро замонидаги нотўғри сиёсатлар натижасидир. Ватан ва унинг озодлигини қадрловчи инсонлар масала моҳиятини тўғри ва теран тушунади.

Лекин таассуфлар бўлсинки, аввалги қарамлик даврини қўмсовчи, миллий гурур туйғусидан махрум кимсалар йўқ эмас. Бундайларга Ватан, миллат деган тусунчалар мутлақо бегона. Улар учун фақат биргина

мақсад бор — манфаат. Шунинг учун ҳам бу хил нодон, калтабин тоифа тарих ва келажак учун заррача қадрли эмас.

Ҳар бир ҳодиса халқона ҳикматларга таяниб баҳоланса, энг тўғри хулосага олиб келади. Бинобарин, гулнинг хуш бўйидан лаззатланмоқ учун, унинг тиконига ҳам бардош бермоқ керак.

Холиқ сирли табиатни икки қутбдан иборат қилиб яратди. Масалан, эркак-аёл, иссиқ-совуқ, кеча-кундуз ва ҳоказо... Ер, молекула, атомларни ҳам икки қутбдан бино қилиш орқали бу дунёдаги бандалар унинг иккинчи қутби — у дунёнинг ҳам борлигига ишонишга ишора қилади... Ҳаётсевар, ақли расо инсон танглик кетидан кенглик, яхшилик келиши муқаррарлигини англайди. Бу қутлуғ жараёнда ўзининг ҳам ҳиссаси бўлишига интилади.

Маънавий бутунлик, жамият аъзолари ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарининг мустаҳкамлиги, эртанги кунга ишонч—тараққиётнинг муҳим омилларидир.

Сир эмас, бугун дунёда одамлар орасига фитна уругини сочишга уринаётган, ҳатто бу ёвуз ниятларини амалга ошириш учун чексиз маблағлар сарфлаётган, Ҳақ ва халқ лаънатлаган ёвузлар мавжуд.

"Кўкка туфласанг, юзингга тушади", — дейди доно халқимиз. Шунга қиёсан айтиш мумкинки, кўпнинг тинчлигига раҳна солишга уринганлар эл назаридан қолади. Халқимиз анойи эмас. Мақсадимиз қатъий ва аниқ: ёруғ манзилларга интилган истиқлол карвонига ҳеч қандай куч тўсиқ бўла олмайди.

*Синоат мужассам — дунёга боқсанг,  
Не ажаб, бир ҳикмат мағзини чақсанг.  
Ҳақнинг инояти бўлғай муяссар,  
Ҳар бир неъматига шукрона айтсанг.*

*Неъматдир—оқ тонгни хуш қаршиласанг,  
Умид билан боқсанг эртанги кунга.  
Неъмат—ўз юртингда бахтли яшасанг,  
Шукрона айласанг арзигай бунга.*

*Бир дам ҳикмат билан боққин дунёга,  
Хотиржамлик недур—унутган қанча!  
Огоҳ бўл, алданма асло рўёга,  
Бахтингга ҳасад-ла кўз тутган қанча!*

*Ўз юрти тупроғин кўзга тўтиё  
Айлашни орзулаб ўтди нечалар.  
Фурбат-аламидан бу ёруғ дунё,  
Зимистон туюлди мисли кечалар.*

*Истиқлол, аждодлар армони эдинг,  
Сени насиб этди бизга Биру Бор.  
Асраймиз бамисли кўз қорачиги,  
Огоҳ Юртбошимиз ҳар ишда раҳбар.*

*Зулмат гирдобидан қутқарган ўзи,  
Элу юртни мудом олдинга бошлар.  
Дастуриламалдир ҳар айтган сўзи,  
Кўра олмас бун юраги тошлар.*

*Ёруғ манзилларга тикканмиз кўзни,  
Шаксиз етгай унга умид карвоним.  
Тарихим буюқдир, келажак нури,  
Не ғам, йўл бошласа доно Сарвоним.*

*Халқим, фитналарни кўргансан минг бор,  
Огоҳлик бўлгандир сенинг одадинг.  
Ҳар дам, ҳар ишда Тангри сенга ёр,  
Билдим, шунинг ўзи зўр саодатинг.*





Жамол КАМОЛ,  
Ўзбекистон халқ шоири

# Товушларга тўлиб кетганда кўнглим...

## Саккизликлар

\* \* \*

Уни насиб этди менга Худойим,  
Юлдузлар ёнади унинг оҳида.  
Нима у, шивирлаб тургувчи доим,  
Рухимга замзама солиб гоҳида?

Шеърят, бировнинг кўзидаги ёш,  
Бировнинг бўйнига осилган тошсан.  
Дунё бор эканки, бўлмайсан адош,  
Менинг осмонимда ёнган қуёшсан...

\* \* \*

Оқшом чўқар, зулмат босар тимқаро,  
Сукунатга сингиб, тин олар товуш.  
Шабнамга бурканиб ётган боғ аро  
Тунги ноласини бошлайди Ҳаққуш.

Ҳақ деб қичқиради Ҳаққуш ҳар кеча,  
Қичқириб, ўзини ғамга ўрайди,  
Фалакка кўз тикиб оппоқ тонгача,  
Инсонлар қавмига нажот сўрайди...

\* \* \*

Йўлимиз айрилди, дўсти аржуманд,  
Сен у ён, мен эсам кетдим бу ёққа.  
Қаёққа, деб мендан сўрамадинг сен,  
Мен ҳам сўрамадим сандан: қаёққа?

Ўртамизда дарё, оқар сахрога,  
Сен тошлар отасан, кетади чўкиб.  
Сен тош отаётган ўша дарёга  
Мен ҳам ўлтирибман кўз ёши тўкиб...

\* \* \*

Автобусга чиқсам, ажиб манзара,  
Ҳамма шивир-шивир... ўз-ўзи билан.  
Ўзи билан ўзи гаплашар ҳамма,  
Иши йўқ ёнида қўшиниси билан.

Ҳамма шивир-шивир... ғариб бир ҳолат,  
Ўйлаб, етолмадим асло бу сирга.  
Во ажаб, деб ҳайрон бўлиб бир муддат,  
Мен ҳам тушиб кетдим пичир-пичирга...

\* \* \*

Дейманки, дунёда жаҳолат ўлсин,  
Киши ўз наслини ўзи бўғади.  
Унутма, ҳой, бола, ёдинда бўлсин,  
Миллатни эркакмас, аёл туғади.

Аёлнинг ғашига тегаверма кўп,  
Турмушинг роҳати сенга кам бўлар.  
Аёлнинг бошини эгаверма кўп,  
Миллатнинг боши ҳам эгик, ҳам бўлар...

\* \* \*

Пайдо бўлдимми, бас, қаршимда қатор  
Эшиклар тақа-тақа ёпилар фақат...  
Одамлар, ҳай, шошманг, сизда гапим бор,  
Одамлар, бир нафас сабру қаноат...

Мен нон сўрамайман, сўрамайман мол,  
Пул ҳам сўрамайман, ошиқманг унча.  
Бир савол сўрайман, фақат бир савол,  
Киши саволдан ҳам кўрқарми шунча?..


\* \* \*

Қодирийни отган ким эди ўша,  
Ким эди аламга этган мубтало?  
Тарих тарих бўлиб, халқим, ҳамиша  
Ўзингдан чиққанинг ўзинга бало.

Бировлар емасди балки ҳолвани,  
Кимга тўй бўлмасди, кимларга аза.  
Ўзингдан чиққанинг сотмаса сени,  
Ўзингдан чиққанинг сени аяса...

\* \* \*

Йўлингда йўлбошчи бўлиб қолмасин,  
Ўзинг доим йўлга бошла нафсингни.



Ҳиндистон сафарида

Ҳазир бўл, бошинга чиқиб олмасин,  
Оёғинг остига ташла нафсингни.

Баъзилар кўтариб юради қўлда,  
Ҳамма айтганига рози бўлади.  
Нафси идрокига ҳукмрон элда  
Оқил қолиб, жоҳил қози бўлади...

\* \* \*

Худоё, ўзинг эт мушкулумни ҳал,  
Бу дардим жонимни андоқ ўртади.  
Остонанга қўйсам бошимни ҳар гал,  
Иблис етиб келиб, мени туртади.

Етишмоқ бўламан иноятинга,  
Лекин мушкулум бор яна, Худоё.  
Ҳар сафар бош эгсам ибодатинга,  
Бошимга ёприлиб келади дунё...

\* \* \*

Миллатни сўрайсан ғашимга тегиб,  
Бу ҳақда дунёнинг тўхтамаи аён.  
Юрсанг ҳақсизликка бошингни эгиб,  
Ўзингни миллат деб санама, ўғлон.

Ҳақиқатпарастлик — миллат белгиси,  
Бусиз элнинг миллат бўлмоғи мушкул.  
Халойиқ деганинг миллат бўлгуси  
Ҳимоя этолса ҳақгўйларни ул...

\* \* \*

Ғалати феъли бор... ҳар сафар хуриб,  
Итлик табиатин аён қилади.  
Ҳар кунни бир эшик олдида туриб,  
Вовуллаб, юракни хуфтон қилади.

Йўлдан ўтганда ҳам кўтарар дод-вой,  
Асабни қақишатар гоҳо толдириб.  
Дунё сеникимми, айтақолгин, ҳой,  
Кетай шу дунёни сенга қолдириб...



Бухоро. Чапдан ўнгга: профессор Наби Раҳимов, шоир Тошпўлат Ҳамид,  
ёзувчи Жалол Икромий, Жамол Камол, ёш адабиётшунос Охунжон Сафаров.

\* \* \*

Шайтонлар галаси яшайди ерда,  
Юракларда кезар шарпаси, ваҳми.  
Қайларда юрибди, қайси бир гўрда  
Инсонга панд берган Азозил қавми?

Савол қаршида қотиб турма лол,  
Дема, қайдан топай бугун уларни?  
Сен аста синчиклаб атрофга кўз сол,  
Шайтоннинг қавми бил мунофиқларни...

\* \* \*

Ҳаво сийраклашиб, бўғилар нафас,  
Соатлар кетидан соат ўтади.  
Ёлгон чулдирайди ҳамон, тинчимас,  
Ҳақиқат бир четда навбат кутади.

Ҳақиқат — йигитдир, ёлгон — хунаса,  
Ёлгоннинг дардига, дўстлар, даво йўқ.  
Мажлисда ҳақ сўзга навбат етмаса,  
Жамоат уйида демак ҳаво йўқ...

\* \* \*

Навоний адолат истади фақат,  
Дедики, йўқолсин зулм ва пора.  
Қулоқ солишмади, охир-оқибат  
Давлат ҳам, улус ҳам бўлди чилпора.

Зўравонлик қилманг, дейди азизлар,  
Юракларга солманг алам ва қутқу.  
Дунёдан суприлур адолатсизлар,  
Дунёнинг башарга адолати шу...

\* \* \*

Бир воиз маърифат, маънавият деб  
Сўз очди мозийдан, неча хонликдан.  
Лекин сўз очмади сабабият деб  
Элдаги китобдан, китобхонликдан.

Боболар китобни офтоб демиш,  
Биродар, холис қил дилда ниятни.  
Китобсиз маърифат қайда бор эмиш,  
Ким кўрмиш китобсиз маънавиятни?..

\* \* \*

Ҳофиз давраларда қўшиқ айтмаса,  
Тоғларга борармиш айтиб наволи.  
Айтгани жаранглаб, элдан қайтмаса,  
Тошлардан кутармиш акси садони.

Шоир сўз айтгали келар дунёга,  
Индамай жим туриш шоирга — ўлим.  
Қайси тоққа борай, қайси дарёга,  
Товушларга тўлиб кетганда кўнглим?..

\* \* \*

Халол бор, ҳаром бор, ҳақ билан ботил,  
Шайтоний қутқу бор, илоҳий шараф.  
Жанг борар майдонда, шаҳид бор, қотил,  
Ё ул тарафдасан, ёки бул тараф.

Оллоҳ берган ақл, биёрон тил билан  
Агарда айтганинг ёлгондир сенинг,  
Демакки, иблисининг малайидирсан,  
Демак, қиблагоҳинг шайтондир сенинг...

\* \* \*

Ўттиз беш ёшида отам отилди,  
Уч ойлик чақалоқ эдим ўшанда.  
Ўша тун ошимга заҳар қотилди,  
Тақдир зарбасини едим ўшанда.

Йўқ, деб қичқираман умрим борича,  
Лекин қисмат деган турмайди аяб.  
Ўттиз беш йилдирки, ҳар ярим кеча  
Мени отишади деворга суяб...

\* \* \*

Бир эшикка келиб, салом бермасдан,  
Даъфатан бир нима сўрарми киши?  
Шундоқ бўлсин дейлик, шундоқ бўлганда,  
Ўйлаб кўр, кишининг битарми иши?

Баъзан Худо дейсан бир кунда юз бор,  
Лекин салом дейиш сенга кўп қийин.  
Сажадага бош қўйиб, аввал салом бер,  
Сўрайдиганингни сўрайбер кейин...

\* \* \*

Мақтанма, негаки насабинг улуг,  
Беклар мақтанмайди, қуллар мақтанар.  
Оқиллар ҳеч замон мақтанарми, йўқ,  
Нодонлар мақтанар, гўллар мақтанар.

Дунё унутарми асрлар оша  
Туркистон арслони чеккан наърасин?  
Ўзбек бўл, донишманд бек бўлиб яша,  
Ўзбекқул бўлишдан Худо асрасин...

\* \* \*

Дарвозанг тақиллаб қолди ногаҳон,  
Кимдир эшигингни қоқди бир куни.  
Сен эса қўймадинг, ҳайдадинг ҳамон,  
Ҳаттоки итинга талатдинг уни.

Ким эди ул сайёҳ, эшикдан қувиб,  
Жулдурчопонли деб этмадинг қабул?  
Ҳақнинг даргоҳидан иноят бўлиб,  
Эшигинга келган Қуръон эди ул...

\* \* \*

Илгари эшикка келса бир гадо,  
Ё Оллоҳ, ё Ҳақдўст, дегучи эди.  
Гадолар эшикка келишиб гоҳо,  
Воҳ-ҳей, бола, дея қичқирар энди.

Сен ҳам шу дунёда битта гадосан,  
Гадолигинг айтган сўзингда зоҳир.  
Халқнинг эшигида Ҳақдўст демасдан,  
Воҳ-ҳей, бола, дейсан, ёлгончи шоир...

\* \* \*

Намозни тугатиб, шукрона айтиб,  
Қўл очдим тилакка, хайри дуога.  
Қаршимда тўлин ой турарди қалқиб,  
Мен эсам ёлборар эрдим Худого.

Шошма, дедим ойга, шошма, дедим, ҳой,  
Лекин кетолмадим қисматдан ўзиб.  
Дуойим битганча ботиб кетди ой,  
Мен-чи, қола бердим қўлларим чўзиб...

\* \* \*

Тўйми ё маърака, ҳар ҳолда йиғин,  
Ёниб сўз айтарди ўртада ўғлон.  
Қўшим қўшинисига энгашиб секин,  
Шивирлаб дедики, ҳаммаси ёлгон...

Ошнам, сайрайверарма худа-беҳуда,  
Иззатинг сазаси қайтгай, қайтмагай.  
Одамлар шивирлаб бир-бирларига,  
Ҳаммаси ёлгон, деб яна айтмагай...

\* \* \*

Неча бир тўнинг бор, кўрдим барчасин,  
Чопоним битта деб турмайсан қараб.  
Бирини шарт ечиб ташлаб, бошқасин  
Кийиб олиш сенга бир лаҳзалик гап.



Ёзувчилар уюшмасида Мустақиллик байрами.

Мен эса қишми-ёз, иссиқми-совуқ,  
Энгимда шу эски, жулдур чопоним.  
Уни ечар бўлсам, бошқа тўним йўқ,  
Қаҳратонда қолиб, титрайди жоним...

\* \* \*

Дерлар: тасодиф бор, қонуният бор,  
Улар бир-бирига туташдир маҳкам.  
Қонуниятсизмас тасодиф зинҳор,  
Тасодифсиз эмас қонуният ҳам.

Кўкда қонуният яшайди, йўқса,  
Ерда бўлмас эди ному нишони.  
Тенада тасодиф ҳукмрон эса,  
Тасодифлар босиб кетар дунёни...

\* \* \*

Ҳар йили муқаддас Маккага бориб,  
Шайтонга тош отар муслим ҳожилар.  
Гоҳида оёқлар остида қолиб,  
Жонидан айрилиб, тани янчилар.

Ҳой, мўмин, ёғочга тошлар отасан,  
Не учун шайтон деб атайсан уни?  
Чинакам шайтонлар истеҳзо билан  
Йироқдан кузатиб турибди сени...

\* \* \*

Сен ҳам кўрасанми мени тушингда,  
Фаришталар кўкда тузганда базм?

Туташиб кетарми, жоним, ўшанда,  
Ширин нафасинга менинг нафасим?

Кўкда фаришталар кузатар мени,  
Мен эсам айрилиб ақлу ҳушимдан,  
Кўрқаман, ҳар сафар ўганда сени,  
Айрилиб қолмай деб кўрган тушимдан...

\* \* \*

Балли, зўрнинг иши дунёда зўрлик,  
Шамолдай учасан чақмоқдек отда.  
Менинг отим эса, чанг ютиб шўрлик,  
Оқсоқланиб чопар ҳаммадан ортда...

Қайгача борасан отингни суриб,  
Ҳақ ва ҳақсизликнинг буюк жангида?  
Бир куни йиғлама лекин оҳ уриб,  
Қолиб кетсанг чўлоқ отнинг чангида...

\* \* \*

Бу дунё ўғрига — ўғрихонадир,  
Фосиқларга эса — фоҳишахона.  
Гўдакларга — чексиз бир афсонадир,  
Ошиқлар хайлига — ишқу тарона.

Аммо аслида-чи, нечук дунё бу?  
Бориб, қайга етар унинг давоми?  
Асл инсонларга — ибодатгоҳ бу,  
Самовий гумбазли масжиди жомий...



Истанбулда бир оқишом.

Оила даврасида.


Эрон Ислам жумҳурияти президенти  
С.М.Ҳотамий мукофот топширмақда.



Баҳодир АБДУРАЗЗОҚ

# ҚАҲРАТОННИНГ МУНГЛИ ҚЎШИҒИ

Ҳикоялар



## БИР ТУН ЭРТАГИ

Гулжамол ўзи қанчадан бери орзиқиб кутган худди шу куни чўлга кетаётганидан бўғиларди. Ахир, Носир акаси келишига уч ойдан бери интиқ. Москвада диссертациясини ёқлаб, ўзларининг ишхоналарига бош муҳандис қилиб тайинланган қаллиғини кутиб олиш учун қанчалар тайёргарлик кўрганди-я, эссиз...

Эрталаб Гулжамол катта лаборант бўлиб ишлайдиган саноат кўламидаги илмий тадқиқотлар бўлимининг бошлиғи Рустам ака унинг таклифи асосида ишлаб чиқилган технология синалаётган Ўртабулоқ конидаги 37-қудуқда нефт чиқиш суръатида сезиларли ўсиш бўлганлиги билан табриклаб, бу рационализаторлик таклифини патентлаштириш учун зарур ҳужжатларни зудлик билан тайёрлашни топширди. Бунинг учун эса ўша жойга бориб келмаса бўлмасди. Рустам ака гапни кўпайтирмасдан машина тайёр эканлигини, ишни тезроқ битириб, эрта-индинга ҳамма нарсани тахт қилишини буюрди ва ўзи зарур иш билан бошқа участкага чиқиб кетди. Гулжамол бугун боролмаслигини айтолмай қолаверди.

— Машина тайёр бўлса тушгача бориб келаман. Носир акам кечқурун келадилар, унғача бемалол улгураман, — ўзига тасалли берди киз ва шошилиб сумкасига керакли қоғозларни солиб, ташқарига йўналди.

Кўчага чиқиб йўл бўйида турган яккаю ягона "УАЗ"га кўзи тушгач, эрталабдан бузилган кайфияти баттар тушиб кетди. Рулда Нормурод ўтирарди. Бу Нормурод деганлари ўттизларга бориб қолган бўлса-да ҳали уйланмаган, соч кўйиб, бурнининг тагига муйлов ўстирган, аллақандай темир-тақалар илиб ташланган жинси шим, куртка киядиган олифта йигит. Эскироқ машинасини ҳам келинчакнинг уйддек ясағиб олган, унга мабодо кир пойабзал билан чиққан, ёхуд писта чаққан киши бўлса Нормуроддан балога қоларди.

Гулжамол бир сафар унинг машинасида юрганида зерикиб чўнтагидан писта олиб бир-икки қирсиллатгани ҳамки, Нормуроднинг аёвсиз танбеҳига дуч келди:

— Бу яхши кўрган йигитингизнинг "Нексия"си эмас, ойимқиз, пистани ўша машинада чақасиз! Ҳозир эса уни чўнтакчангизга солиб кўйинг!

Йигитнинг қўпол гапидан Гулжамолнинг ранги ўчиб кетди. Эсини танибдики, йигитлардан бунақа гап



эшитмаганди. У ҳам ҳақини қўйиб кетмайдиганлардан эмасми, дарров узиб олди:

— Тўғри айтасиз, ҳақиқатан ҳам бу "Нексия" эмас! Мен ахлат қутисими деб ўйлабман!

Агар бошқа пайт бўлганда Нормурод шартта тормозни босиб бу ойимчани йўлга тушириб кетган бўларди. Лекин у ишда. Хоҳлайдими-йўқми, қизни ўз манзилига етказиб қўйишга мажбур. Шу иложсизлик уни асабийлаштириб, то манзилга етгунча миқ этмай борди. Етиб келганларидан кейин қизнинг индамасдан эшикни тарақлатиб ёлганча тушиб кетгани уни баттар жунбушга келтирди.

— Эшикни урганча менинг бошимга урганинг яхшироқ эди! — деб хириллади Нормурод.

— Бошинг ҳам шу эшигингдек шалвираб қопти. Қаттиқроқ урса тўкилиб тушади!

Шу-шу улар орасидан қора мушук ўтди. Энди бири-бирини қўрарга кўзи, отгани ўки топилмасди. Лекин хоҳлайдиларми йўқми, ҳафтасига бир-икки марта бири-бирларига дуч келардилар: чунки, Гулжамол тўқсон-юз чақирим узоқдаги нефт қудуқларига ҳафтасига бир марта бориб уларнинг ишлашини ўрганар, маҳсулотларидан намуналар олиб қайтар, уни эса Нормурод олиб бориб келарди. Ўша воқеадан кейин Нормурод диспетчерга илтимос қилиб бошқа бўлимга ўтказишни бир неча марта сўраган бўлса-да, аммо бўлим бошлиғи Нормуроддан бошқа ҳайдовчи чиққан кун дарҳол диспетчерга қўнғироқ қилиб жўнатган машинасини қайтарар, ўрнига эса Нормуродни зудлик билан юборишни талаб қиларди. Шу тариқа, хоҳласа-хоҳламаса Нормурод Гулжамол билан, Гулжамол эса Нормурод билан учрашишга мажбур эди.

Нормурод қизни ўлгудек ёмон кўрганидан унга "Эчки" деган лақабни ёпиштирган, кўзи тушиши билан ичида "шу шайтон эчкига яна кўзим тушди, бугун энди ишим юришмайди," деб ижирганиб қўйса, қиз эса "ўзинг аравакаш бўла туриб керилишингга ўлайми, қаерга ниқташса ўша ерга аравани судраб борадиган қирчан-гисан-ку" дерди.

Э, бўлди. Ҳар доимгидек ўтлаб кетиб, тафсилотларни чўзиб юбордим.

Шундай қилиб...

Гулжамол хўмрайганча келиб машинага ўтирди. "Қирчанги"нинг яна сасиб қолишидан қўрқиб, иложи борица эшикни астароқ ёпди. Нормурод маршрутни билади шекилли, эшик ёпилар-ёпилмас "Қаерга?" деб сўраб ҳам ўтирмасдан газни босди.

Негадир қиш бу йил қаттиқ келди. Кетма-кет ёққан қорнинг ортидан келган қорасовуқ йўлни ойнадек ялтиратиб музга айлангириб ташлаганди. Нормурод музлама йўлда машинани маҳорат билан бошқарар, аммо тезликни ошира олмас, имиллаганча олдинга зўрға судраларди. Йўлда машина кам, борлари ҳам тошбақа қадам билан юрганидан, худди олдинга силжимай бир нуқтада котиб қолгандек таассурот уйғотарди. Йигирма чақиримлар йўл босанларидан кейин, Гулжамолнинг сабр косаси тўла бошлади.

— Тезроқ юришнинг иложи йўқми? Кечикяпмиз!

Нормурод ортни кўрсатувчи ойнадан унга ўқрайиб қаради.

— Бировларнинг жудаям шошаётгани учун жонимга қасд қилиш ниятим йўқ! — совуқ тўнғиллаб қўйди ва кўзини йўлдан узмай, рулни маҳкам кучоқлаганча ўша маромда кетаверди.

"Ўл-а, тўнғилламай, қирчанги! — ичидан барча қарғишларини бир-бир ҳаёлидан ўтказди қиз.—Қайси гуноҳим учун Худо сендек эшакмижозни менга рўпара қилди экан".

Машина имиллаб юргани сари вақт тезликни оширарди. Белгиланган қудуққа тушдан ўтиб етиб бордилар. Рустам ака огоҳлантириб қўйган шекилли, кон инженери, геолог ва уста Гулжамолни кутиб ўтиришган экан. Улар таклиф қилган вагончага кириб тушлик қилиб олишни Гулжамол рад этиб, дарҳол қудуққа ўлчов асбобларини ўрнатди ва керакли ҳисоб-китобларни бажара бошлади. Икки соатларда ишни битказиб бўлди. Қоғозларни яна қайта сумкасига жойлаб улар билан хайрлашди.

— Эҳтиёт бўлиб кетинглар, Нор, йўллар сирпанчик. — деди уларни кузатаётган кекса геолог. — Ҳозир метеостанциядан хабар келди, қаттиқ бўрон туриши мумкин экан.

Нормурод унга эътибор бермай бош силкиб қўйди ва машинасини ўт олдириди. Улар ярим соатлар чамаси секин-асталик билан силжиганча Ўртабулоқ қиридан ошиб бир пайтлар қўлнинг туби бўлган чуқурликка энишди. Чуқурлик шамолдан пана бўлганлиги учун бу ерларда шамолнинг забти сезилмас, йўл ҳам камроқ музлаган эди. Ҳаммаси чуқурликдан чиқиб олганларидан кейин бошланди. Геолог айтган бўрон етиб келганди шекилли, ҳаво худди тумандек майда қор парчалари билан қопланган, шамол увуллаб машинанинг ойналарини қор билан савалай бошлади. Ойнатозалагич эса қорни тозалаб улгура олмаётганидан Нормурод машина тезлигини пасайтиришга мажбур бўлди. Яна йигирма чақиримларни босиб ўтишлари учун қарийб ярим кун овра бўлишгандек туюлди қизга. Йўлнинг ярмига ҳам етмаганларини ҳис қилиб Гулжамол безовталанди. Соат ҳам тўртдан ошган. Қиш кунни бир тутам. Атрофни қоронғилик қоплаб ола бошлади. Нормурод машина чирогини ёкди. Лекин фаранинг ўткир нурлари икки қадам нарини ёрита олмасди.

Бўрон қутурар, ерни ҳам, осмонни ҳам майда қор парчалари эгаллаб олганди. Йўқ, бу осмондан ёғётган қор эмас, балки, гувиллаётган бўрон ерда ётган қор парчаларини совуриб ўйнар, машинага дўлдек келтириб урарди. Йўл мутлақо кўринмаётган бўлса-да, Нормурод эпчиллик билан машинани бошқариб, секин, аммо сабот билан олдинга силжирди. Қиз унинг тўнғилигидан минг ижирганса-да, шундай танг ҳолатда ҳам ўз ишини пухта бажариб, машинани эпчиллик билан бошқараётганидан кўнглидаги хавотир бироз чекингандек бўлди. Бу йўл тор, икки четига эса ариқлар бор. Қор бўрони йўлни ҳам, ариқни ҳам бир хилда текислаб ташлаган. Агар ҳайдовчи бироз адашса борми, машина ариққа тушиб ағдарилиб кетиши ҳеч гап эмас. Лекин, Нормуроднинг бутун вужуди кўзга айланган, гўёки нигоҳлари билан пайпаслаб йўл топиб бораётгандек тасаввур пайдо бўларди.

— Яна озгина қолди. Салгина юрсак катта йўлга чиқиб оламиз. Кейин юришимиз осонлашади, — хаёлидан ўтди қизнинг.

Нормурод машинада ўзидан бошқа ҳеч ким йўқдек, рул чамбарагини худди жангчи милтигини ушлаган каби сиқимлаб ушлар, дам-бадам қор остида қолиб кетган йўлнинг ўнқир-чўнқирига тушиб қолган машина силтаниб қўйганида ёнида қиз боланинг борлигини ҳам унутиб беихтиёр сўкиниб қўярди.

Бу орада қоронғи тушиб, атрофни буткул зулмат қоплаб олди. Бўрон кучайиб совуқ забтига оларди. Машинанинг печкаси гуриллаганча ишлаётган бўлса-да, аммо аллақандай тирқишлардан кирган совуқ Гулжамолнинг юзларидан тишлаб ола бошлади. Оёғи тўнғиб қолгандек эди. Азалдан унинг оёқ панжалари совуққа бардошсиз. Қалин жун пайпоқ кийган бўлса ҳам,



совуқ унинг нозик жойига зарба бераётган қитмир рақибга ўхшаб оёқларидан ола бошлади. У этиги ичидан бармоқларини ишлатиб кўрди. Сал иссиқ югургандек бўлди. Шарфини оғиз-бурнини ёпадиган қилиб ўради.

Бир пайт машина ўз-ўзидан чир айланганча чуқурга тушиб кетгандек бўлди. Гулжамол пешонасини уриб олди.

Йўл ўртасида дўппайиб турган қор уюмини айланиб ўтиш учун рулни сал чапроққа бурган Нормурод музлаган йўлда гилдираклар тойганиб, рул ўзига буйсунмаётганидан ижирганиб тормозни ҳам босиб юборганди. Машина бир айланиб, йўл четидаги ариққа тумшуги билан тиралиб қолди. Олд гилдираклар шамол қор билан тўлдирган чуқурга тушиб, кузов қарийб бир ярим метрлик қор уюмига ботиб қолди.

— Жин урсин! — Нормурод ўз одатига кўра рул чамбарагига мушт туширди. Кейин моторни ўт олдиришга минг уринсин, бирон иш чиқаролмади. Чамаси бобинага қор кириб, свечаларга ток ажратмай қўйганди. Кўлини калитдан узиб бошини орқага ташлади. Шундагина ойнага кўз кириши ташлаб Гулжамолнинг гурра бўлган пешонасини кўриб қолди.

“Хаммаси шу эчкини деб бўляпти. Ажаб бўлсин! — хаёлига шу фикр келди. Кейин унга ора-сира кўз қирини ташлаб негадир ачингандек бўлди. — Бу бечорага ҳам қийин. Шу совуқда ўзига қолса кимсасиз чўлларга ўла қолса ҳам келмасди. Иш-да. Келмаса бўлмайди”.

Йигит негадир мутлақо ҳушламаган қизга ачинаётганидан аввал ҳайрон бўлди, кейин аҳмоқлик қилиб тормозни босиб қўйгани учун ўзини ҳам қизга қўшиб ичиди сўкди.

Нормурод қорга кўмилган эшикни жон-жаҳди билан суриб зўрға қия оча олди холос. Кейин аста қисилиб чиқиб, усти музлаб тарашадек қотиб ётган қорга секин оёқ қўйди. Қор уюми белигача етди. Амалтақал қилиб йўлга чиқиб олди. Қорбўрон қутурганча увиллар, майда шиша парчаларига ўхшаган қор кўзни очиришга қўймасди. Совуқдан қунишганча йўлнинг ҳар иккала томонига кўз ташлади. “Милт” этган чироқ кўринмайди. Совуқдан тишлари такиллаб ўзини машина ичига урди. Қиз ҳамон пешонасини ушлаганча ўриндиққа сингиб кетгудек бўлиб қалтираб ўтирарди. Бир зумда машина совиб бўлганди.

— Энди нима қиламиз? — кўрқа-писа сўради қиз.

— Нима қилардик, музлаб ўлаамиз! — сўзлари ўзига ҳам совуқ туюлиб эти жунжикди. Кўзларини катта-катта очиб маъюс термулиб турган қизни баттар кўрқитмаслик учун бироз илиқроқ сўз айтмоқчи бўлди, — биронта ўткинчи машина келиб қолишини қутамиз!

Чунки ўзи ҳам нима қилишга ҳайрон. Ўткинчи машина ўтиб қолишига унинг ўзи ҳам ишонмасди. Агар шундай ўтираверишса, ҳозир радиатордаги сув музлайди. Кейин машинани ўт олдиришга умид қилмаса ҳам бўлади. Тезроқ машинани қор уюмидан тозалаш керак.

Нормурод яна белигача қорга тушиб қўллари ва оёқлари билан қорни суриб машина тумшугини тозалай бошлади. Музлаган қорнинг силжиши қийин кечарди. Ўн дақиқалардан кейин қўллари музлаб акашак бўлиб қолди. Каттакон панжаларини олифта чарм куртқасининг тор чўнтақларига базўр жойлаб, совуқдан яширганча энди оёқлари билан қорни сураркан, тойиб кетиб қорга қулади. Бир ярим метрлик қор уюмига кўмилиб қолган йигит куртқаси чўнтагидан ҳеч қўллари чиқариб ололмас, устига-устак шамол худди курак билан ташлаётгандек устига уюм-уюм қор ташларди.

Қиз Нормуроднинг қандай йиқилганини кўрганди. Кўзларини йириб қоронғиликка тикилса ҳам унинг

қайтиб турганини кўра олмади. Ташқарига чиқишга ҳарчанд уринмасин, музлаб қолган орқа эшик очилай демасди. Шунда у эмаклаб ҳайдовчи ўриндиғига ўтди ва ҳозиргина йигит очиб чиққан эшикни итарди. Ҳайтовур у киши сигардек қия очилди. Гулжамол қорга ботганча ҳали шамол кўмиб улгурмаган излардан машина олдига зўрға сурилиб борди. Шунда қор остида типирчилаётган оёқларга кўзи тушиб, қорни сиқимлаб улоқтирганча йигитнинг юзини очди. Кўлтигидан тортиб уни тургазиб олди. Қўлларини чўнтак маҳбуслигидан амаллаб озод қила олган Нормурод минбаъд бундай чўнтакли куртқа киймасликка қасамлар ичиб қизнинг ортидан машинага кирди. Салоннинг хира чироғи ёруғида Гулжамол йигитнинг сочи ва мўйлови музлаб қолгани, юзи кўкариб кетганини кўриб, капалаги учиб кетди. Ҳозир иккаласи бир жону бир тан бўлмаса, бўроннинг чангалидан омон чиқа олмасликларига ишонарди. Ҳаётмамоти шу ўзи ёқтирмайдиган йигитнинг топқирлигига боғлиқ. Шошилиб унинг акашак бармоқларини уқалай бошлади. Бошқа пайт бўлганда-ку унинг бармоғини уқалаш уёқда турсин, юзига қайрилиб қарашни ҳам ўзига эп кўрмаган бўлармиди. Нормурод бироз ўзига келди.

— Аптечкада спирт бор. Ушани олиб беринг.

Қиз машина галадонини титқилаб, дорикутини топди. Кичкина шишачани олиб унга узатди. Нормурод ўзига буйсунмаётган бармоқлари билан қопқоқни очиб кафтига озроқ тўкиб олди ва жон-жаҳди билан қўлларини бир-бирига ишқалай бошлади. Бироз ўтиб йигит ўзига келди.

Нимадир қилиш керак. Шундай қўл қовуштириб ўтираверсалар, ҳадемай машина каттакон музтепага айланиб қолади. Четдан ёрдам кутиш бефойда: шундай совуқда бирон машинанинг ўтиб қолишига умид қилиш, осмондан чалпақ ёғишига ишонган лақма ҳолига тушиш билан барабар. Машина сирти бир энлик муз билан қопланди. Ташқарида бўрон қутурар, ойналарга келиб урилайётган қор парчалари энди йириклашган, худди дўлдек олагасир қарсилларди. Шу пайт унинг хаёлига олов келди. Агар гулхан ёқа олса, машинани босиб қолган қорни эритиб, моторни қизитиб оларди. Сўнгра амаллаб уни юргизиб олса бўлар...

— Гулхан ёқамиз, — деди йигит. — Нарироқда саксовул бор. Шоҳларини синдириб қайтаман.

Қиз йигит бир амаллаб ундан қутулиб ўзи ёлғиз қочиб қоладигандек туюлиб хавотирланди. Бўрон гувиллаётган, ваҳимали совуқ тунда, секин-аста музга айланаётган машинада ёлғиз ўзи ажал билан юзма-юз қолиб кетадигандек типирчилади.

— Шошманг, мен ҳам бирга бораман. — Гулжамол унга эргашмоқчи эди, йигит қўймади.

— Сиз машина радиаторини қордан тозалаб турунг, шу ерда олов ёқамиз.

Нормурод ўриндиғи остидан залворли чўкични олди. Саксовул шоҳлари мўрт бўлади. Қаттиқроқ нарса билан яхшилаб туширилса, қарсиллаб синиб кетаверади. У чўкичнинг муздек дастасини маҳкам ушлаб юз қадамлар нарида қорайиб турган саксовул томонга қор кечиб кета бошлади. У саксовулнинг пастга қараб осилиб қолган шоҳига чўкич билан бир-икки зарба бериб синдириб ола бошлаганида бўрининг хунук улигани эшитилиб эти жимирлаб кетди. Шамолда унинг овози гоҳ яқиндан, гоҳ узокдан келарди.

— Тезроқ гулхан ёқиш керак, — хаёлидан ўтди йигитнинг. Жондор оловга яқинлаша олмайди, дерди умри чўпончилик билан ўтган бобоси.

У иккита тарвақайлаган шохни судраб ортига қайтганида йиртқичнинг овози шундоққина машина



ёнидан келди. Йигитнинг қадами ўз-ўзидан илдамлади. Қизнинг қаттиқ қичқириви эшитилганидан кейин Нормурод шохларни ташлаб чўкични маҳкам сиқимлаганча машина томонга чопди.

Гулжамол қўлқопчасини кийиб олиб, машина тумшугини қордан тозалашганда ёнгинасида бир нарсанинг хирилаганини эшитди, аммо шамол қорни гижирлатиб ураётган бўлса керак, деб эътибор бермасдан музлаган капотни тозалайверди. Бир пайт машина ортдан бўрининг улиган товуши келганида вужуди музлаб, даг-даг титраганича ортига ўгирилса, бир жуфт кўз ёниб турибди! У аввалига нима қилишни билмасдан жойида қотиб қолди. Кейин шартта ортига ўгирилиб эшик томонга чопди. Эшикка етар-етмас палтосини кимдир ушлаб олгандек жойидан жила олмади. Қаттиқроқ силтангани, оёғи тойиб кетиб йиқилиб тушди. Шунда бўрининг гавдаси устига ташланганини сезиб жонҳолатда бақириб юборди.

Нормурод ҳаллослаганча чопиб келса, Гулжамол қорга юзтубан ётиб олган, баҳайбат арлони бўри унинг палтосидан тишлаганча силтар, бурдалаб ташлашга уринарди. Йигит қўлидаги чўкич билан жондорнинг нақ қўлоқлари ўртасига бор кучи билан урди. Суякнинг кўнгилни айнитиб юборгувчи қисирлаб синган товуши эшитилиб йиртқич бирдан бошини кўтарди. Аянчли гингиб икки қадам ташлади ва қорга қулади. Нормурод қизни суяб ўрнидан тургазди. Гулжамол тили калмага келмай ҳиқиллаб йиғларди. Уни машинага чиқариб шишачада қолган уч қултум спиртни мажбуран ичирганидан сўнг қиз биров ўзига келди.

Бўри ўлди. Хавф биров чекингандек бўлса ҳам, лекин совуқдан музлаб ўлиш даҳшати бир зум бўлса ҳам уларни тарк этмас, қайтага ҳаво янада совуқлашгандек, бўрон уларни тўнгитиб, муз парчасига айлантиришга жон-жаҳди билан киришган шекилли, энди машинага урилаётган қор тасирламас, қарсилламас, балки росмана гумбирларди. Нормурод гумбураш ёндан эмас, балки тепадан ҳам эшитилаётганига ҳайрон эди. Худди машина томига бир тўда бола чиқиб олиб, шўхлик қилаётгандаги қадам товушига ўхшаган сас келарди. Бир пайт тепадан бўрининг товуши эшитилиб барчасига ойдинлик киритди. Қизнинг назарида шафқатсиз бўрон мутлоқ ҳукмронлик қилаётган чеки-чегараси йўқ саҳрода минглаб бўрилар уларнинг ташқарига қиқирини пойлаб тургандек, агар шу ожизгина кўргонларидан бошларини чиқаргудек бўлсалар, бир зумда тилкалаб ташлашга тайёрдек эди. Гулжамол бу кимсасиз ва ёвуз кенгликда суяса бўладиган битта киши шу кўрс ва тўнг Нормурод эканлигини ҳис қилиб, беихтиёр йигитнинг пинжиги суқулиб олди. Уларнинг иссиқ нафаси бир-бирини сал иситгандек бўлди. Энди ташқарида тиш қайраб турган қашқирлар ҳам, бугун қудрати билан уларни комига тортишга уринаётган бўрон ҳам уларнинг шу кичкинагина бошпаналарига кира олмаслигига негадир ишонч уйғонди. Секин-аста ҳар иккаларини ҳам уйқу элита бошлади.

Агар суви музлаб қолган радиатор қарсиллаб ёрилиб кетмаганида уларнинг уйқуси то қиёматга қадар чўзилган бўлармиди... Қарсиллашдан кейин томдаги қадам товушлари тинди.

— Радиатор ёрилди, — деди йигит қизга қараб. — Яхшиям ёрилди. Яхшиям радиаторга антифриз солмаганим! Бўлмаса музлаб қолган бўлардик. Бу ерда ухлаш ўлим билан тенг! Олов ёқиш керак!

Агар ёлғиз ўзи бўлганида у машинадан чиқиб, қашқирлар изғиб юрган саҳрога қадам қўйишга журъат топа олмаган бўлармиди... Лекин ёнида ўзи ёқтириш-

ёқтирмаслигидан қатъи назар қиз бола бор. Наҳотки, Нормуроддек ор-номуси учун ётиб қолгунча олишадиган жўмард йигит кўз олдида қизнинг музлаб ўлишига йўл қўя олса...

У қўлига яккаю ягона, аммо синовдан ўтган ишончли қуроли — чўкични олганча, музлаган эшикни кучаниб суриб ташқарига чиқди. Бўри ҳали узоққа кетмаган бўлса керак. Бундай совуқда унга емиш бўладиган жонзот саҳрода топилмайди. Оч йиртқич эса ўлжасидан умидини узиб кета олмайди. Элик қадам нарида қолган шохларни олиб келишга юраги бетламади. Орқа юкхонадан заҳира гилдирак билан ярим канистр бензинни кўтариб туширди. Гилдиракни машинанинг панасига ўтказди ва устига бензин тўкди. Ҳайтовур бензин липиллаб ўт олди. Бироздан кейин резинага ҳам олов тутаниб, энди шамол унга бас келолмаслигини билганидан кейин йигит эшикни очиб, Гулжамолни гулхан бошига етаклаб келди. Қизга гулхан худди тириклик манбаи бўлиб кўриниб кайфияти кўтарилди. Энди музлаб ўлмайдилар. Энди тирик қолса бўлади. Чунки уларда олов бор! Бу ерга қашқир ҳам яқинлаша олмайди. Йиртқичлар оловдан кўрқадилар! Қиз қорнининг очлигини ҳам, ҳозиргина бўри тимдалаган елкаларидаги оғриқни ҳам унутди.

— Соат неча бўлдийкин? — сўради йигит орқасини оловга тутиб тобларкан.

Гулжамол бир пайтлар Носир акаси Москвадан совға қилиб олиб келган жажжи тилла соатини гулхан ёруғига тутди: тунги бир!

— Ўҳ-ҳў, ҳали тонг отишига етти соат бор! Оловимиз эса бир соатга ё етади, ё йўқ!

Гулжамол соатга кўзи тушиши билан Носир акасини эслади. Қизиқ, шу ўтган олти-етти соатдан бери нақ ажалга рўпара бўлган пайтларида ҳам негадир Носирни хаёлига келтирмапти. Унинг бугун, аниқроғи кеча кечқурун келишини неча ойлаб сабрсизлик билан кутган эди. Бир пайтлар Носир акасини эсласа вужудига ширин титроқ тушарди. Ҳозир эса у шунчаки исмдан бошқа нарса эмас! Хаёлига эса гўзал талабалик паллаларида Носир акаси билан Тошкентдаги хиёбонда сайр этиб юрганлари келди. Ўшанда бир-иккита шилқим йигитлар унга гап отишганида Носир индамай унинг қўлтигидан маҳкам ушлаганча четга олиб кетганди. Ўшанда Носирнинг ўрнида Нормурод бўлганида нима қиларди? Улар билан жиққамушт бўлиб кетармиди, балки. Агар ҳозирги ҳолатда Нормуроднинг ўрнида Носир акаси бўлганида унга ташланган йиртқичнинг бошига чўкич билан тушира олармиди?! Билмайди! Тўғри, Носир акаси уни севиши мумкин, лекин, у учун жонини хатарга ташлай олармиди? Буни ҳам билмайди. Тўғрироғи ишончи комил эмас...

Нормурод қарс-қурс қилиб ёнаётган, омбор мудиридан ундирганига ҳали бир ҳафта ҳам бўлмаган гилдиракка маънос қараб турарди.

“Ачинма, — дерди ўзича, — бу шунчаки бир матоҳ, эртага яна битта янгисини олиш мумкин. Лекин, музлаб қолишса-чи, эртага янги Нормурод билан янги Гулжамолни ҳеч қардан топиб бўлмайди!”

У жимгина қўлини оловга тоблаб турган қизга қизиқсиниб боқди. Нега шу пайтгача уни ёқтирмай юрган экан. Туппа-тузук экан-ку! Қўллари чўнтакда, боши қор уюмига қозикдек санчилган, оёқлари осмон бўлиб типирчилаганча, ноқулай аҳволда қорга кўмилиб қолганида қизнинг дадиллик билан уни тургазиб қўйганини эслаб ўзидан уялиб кетди. Қандай жасур қиз. Бунинг устига жудаям меҳрибон экан. Шу пайтгача бўйдоқ юрганидан аёл меҳрибонлиги шунчалар сирли ва гўзал

бўлишини ҳис қилиб бошқача бўлиб кетди. Қизнинг палтосини бўри дабдала қилиб ташлаганлигини кўриб унга ачинди. Агар қизга радиаторни қордан тозалашни буюрмаганида у шундай аянчли аҳволга тушмасди. Ҳаммасига ўзи айбдор. Ўзининг калтабинлиги... Эсон-омон шу саҳродан чиқиб кета олса, албатта, маоши қўлига тегиши билан, унга энг чиройли палтони олиб беради! Ҳаёлидан ўтган шу фикрдан ўзи ҳам ажабланиб қўйди. Чунки, шу кунга қадар кимгадир нимадир совға қилишни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Топганини ўзига сарфлар, шу сафарги маошидан ўзига алламбало жинси шим ва чарм куртка олишни мўлжаллаб қўйганди.

У биринчи бор бўлиб ўтган ҳодисада ўзини айбдор деб топди. Шу пайтгача ҳеч қачон ўзини айбламас, хатти-ҳаракатини таҳлил ҳам қилмасди. Уни нима ўзгартирди? Кимсасиз саҳрода қиз билан ёлғиз қолишимиз, қизни ва ўзини муқаррар ўлимдан сақлаб қолиш истиғими, ёки ҳар дақиқаси асрга тенг, ялдо кечасидек туганмас адоқсизликда ўзининг ичида яшаётган бошқа бир ўзи билан юзма-юз келишимиз? Бунинг жавобини тополмади. Топа олишига ҳам кўзи етмасди. Агар тирик қолса ўзини бутунлай синдириб, кейин қайтадан ясаган шу тунни ҳеч қачон унутмас керак. Шу пайт орқа ўриндиққа тўшаб қўйган аёл борлиги эсига тушиб машинага қайтди. Шарт-шурт уни ўриндиқдан сугуриб олиб қунишиб турган қизнинг елкасига ташлади. Қиз унга қараб маъюс ва маъсум табассум қилди.

— Келинг ўзингиз ҳам. Совқотиб кетгандирсиз. Аёл ҳам кенг экан.

Негадир уларнинг ўртасидаги жинсий тафовут мутлақо ҳаёллارини тарк этган. Улар бир-бирига бегона йигит ва қиз эмас, балки офат олдидаги ожизликларини енгиш учун елкама-елкама қурашаётган иккита инсон эдилар, холос.

Нормурод қизнинг ёнига боришни ҳарчанд истаса ҳам, у билан аёлга бурканиб, қалтираб туришга ғурури йўл қўймади.

— Сиз бемалол ўтираверинг, мен ўтинни олиб келай.

Совуқ борган сари забтига олар, гилдирак ҳам ёниб тугай деб қолганди. Нормурод боягина ярим йўлда қолдирган саксовул шохларини олиб келишга ўзида журъат топа олди. Ахир у эркак киши. Шу ишонч билан ўзини тезлаб икки қадам ташлаганди ҳамки, худди шуни кутиб тургандек, яқинроқ жойдан қашқирнинг улигани эшитилди. Нормурод таққа тўхтади. Ишонч қалъаси яшин урган дарахтдек, қуйиб тўкилиб тушди. Чамаси урғочи қашқир нар ҳамроҳини излаб, шу атрофда изғиб юрган кўринади. Назарида у қиздан икки қадам узоқлашиши билан қашқир унга ташланиб қоладигандек туюлиб ортига қайтди. Гулхан пасайиб борарди. Боягина унинг тафтидан эриган қор яна қайта музлай бошлади. Шу пайт машина капоти ичида яна бир нарса қарсиллади.

— Блок ёрилди, — деб қўйди Нормурод, бундан на хафа, на хурсанд бўлганлиги чеҳрасида акс этмади. Бўлмаса, бу моторни эпақага келтириш учун қанча вақти, қанча меҳнати-ю қанча маблағи совурилганди. Энди бир неча соат ичида барча ишлари чиппакка чиқяпти. Совуқнинг вайронкор қудрати машинани аста-секин бир уюм музлаган темирга айлантираётганди. Радиатор кетди. Блок кетди. Янги гилдирак ёниб турибди.

“Барчаси арзимаган нарса. Ишқилиб бу саҳродан омон чиқиб олсак бўлди”. — Нормурод ўзига эски қадрдон бўлиб қолган машинасининг фожиасини кўрмаслик учун, тескари ўтирилиб олди.

Қашқир яна улиди. Гулхан писиллай бошлади. Нормурод барига қўл силкиб ўрнидан турди. Юкхонадан

домкрат ва гайка калитини олиб орқа гилдиракнинг остига ўрнатди. Машинани кўтариб гилдиракни бураб чиқариб олди ва ўйланиб ўтирмасдан уни ҳам гулханга ташлаб устига бензин сепди. Олов тиллари яна бўрон билан ўйнаша бошлагач, бўри ҳам жимиб қолди.

— Соат неча бўлдикин? — деб сўради у мудраб ўтирган қизни гапга тутиб чалғитиш учун. Ўз тажрибасидан билади. Совуқнинг захри ёмон. Сал мудрадингми, бўлди. Бирон жойингни олдирасан. Агар ухлаб қолсанг, тошдек қотасан, вассалом.

— Уч, — деди қиз беҳол. Унинг қўзлари юмилиб-юмилиб борарди. — Мен бироз ухлаб олмоқчийдим...

— Э, йўқ. Бу кеча иккаламиз ҳам ухламаймиз. Келинг, мен сизга бир қизиқ воқеа айтиб бераман.

Қиз унга эътиборсизгина қаради. Гулхан тафтидан юзлари қизариб кетганди. Нормурод қўлига бир сиқим қор олиб унинг юзига босди. Гулжамол қичқариб юборди.

— Бу нима қилганингиз, Нормурод ака!

Гулжамол ўзининг овозидан уйқуси ўчиб кетганди. Бирдан хушёр тортиб уёқ-буёққа олазарак нигоҳ ташлади. Атроф бийдек саҳро. Бўрон гувиллаб ёпиниб турган адёлига қор парчаларини келтириб урмақ. Рақс тушаётгандек тепиниб юрган Нормурод билан ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ. Бироз олдин йигит бу ерда ухламоқ ўлим билан тенг, дегани эсига тушиб, ўрнидан турди. Оёқлари ўзига бўйсунмай гандираклаб кетди. Панжалари совуқдан увушиб кетганми, ҳатто уларнинг бор-йўқлигини ҳам ҳис қилмади. Мажбурлаб бир қадам босди ва ерга қулади.

— Нормурод ака...

Йигит қизнинг “Нормурод ака” деганидан таъсирланиб кетганди. Шунда унинг ёнидаги кишининг қиз бола эканлиги ҳаёлига келди. Шу пайтгача ҳеч қайси бўй етган бегона қиз унга Нормурод ака, деб мурожаат этмаган эди. Қизнинг ҳолсизгина ерга йиқилганини кўриб, ҳаммасини тушунди. Қиз оёқларини совуққа олдирган эди.

— Оёқларимни сезмаяпман... — ингради Гулжамол. — Наҳотки энди шол бўлиб қолсам...

— Қайси оёғингиз?

— Иккаласининг ҳам панжалари йўқдек.

Нормурод қизнинг этигини зўрға сугуриб олди. Панжаси шишиб кетганидан қалин жун пайпоғини ечиб яланғоч оёғига қор ишқай бошлади. Ўн дақиқалар зўр бериб ҳаракат қилганидан кейин бармоқларга қон югуриб қизий бошлаганини ҳис қилиб энгил торгди.

— Қани энди сакранг. Бўлинг. Бир жойда ўтирсангиз яна оёғингиз тўнғиб қолади.

Гулжамол йигитга қўшилиб оёқларининг учиде сакрай бошлади. Бироздан сўнг у ҳам қизиб, бўйсунмаётган оёқларига жон киргани сезилди.

Нормурод гулханнинг тагида қолиб кетган биринчи гилдиракнинг қизиб турган темир дискини чўкичга илдириб тортиб олди ва қор сепиб совутди. Кейин ўриндиққа ёзиб қўйган кўрпачани олиб келиб унинг устига тўшади.

— Оёғингизни оловга яқинроқ суриб ўтиринг. Совуқ олдириш билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Нормуроднинг қўлидан шунақа меҳрибончилик ҳам келиши мумкинлигини ўйлаб Гулжамолнинг кўнгли ийиб кетди. Беихтиёр уни Носир билан яна таққослай бошлади. Бир пайтлар янги олган, пошнаси ингичка туфлисини кийиб тош тўшалган йўлда кетиб бораётганида, ҳали бунақа туфлига мослашиб улгурмаганми, туртиб чиққан тошга депсиниб оёғини қайириб олгани эсига тушди. Ўшанда Носир унинг қўлигидан суяб олганди, аммо то ётоқхонага боргун-

ларича уни эҳтиётсизлик қилгани учун мингиллаганча койийвериб қонига ташна қилиб юборганди.

Бўрон аста-секин пасайиб, оддий шамолга айланди. Қор парчаларининг юзларига нина санчилгандек урилиши ҳам тўхтади. Булутлар тарқаб осмонда ой кўринди. Тонги изгирин бошланди. Яна қашқир улиди. Нормурод товуш келган томонга ўгирилди. Уч юз қадамлар наридаги кичикрок бархан устида, тумшугини осмонга кўтарганча, ойга қараб улиётган бўрининг шакли ойдинда қорайиб кўринарди.

— Мода қашқир, — деди Нормурод худди ўзига ўзи гапираётгандек паст товушда. — Жуфтани қидириб юрибди.

— Уни энди ҳеч қачон топа олмайди, бечора, — деди қиз ҳам аллақандай ҳазин товушда.

— Ҳа, топа олмайди. Уни жуфтидан биз айирдик. Балки у, то ўлгунича бизни қаргаб ўтар.

Нормурод хаёлига келган фикрдан ўзи ҳам ажабланди. Унга нима бўляпти ўзи?! Йўқ, олдинлари у бунақа фикрлардан йироқ юрарди. Нега бирдан жуфтидан айрилган бўрига раҳми келиб кетяпти? Балки одамзод ўлим билан юзма-юз келганда шунақа мушоҳада қиладиган бўлиб қолармикан? Буни у ҳеч қачон тушунтириб бера олмайди. Бир тилсиз ҳайвоннинг қарғишидан нега кўрқаяпти — буни ҳам билмайди.

— Агар уни ўлдирмасангиз, у мени бурдалаб ташларди.

— Наҳотки ҳаётда бировни сақлаб қолиш учун кимнидир ўлдириш керак бўлса? Галати туюлмаётганими сизга?

Гулжамол оддий аравакаш деб менсимай юрган йигитнинг файласуфларча гапира бошлашидан ҳайрон қолди.

— Билмадим. Балки яшаш учун кураш деганлари

шу бўлса керак-да...

Шу ерда суҳбат узилиб қолди. Гулхан яна пасая бошлаганди. Бўрон тўхтаган бўлса-да, совуқнинг захри пасаймаган, изгирин суякларини қақшата бошлади. Бир оёғидан ажраган чўлтоқ машина тумшугини қорга тикқанча, улкан музқояга айланиб бораётган эди. Энди унинг иккинчи оёғини ҳам юлиб олиб ёқмаса бўлмасди.

Нормурод қўлига чиппа ёпишадиган темир домкратни энди иккинчи гилдирак остига ўрнатаётганида музлаб қолган бўрининг жасадига тепиниб кетди. Агар ўшанда чўкични мўлжалга тўғри уролмаганида ҳозир ўзларининг жасади шундай тўнғиб ётган, ёхуд бўри ўз жуфтани мазали гўшт билан меҳмон қиладиган бўлармиди... Кимнингдир ўлими яна кимгадир яшаб қолиш учун имконият бўлса... Ҳа, яшаш учун кураш деганлари жудаям жумбоқли масала экан...

Гилдиракни қийнала-қийнала ечиб олди. Гулхан бироз тутаб туриб яна алангаланиб кетди. Қизнинг қалтираётган вужудига яна иссиқ ўрлади.

— Нимани ўйлаяпсиз, Гулжамол?

Гулханга маъносиз термулиб турган қизни суҳбатга тортмоқчи бўлди йигит.

— Бева қолган қашқирни ўйлаяпман. Ёлғизлик ёмон нарса. У энди қандай кун кечираркан-а...

— Нима қиларди, бошқа бир ҳайвонни топиб олади. Улар шунчаки бир йиртқич. Уларда садоқат, вафо деган тушунчалар бўлмайди.

— Билмадим. Аммо бир нарса эсимга тушиб кетди. Ўн беш йил бурун, мен тўртинчи синфда ўқиб юрган пайтимда катта опамнинг эри — Самад поччамни ўлдириб кетишганди. Нима учун ўлдиришганини билмайман. Лекин опамнинг хуни бийрон бўлиб йиғлагани ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўшанда йигирма уч ёшли опам икки норасидаси билан тул қолганди. Орадан бир неча йил ўтиб

Суратларни Даврон РАЖАБ чизган



уёқ-буёқдан унга оғиз солиб совчилар ҳам келиб туришди. Опам барчасини қайтарди. Яна бир неча йилдан сўнг мен мактабни тутагдим. Анча-мунчага ақлим етиб қолганди. Опамдан "Нега турмушга чиқмаяпсиз?" деб сўрасам, "Поччангдан уяламан", деганди. "Аллақачон кўкариб чиққан поччаннинг нимасидан уяласиз?" десам, опам бир ўкрайиб қўйди. Поччаннинг катталаштирилган суратига узоқ термулиб қолганидан кейин менинг гапим ўринсиз, бунинг устига жудаям қўпол чиққанини тушуниб тилимни тишлагандим...

Нормурод ҳам унинг ээгин ҳикоясидан таъсирланиб, маъюс тортиб қолди.

— Бу қашқирнинг ойга тикилиб туриши опамнинг суратга термулиб сукутга толиб ўтиришини эслатиб юборди...

Қизиқ, ҳозиргина ажалга рўпара келган, бунинг устига ҳали ҳам совуқда музлаб ўлиш хавфи чекинмаган, борса гумон йўлда турган қизнинг ёввойи бир йиртқичга ачиниш шунақа гапларни гапириб ўтириши йигитни ҳайратга солди. Ҳа, инсон феъл-атвори шунақа тушуниксиз, галати бўларкан-да. Ёши ўттизга етиб, шунақа нарсалар ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаган экан...

Нормурод учинчи гилдиракни ҳам гулханга келтириб ташлади. Шарқ уфқи аста-секинлик билан ёриша бошлади. Қашқирнинг овози энди бутунлай ўчди.

— Анавини қаранг, — деди қиз ёриша бошлаган барханга имо қилиб.

Нормурод бархан устида бир неча соат олдин қандай ойга термулиб улиган бўлса, ҳамон ўшандай қилт этмай турган бўрига ҳайрон қолди. Кейин барига тушунди: жуфтидан айрилган йиртқич ойга кўзларини тикканча муз қотган эди. Енгил шамолда унинг юнглари тебранмас, балки муз билан қопланганидан, тонгнинг заррин шафагини ўзида акслантириб, жилваланиб турарди.

— Музлаб қолибди, бечора... — деди йигит оғир хўрсиниб.

— У ўлмаслиги ҳам мумкинми? — сўради Гулжамол йигитнинг оғзига термулар экан.

— Қайдам, балки бархан устида қотиб турмасдан

уясига кириб ётганида ўлмаслиги ҳам мумкин эди.

— Демак, у жуфтини ташлаб кета олмаган... — қизнинг товуши ҳазинликка шунчалик чулгангандики, Нормуроднинг юраги эзилиб кетди.

“Демак, — йигитнинг хаёлидан ўтди, — у бошқасини топиб олишни мутлақо истамаган. Ҳамроҳисиз яшашни ҳам...”

Улар ўз ўйларига фарқ бўлиб туришаркан, ҳайвонларча садоқатга қўйилган ҳайкалга ўхшаб, осмонга ҳасратли термулганча тош қотган мода бўри жасадига қарашга ҳеч бирларининг юраги бетламасди.

Ягона гилдиракда қолган машина бутунлай қорга сингиб кетганди. Нормурод ҳали тонг отиб, техникалар ҳаракатга келишига икки соатдан ортиқ вақт борлигини чамалаб, сўнгги гилдиракни ҳам ечиб олиш таралдудини кўра бошлади. Қарийб бир суткадан бери туз тотмаганлиги, бунинг устига совуқ ва бедорликдан ҳам кўра миясини пармалаб ўтаётган фикрлар унинг силласини қуришти ташлаганди. Бўёғи тезлашиб кетди. Сўнгги гилдиракни алангага айлантирганидан кейин бошлари айлана бошлади. Гулжамолнинг гаплари олисдан келаётгандек туюлди. Бир пайт қизариб чиқаётган қуёш фонида аллақандай юк машинасининг қораси кўринганида у енгил торгандек бўлди. Ялдо кечасидек туганмас туюлган даҳшатли туннинг синовига бардош берган, муҳими, ўз ҳаётини унинг ихтиёрига топширган қизни ўлим чангалидан олиб қолганига ишониб маъюс жилмайиб қўйди. Юзма-юз жангда рақибдан устун келган паҳлавондек қониқш ҳосил қилганди. Оёқларидан мадор кетаётганини ҳис қилиб, музлаган қорга шилқиллаб тушди. Гулжамолнинг олисдаги машинани қаршилаб йиғлаганча чопиб кетаётгани худди тушдагидек олачалоқ кўринди ва кўзлари юмилди.

Орадан уч ой ўтиб апрелнинг ёмғирли кунларининг бирида Гулжамолнинг тўйи бўлди. Ҳамкасбларини ҳайратга солиб, саноат кўламидаги илмий тадқиқотлар бўлимининг лаборанти қорхонанинг келажаги порлоқ, илмий даражали бош муҳандисига эмас, балки унинг ҳайдовчисига турмушга чиқиб кетди...

## ҚИРОН

Тонг саҳардан забтига олган изғирин қош қорая бошлаганда бироз пасайиб, пешиндан бери учкунлаётган қор ростакамига гупиллай бошлади. Абдурахмон чорва сурувни ўтовига яқин пастқамликдаги қалин саксовулзорга эндирди. У ер сал бўлса-да шамолдан пана, совуқни қайтариб туради.

Чорва ҳангисининг тўқимини ечди ва жул ўрнида ишлатадиган эски пахталигини ёпиб, айил билан тортиб боғлагач, уни сурув ичига ҳайдаб юборди. Сурув атрофида ҳушёр айланиб юрган Қиронга бир муддат тикилиб тургач, кўнгли хотиржам тортиб, тўқимни кўтарганча, оғир қадамлар билан ўтовга қараб юрди. Ўтовнинг ўртасида, гулхан ёқиш учун мўлжалланган чуқурчадаги чўғлар аллақачон қулга айланиб қолган экан. Чорва қосов билан уни титкилаб, кичикроқ чўғни топиб олди. Устига қороз ва қуриган янтоқни босиб, пуфлай бошлади.

Озгина уринишдан сўнг янтоқ гуриллаб ёниб кетди. Чорва гулханга саксовул кундаларини ташлади. Ўтов бироз исиб, чорванинг музлаган қўлларига ёқимли илиқлик югурди. Шундан кейин, қора қумғонга сувни яримлатиб, гулханга қўйди. Қанийди, шу пайт тўқсон беш бўлса. Изғиринда, гулхан ёнида ўтириб, аччиқ чойни қуйиб, майдалаб ўтирса. Бироздан сўнг сув қайнай бошлади. Дастурхонни титкилаб, ярим пиёлача нон ушоқларини топди. Қайноқ сувда ивтилган ушоқлар унга шоҳона таомдек туюлиб, узоқ тамшаниб еди. Ичига иссиқ кириб, қулдираётган ошқозони ҳам бироз ором олгач, уйқу элита бошлади. Фафлат босиб ухлаб қолмаслик учун, ташқарига чиқди. Саксовулзордаги сурувидан хабар олди.

Қор ҳамон гупиллаб ёғар, Бўриётоғи саҳроси буткул оқликка чулганиб борарди. Сурув тарвақайлаб ўсган

улкан саксовуллар орасида хотиржам кавш кайтариб ётарди. Чорванинг ўтовдан чиққанини кўрган Қирон, ёшлигида кесилган чўлтоқ думини ўйнатганча унга пешвоз юрди.

— Ҳа, Олавой, осойишталикми? — Чорва унинг калта қулоқларини, пешонасини совуқдан қорайган, ёрилавериш қадок бўлиб кетган гўштсиз бармоқлари билан силаган бўлди.

Чорва Қирон билан сурувнинг атрофини айланиб, синиб тушган саксовул шоҳларини бир кучоқ қилиб кўтарганча ўтовга қайтди. Бироздан кейин Қирон ҳам ортидан кирганида, пасайиб қолган гулхан яна гуриллай бошлаган эди. Сал исиниб олган Қироннинг ҳам катта-катта жигарранг кўзлари юмила бошлади.

— Бўлди, энди сен чиқақол, Олавой. Сурувдан кўз-қулоқ бўл.

Қирон қари хўжасининг гапига тушунгандек, ўтовдан чиқиб сурув ёнига йўртди. Чорва унинг ортидан қониқиш билан қараб мийиғидан кулиб қўйди.

... Бунга ўн йилдан ошиб қолди. Ўшанда қишлоқдан отарга қайтаётган эди. Кичик ариқда чўмилаётган болалар уни кўриб жимиб қолишди. Шунда ангиллаган миттигина кучукчанинг овози эшитилди. Чорванинг эшаги тўхтаганини кўриб шумтакалар ура қочи бошлишди. Кучукча эса ҳамон зорланиб ангиллар, митти, жиққа хўл вужуди қалт-қалт титрарди. Чорва ёшлигида улоқчи чавандоз бўлмаганми, шартга эгилдию кучукни даст кўтариб олди. Ола кучукчанинг кўзлари эндигина очилган, бешафқат болаларнинг қўлида ҳолдан тойганди. Чорва уни чопонининг барига ўраб отарга олиб келди.



Шундан бери икковлон аҳил дўст. Қирон кун-кундан улғайиб, айиққа келбат берадиган, улкан бўрибосарга айланди. Анчагина иноқлашиб, бир-бирини битта имо билан тушунадиган бўлиб қолдилар.

...Қирон сурув ётган саксовулзорни айланиб, йирик-йирик бута таналарига пешоб қилиб чиқди. Бу билан, энди бу жойлар унга тегишли эканлигини расмийлаштириб, бу ерга яқинлашган жондорга огоҳлантириш қўйиб кетарди. Яқин беш-олти йилдан бери Абдурахмон чорванинг сурувига бўри оралаганини ҳеч ким эслай олмайди. Қироннинг довури бутун саҳрога ёйилиб улгурганидан, қашқирлар унинг ҳиди анқиган жойнинг бир чақирим нарисидан айланиб ўтишарди. Чорва ҳам ҳеч қайси чўпон тунашга юраги дов бермайдиган Бўриётоғи саксовулзоридан жой танлагани ҳам, бир томондан Қиронга бўлган чексиз ишончидан эди.

Икки кун олдин, ҳали чилланинг қорасовуқлари келиб улгурмасидан Абдурахмон чорва ўзига чўлиқлик қилаётган ўгли Абдурахмонни қишлоққа жўнатди. Озиқ-овқатнинг таги кўриниб қолган, ва энг асосийси нос ва чой тугаб бўлганди. Узоғи билан эртаси куни келиши керак бўлган Абдурахмон, учинчи кундирки қорасини кўрсатгани йўқ.

“Ҳа, бола-я, бола! Саҳрода оч-наҳор қолган отасидан кўра хотинининг иссиқ кучоғини афзал билган бола!” — Абдурахмон чорва шуларни ўйлаб, бир газабланиб, бир кўнгли чўкиб, пасая бошлаган гулханга ўтин ташлаш ҳам эсига келмай, устига қирқ йиллик почта пўстинини торганча уйкуга кетди.

Тонга яқин қор тўхтаб, ҳақиқий қорасовуқ бошланди. Қорда дикирлаб сакраб юрган Қироннинг бутун вужудига игна санчилгандек бўлди. Озроқ исиниб олиш умидида саксовулзорни айланиб югура бошлади. Барибир бўлмади. Энг сўнги чора, яъни ўтовга ўзини уриб, гулхан ёнида бироз исиниб олмаса изғирин аччиғига чидай олмасди. Қирон секингина, думини қисиб, ўтовга кирди. Гулхан аллақачон ўчган, хўжаси эса, почапўстинга ўралганча қимир этмай ётарди. Қирон почапўстинни тишлаб тортди. Хўжаси кўзлари юмук, юзи эса муздек эди. Қирон унинг юзларини ялай бошлади. Шунда хўжаси билинар-билимас нафас олаётгани сезилди. Хўжасининг кўзлари бироз очилгандек бўлди.

— Қирон... Совуқ... Гулханни ёқиш керак.

Қирон эшикка ўрнатилган кигиз ёнида синдириб тахлаб қўйилган саксовул шоҳларини бирин-кетин тишлари орасида ташиб, сўна бошлаган чўғ устига ташлайверди. Абдурахмон чорва инқиллаб ўрнида туриб чўғни пуфлай бошлади. Акашак бўлиб қолган қўллари унинг эркин ҳаракат қилишига монелик қилар, Қироннинг келтирган ўтинлари йирик ва аралаш-қуралаш қўйилгани учун аланга олмасди. Абдурахмон чорва қўйнидан газета парчасини олиб, зўрга ўгиннинг орасига тикди. Пуфлашга эса мадори қолмаганди. Ташқарида ҳуштак чалаётган изғирин эшик ўрнидаги кигизни худди кеманинг елканидек шишириб лопиллатарди. Қирон чопиб бориб, кигизнинг бир учини тишлаганича эшикни қия очди. Совуқ шамол шаҳд билан ўтовга ўзини урди. Чўғ бирдан алангаланиб, гуриллаб кетди. Атроф ёришиб, ўтовга илиқлик югурди.

Абдурахмон чорва инқиллаганча ўридан туриб, палапартиш ташланган шоҳларни косов билан тартибга келтирди. Гулхан бир маромда гуриллаб ёна бошлади. Анчагина қизиниб, ўзига келиб олган Қирон ҳам ташқарига чиқди. Унинг ҳам хўжаси сингари қорни оч эди. Саксовулзорнинг адоғидаги кичикроқ бархан устига чопиб чиқиб, шарққа, қуёш бош кўтараётган томонга

узоқ термулиб колди. Кичик хўжа шу томондан келади. Йўқ. У ҳамон кўриниш беравермасди. Қирон унинг келишидан умидини узиб, бошини осилтирганча яна ортга қайтди. Кечаси белги қўйиб чиққан чегаранинг бузилган-бузилмаганини текшириб саксовулзорни айланди. Ҳаммаси жойида. Сурув тонг отиши билан ялангликка ёйилиб кетди. Қор остида, намиқиб, хушхўрлашган янтоқ ва шувоқ қолдиқларини териб ея бошлашди. Қирон бир муддат сурувнинг атрофида айланиб юриб шубҳали нарса кўрмагач, яна ўтовга қайтди.

Абдурахмон чорва гулханга қараб ўтирганча оёғини тинимсиз уқаларди. Қирон унинг олдида чўкка тушиб, тилини осилтирганча мўлтираб қаради. Чорва жонсиз қўллари билан итнинг улкан бошини силади.

— Шунақа гаплар, Олавоёй, оёқни олдирганга ўхшаймиз.

Қирон гўё тушунгандек, унинг яланғоч оёғини ялашга яладию, бирдан тилини тортиб олди. Хўжасининг муздек оёқларидан ўлик ҳиди келарди. У бошини кўтариб аянчли гингшиб қўйди.

— Ҳа, сен ҳам сездингми, Олавоёй. Оёқдан жудо бўлди. Энди ҳолимиз нима кечади-а, Олавоёйгинам? — Абдурахмон чорванинг қоқсуяк бармоқлари титраб, киприклари намланди.

...Қирон ялангликда ёйилиб юрган сурув атрофини айланиб чиқди. Кейин бархан устига чиқиб яна кунчиқар томонга умид билан узоқ тикилиб қолди. Кичик хўжадан дарак йўқ эди. Ичикиб гингшиди. Бурилиб пастга туша бошлаганида сўнгги умид билан яна ортига қаради. Сахро оппоқ, қимирлаган қора кўринмасди. Шунда кунботар томондаги улкан бурғулаш минорасига кўзи тушди. Ўтган баҳордаги воқеалар кўз олдида гавдаланди.

Ушанда йил яхши келиб, саҳрони яшил гиламдек барра ўт қоплаганди. Сурув икки баробар кўпайиб кетган. Диркиллаган кўзичоқларининг маъраши атрофни тутарди. У қишда туғилган, анчагина йирик кўзи билан ўйнашиб, сурув орада юрган эди. Шунда бир қора машинада тўрт-беш киши ўтовга қараб кела бошлади. У кўзичоқни унутиб машинанинг йўлини кесиб, вовуллаганча бостириб бора бошлади. Машина уни чаққонгина айланиб ўтиб, тўғри ўтов ёнида оёқ илди. Қироннинг газаб билан ташланишга тайёр турганини кўрган машинадагилар, эшикни очишга юраклари бетламасдан, қаттиқ-қаттиқ сигнал чалганча туравердилар. Бир пайт хўжаси етиб келди.

— Олавоёй, бўлди, бас қил. Бор, ишингни қилавер!-деганидан сўнг машинадагиларга ёвқараш қилиб, сал нарироққа бориб, уларнинг ҳар бир ҳаракатини кўздан қочирмай кузатиб ётаверди.

Улар машинадан тушиб хўжаси билан суҳбатлашишди. Кейин, ўтлоқ устига намат тўшаб ёнбошлаб олишди. Машинадан турли халталарни олиб, дастурхонни тўлдиришди. Қироннинг димоғига ўткир, иштаҳасини қитиқлаб, сўлагини оқзиб юборган ҳидлар кела бошлади. У шунда ҳам ўз обрўсини сақлаб, уларнинг ёнига яқинлашмади. Кичик хўжаси бир кўзини ушлаб, ўтов орқасига олиб ўтиб сўйди. Тез орада қозонда қовурилатган гўштнинг ёқимли ҳиди атрофни тутиб кетди. Бошида ваҳима билан кутиб олган бўлса-да, бу келувчиларга эл бўлгиси келди. Бир пайт хўжаси уни ёнига чорлаб қолди. Секин ўрнидан туриб, виқор билан бир-бир қадам босганча унга яқинлашди. Қироннинг келбатини кўриб қорачадан келган мўйловли киши қийқариб юборди.

— Ў, Абдурахмон ака, бунингиз айиқполвоннинг ўзи-ку! Ҳар қандай итни бир мартадан ўтказмаса керак.

Сотмайсизми? Қанча сўрасангиз берадим!

— Бу гапингизни қайтиб тилингизга олманг, укам! Одам ўз дўстини ҳам сотадими?! Ана, сурувдан хоҳлаган кўчқорингизни сўранг, бериб юбормаган номард. Лекин Қиронни сўраманг!

— Бўлди, бўлди, Абдурахмон ака. Сўзимни қайтиб олдим.

Мўйловдор секин Қироннинг бўйнидан силади. Чақалоқнинг муштумидек келадиган, хушбўй ҳидли емишни олиб унга тутди. Қироннинг егиси келатган бўлсада, унга юзини бурмади. Хўжасига қаради.

— Ол, олавер, Олавоёй.

Қирон кишининг кўлидан сирли, хушбўй ҳид таратаётган емишни олиб, нарироққа чўкди-да, иштаҳа билан тушира бошлади.

Кейин улар машинага миниб, саҳродаги улкан минорага қараб кетишганди.

Уларнинг ёнига бориш керак. Фақат ўша одамларгина хўжасига ёрдам бера олиши мумкин.

Қирон хотиржам ўтлаб юрган сурувдан кўнгли тўқ, ўтовга қайтиб кирди. Хўжаси энди хириллаб нафас олганча почапўстинга ўралиб ётарди. Қирон ўтовдан ўқдек отилиб чиқиб, улкан минора турган тепалик томонга чопиб кетди.

Оппоқ қорга бурканган тепаликка чиқиб борганида миноранинг шовқинидан қулоғи том битиб, титраётган ерга оёғини зўрга босарди. Бу ваҳимали минорага яқин боришга юраги дов бермас, аммо ортга қайтишга ҳам ҳаққи йўқ эди. Шунда у чўкка тушиб олганча баланд овозда вовуллаб бошлади.

... Пармалаш минораси атрофида юрган уч-тўрт киши бор кучи билан ишлаб, улкан долотани айлантирганча ерни ўйиб бораётган дизеллар шовқинида итнинг товушини эшитмадилар. Шу пайт берироқдаги вагончадан бир йигит чиқиб, бўрибосарга ҳайрон бўлиб қараб қолди. Кейин унинг салобати ва ваҳшатидан қўрқиб, икки қадам ортга тисарилди. Чўчинқираганча яна итга тикилди. Қиронни таниди шекилли, бир нималар деб бақирганча минора ёнидаги одамлар томонга юрди.

— Жумамурод ака! Ҳов, Жумамурод ака! — Йигит шовқинни босиб баланд овозда чақирди.

Минора атрофида ғоз юриб, бурғучиларга кўрсатма бераётган смена бошлиғи Жумамурод унга ўтирилди.

— Нима дейсан?

— Э, ака, бу ёққа қаранг. Абдурахмон чўпоннинг сизга сотмаган ити ўз оёғи билан келиб турибди!

... Қирон мўйловдор кишини дарров таниди. Шовқин ва ернинг титрашидан пайдо бўлган қўрқув ҳам унутилиб, ўзига хуштаъм емиш тутган кишининг ёнига чўлтоқ думларини ликиллатганча йўртиб борди. Мўйловдор қўрқа-писа унинг бўйини силади. Қирон Бўриётоғи саксовулзори томонга ўгирилиб вовуллаб қўйди. Мўйловдор эса ёнидаги йигит чиқариб берган бир паррак колбасани Қироннинг оғзига тутди. Ундан тилидан ҳамон таъми кетмаётган баҳордаги емишнинг хушбўй ҳиди келарди. Қирон оч эмасми, емишни апил-тапил чайнаб ютиб юборди. Кейин мўйловдорнинг баридан тишлаганча Бўриётоғи томонга тортқилар, аянчли гингшиб қўярди. Мўйловдор эса унинг гапини уқмасдан, ёнидаги йигитга бир нарсаларни шивирлаб ичкарига киритиб юборди...

Жумамурод ёшлигидан ит уриштиришга қизиқар, қиш кунларида шаҳар четидаги ташландиқ боғда бўладиган итлар жангини битга қолдирмай томоша қиларди. Келгуси ҳафтада катта жанг бўлади. Бухородан "Тайсон" деган чемпион ит келармиш. Эҳ-ҳе, унга



тикиладиган пулни кўрсанг эди! Икки-уч йилдан бери "Тайсон"нинг олдига тушадигани йўқ. Уни фақат шу Қирон ютиши мумкин! Ўз оёғи билан келган хазинани қўлдан чиқариб бўладими!

Йигит бурғучилар минора тепасидаги, палати деб аталадиган кичик кабинага чиқаётганларида хавфсизлик учун бир учини минорага, бир учини белларига боғлаб оладиган пўлат занжирли чарм камарни олиб чиқди. Жумамурод итнинг бошини силаб турганча камарни чаққонлик билан бўйнига солиб маҳкамлади.

Қирон бирдан хушёр тортди. Бундай хиёнатни кутмаган итнинг газаби тошиб, мўйловдорни бир зарб билан аганатди ва ортга қайтди. Мўйловдор ва ёнидаги йигит икковлашиб унинг йўлини тўсганча ҳай-ҳайлашар, аммо газабланган бўрибосарга яқинлашишга журъат топишолмасди.

Қирон оғир занжирни судраб яна Бўриётоғига қайтиб келди. Бироз олислаб кетиб қолган сурувни ортга қайтариб келгач ўтовга кирди. Хўжаси ҳамон оғир-оғир нафас олар, чўгдек қизиб кетганди.

Қирон бархан устига чиқиб, кунчиқарга термулди. Бу сафар саҳрони кесиб ўтган йўлдан қандайдир, ҳаракатланаётган нарса кўринди. Бўйнидаги лаънати занжирни базўр судраб чопа бошлади. У йўлнинг ўртасида туриб, машинани сабр билан кута бошлади.

... Қор босган йўлда имиллаганча "Виллис" машинаси ўрмалаб келарди. Бу бурғучиларнинг машинаси бўлиб, ёшгина йигит бошқарар, ёнида тинимсиз сигарета тутатаётган геолог ўтирарди. Йўлнинг ўртасида турган баҳайбат итни кўриб, ҳар иккаласи ҳам ҳайрон бўлиб қолишди. Улар яқинлашганларида ит бирикки вовуллаб, машина олдида занжирни судраганча худди йўл бошлаётгандек бораверди. Чамаси, Қироннинг омади чопиб қолди-ёв, улар итнинг имосини илгашди.

— Бунда бир гап бор, Равшан, секин унинг ортидан боравер-чи! — деди геолог ҳайдовчига.

Ит кунботарга бурилди. Машина ҳам эҳтиётлик билан унинг ортидан эргашди. Ит уларни тўғри чўпонлар ўтовига бошлаб борганида, машинадагилар бирон ҳодиса содир бўлганига тўлиқ ишонишди. Машина тўхтаганида ит гингшиганча ўтовга кириб-чиқар, чопқиллаб уларнинг ёнига келиб, яна ўзини ўтовга урарди. Геолог ўтовга киргач, чўзилиб ётган Абдураҳмон чўпонни кўриб эҳсонаси чиқиб кетаёзди. Пўстинни тортиб, унинг юзига қўлини босди. Чўпоннинг иссиғи баланд, алаҳдаб ётарди. Улар шоша-пиша уни кўтариб машинага олиб чиқишди. Қирон ҳам ўзини машинага урмоқчи эди, аммо бироз ўзига келган Абдураҳмон чорва инқиллаганча "Сен сурувга қара, Олавоёй," деганидан кейингина шаҳидан қайтиб, то машина катта йўлга чиққунича занжирни шиқирлатиб судраганча унга эргашди.

...Қош қорайиб, яна саҳронинг кечки изғирини бошланаётганди. Яланглик бўйлаб тарқалиб кетган сурувни минг битта азоб билан йиғиб, саксовулзорга ҳайдади. Бўриётоғига гуж бўлган сурувни айланиб, яна ўз чегарасини янгидан белгилагач, бархан устига чиқиб, то кун ботиб, мудҳиш қоронғулик саҳрони буткул чулғаб олмагунча, хўжасини олиб кетган машина кетидан термулиб тураверди. Совуқ жонидан ўтганидан кейингина, ўрндан қўзғалиб сурув томон юрди. Очлик ва совуқдан тинка-мадори қуриб борар, ҳатто бўйнига осилган занжирни ҳам судрашга ҳоли қолмаганди. Бўйнидаги чарм камардан халос бўлишга уринишлари беҳуда кетди. Тун ярмидан оққанда ҳолсизликдан кўзи юмилаётган экан, қари серканинг кўнғироғи асабий жаранглашидан хушёр тортди. Қўй-қўзилар безовталаниб, пайдар-пай маърай бошладилар.

Қирон аллақандай ички сезгиси билан сурувга қашқир оралаётганини сезиб, ўша томонга отилди. Эвоҳ, арслон кучдан қолганини сезса чиябўрилар ҳам гимирлаб қолар экан-да! Унинг силласи қуриганини қаердан билди экан бу жондорлар! Қирон газабдан вужудига куч инаётганини ҳис қилди. У худди, бир неча йил олдинги ёш ва кучга тўлган паллалардагидек сездди ўзини. Дуч келган қўйни бўғизлаб бораётган улкан арлони бўрининг олдини тўсиб чиқди. Бир неча сония кўзлари тўқнашганидан кейин бўри унга ташланди. Қирон бундай жангларнинг ҳадисини олиб улғайганидан, тезда чап бериб, унинг кекирдагидан олганча босиб тушди. Бўри ёш ва бақувват, Қирон эса кучдан қола бошлаган, бунинг устига бир неча кундан бери оч эди. Лекин Қирондаги чексиз газаб ва тажриба ўз сўзини айтди. Бўри минг уринса-да унинг омбурдек қисилган жағлари орасидан чиқиб кетишнинг йўлини топа олмади. Қашқир аста-секин ҳолсизланиб, ҳаракатлари сусая бошлаганида урғочиси жон-жаҳди билан ёрдамга ташланди. Унинг зарбидан Қирон ағанаб, остидаги бўри уни босиб тушган бўлса-да, аммо бўрининг бўғзини ҳамон қўйиб юбормасди. Бу жонжабрлик уни асраб қолди. Устидаги жондор қалқон вазифасини ўтаб турар, урғочи қашқир унинг кекирдагидан олишига имкон тополмасди. Шу пайт бўрининг жони узилди. Уни қўйиб юборганида йирик, ёлдор боши шилқиллаб тушди.

... Абдураҳим уйга қайтганидаёқ, ҳеч бўлмаганда икки кун уйда қолишни режалаштирганди. Отаси очидан ўлмади. Ана, хоҳлаган қўйни сўйиб еяверсин. Шу лаънати қўйларни деб, изғирин саҳрода юраверадими? Уйланганига олти ой бўлди. Шундан бери икки, нари борса уч марта келгандир, холос. Чорвага қолса, йилда бир марта ҳам уйга жўнатай демайди. У кечга яқин эшагини қичаб ҳайдаганча уйга кириб келди. Анчадан бери қирилмаган сийрак соқоли, телпаги булдуруқлаган, ҳар нафас олганида оғзидан булутдек бўлиб ҳовур чиқарди. Ҳали келинчаклик уйнинг файзи аримаган хонасига кирганида Гулсумнинг майин жилмайиб салом беришидан, эҳтироси жўш уриб кетди. Хотинини чанқоқлик билан бағрига босмоқчи эди, у нозланиб кўксидан итарди. "Олдин бу ислиқиларингизни ечиб, ювиниб олинг".

Абдураҳим илиқ сувда узоқ ювинди. Охирида соқолини ҳам қиртишлаб, арчилган тухумдек силиққина бўлиб чиқиб келди. Тунни маромида ўтказган йигит эрталаб ҳам, индинги куни ҳам йўлга чиққиси келмасди. Учунчи куни истар-истамас, керакли нарсаларни хуржунга солиб отланди. Шу куни тунда дарёда муз кўчиб, омонатгина кўприкни ювиб кетганини кўриб, қолишга баҳона топгандек бўлди. Учиб-қўниб ортга қайтди. Онасига шуни чала-чулпа айтиб, уйга ўзини ураётганида Рисолат кампир уни тўхташиб қолди.

— Шошма, болам. Кўприк бузилган бўлса уйга кириб ўтираверасанми? Отангнинг ҳоли нима кечади. Қандай қилиб бўлмасин, борасан!

— Нима, дарёдан учиб ўтайми, ё шу изғиринда кечиб ўтайми?

Онаси индамади. Кескин ортига ўгирилиб кета бошлади. Абдураҳмон чорванинг бутун умри чўлда ўтиб, болаларни Рисолат кампир тарбиялаб ўстирганиданми, Абдураҳим қаттиққўл, айтганини қилдирмай қўймайдиган онасидан ҳайиқарди. Иложсиз ортга қайтди. Энг яқин кўприк йигирма чақиримлар нарида, бурғучилар посёлкасига борадиган асфальт йўлда эди. Агар шу йўл билан кетса ярим кечаси ҳам етиб боролмайди. Йўлда музлаб қолиши ҳеч гапмас. Ундан кўра



эшақни қўйиб, йўловчи машина пойлагани яхши. Абдурахим хуржунни елкасига ташлаганча, бетон кўприкка етиб келганида совуқнинг забтидан тўнғиб қолай деди. Абдурахим йўл четига чиқариб ташланган эски машина гилдирагини ёқиб исинишга қарор қилди. Бироз атрофни излаб, кўприк остидан қуруқ хашак ва ўтин-чўпларни топиб чиқди. Шуларни гилдирак остига қўйиб, бир амаллаб оловни ёқиб олди. Гилдирак гуриллаб ёниб, атрофни куюқ қора тутунга чулғай бошлаганидан сўнггина унинг танасидаги қалтироғи бироз босилди. Вужудига иссиқ ўрлаб, йўлга тузукроқ разм солди. Ўрқач-ўрқач, оппоқ қорга бурканган барханлар оралаб, чўл томондан имиллаб келаётган қора "Виллис" кўринди. Машина секин-секин юриб келиб гулхан тўғрисида келиб тўхтади.

— Ҳой, йигит, буёққа қарасанг-чи! — машинадан тушган ўттиз беш-қирқ ёшлардаги киши уни қақирарди.

Абдурахим шошилиб унинг ёнига борди.

— Қара-чи, манави чўпонни танийсанми? Ўтовида оғир алаҳлаб ётганида топиб олдик. Касалхонага олиб боряпмиз.

Абдурахимнинг юраги жимиллаб кетди. Орқа ўриндиқда чўзилганча, ҳушсиз ётган одам отаси Абдурахмон чорва эди.

Чорва уч кун ажал билан олишди. Ўзини айбдор ҳис қилиб, бошини қайси деворга уришни билмай турган Абдурахим ҳам, Рисолат кампир ҳам уч кун унинг ёнидан жилмадилар. Ниҳоят, тўртинчи кун тонг саҳарда чорва кўзини очди. Унинг илк айтган сўзи "Қирон" бўлди.

— Қирон... Қирон сурув билан ёлғиз қолганди. Сен ундан хабар ол. Мен тузукман.

"Ўзи ўламан деб турибди-ю, яна шу итни ўйлаганига бало борми!"

Абдурахим ноилож саҳрога қайтишга мажбур бўлди.

... Қирон кейинги куни буткул ҳолдан тойди. Лаънати мўйловдор бўйнига осган занжирни судраб барханга чиқишнинг иложини тополмади. Шунда саксовулзор томондан егулик ҳиди анқиётганини илк марта сездди. Секин судралиб Бўриётоғи саксовулзорида кириб кетди. Бу иштаҳани қитиқловчи егулик ҳиди куни кеча қашқир бўғизлаган қўйнинг жасадидан келарди. У ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмай музлаб қолган қўйнинг танасига тишини ботирди. Очликнинг зўридан бир зумда қўйнинг устихонларигача гажиб ташлади. Бир неча кун давом этган очликдан кейинги бу зиёфатдан сўнг мудрай бошлади. Кечки изғирингача ҳали вақт бор. У саксовулнинг панасида, ўзи қазиган ўрасимон инга кираб кўзларини юмди.

У шунча кун очликка мардона чидаган бўлса-да, энди ўзини тутолмай, нафснинг қулига айланиб бораётганди. Қари саксовулнинг хунук буралган шохлари панасида бўғизланган иккинчи қўйнинг ўлиги ётарди. Қирон эрмакка чайнагандек, унинг этини бурдалаб юта бошлади. Бу қўй унга бир кунлик емиш бўлди. Кейинги тунни зўрга ўтказди. Кун ёришиб, қўйлар ялангликка ўтлагани чиқишаётган пайтда очлик ҳисси чидаб бўлмас даражага қиқиб кўзига қон қуйила бошлади. Томирларида оқаётган аждодлари қони кўпириб, кўзини хиралаштириб қўйди. Жазавага туширадиган иссиқ қон ҳидининг ҳумори тутиб боши айланиб кетди. У энди олдинги Қирон эмас! Кўзлари қонга тўлиб, сурув томонга чопди. Биринчи дуч келган қўйнинг бўғзини юлиб ташлаб, оқаётган иссиқ қонини чапиллатиб ялай бошлади...

... Абдурахим геологларнинг вахта машинасида, пешин пайти отарга етиб келди. Қўйлар саксовулзорда тўпланиб, олазарак кўзлари билан атрофга боқишар, безовта маърашар эди. Абдурахим сурувга жондор

оралаган гумон қилиб, таёғини қўлида маҳкам ушлаганча атрофни айланиб кўздан кечириб чиқди. Саксовулзор бўғизланган қўйларнинг жасадига тўлиб кетганди. Баъзилари устихонигача гажилган бўлса, баъзилари эса шунчаки эрмак учун ўлдирилганлиги билиниб турарди. Абдурахим ўн чоғли жасадни санаганидан кейин бирдан Қирон эсига тушиб кетди. Отасининг севимли ити нима қилиб юрибди экан. Унинг ҳидини сезган бўри зоти борки, бир қақирим наридан айланиб ўтарди-ку!

— Қирон! Қирон!

Бўриётоғи саксовулзорида тақалиб турган барханнинг устида Қироннинг баҳайбат боши кўринди. У эриниб ўрнидан кўзгалди. Лекин негадир Абдурахим томонга юргиси келмасди.

— Қирон!

Абдурахим итнинг бу қилигидан ҳайратда қолди. Ахир Қирон унинг бир имоси билан ёнига ўқдек учарди-ку! Ўтган бир ҳафтада у гўё бошқа итга айланиб қолгандек эди.

... Қирон кичик хўжасининг қақирғини эшитганида, унинг ёнига чопиб боришга ичиди уйғонган аллақандай ёввойи туйғу монелик қиларди. Содиқ ва ақли Қирон ўзи билан хўжасининг ўртасида девор пайдо бўлганлигини ҳис қила бошлади. У энди хўжасига ишонмас, ундан бироз ҳайқиқиб, бироз бегонасираб турарди. Бир пайтлар ўзи билан хўжаси ўртасидаги меҳр, садоқат ва муҳаббат туйғулари, бир неча юз йил олдин бўлгандек, хотирасида хиралашиб қолганди. У ўша пайтларни эслагиси ҳам келмас, ҳаммасига тупуриб, бир неча кундан бери ўзи туйиб келган озодлик, масту мустағриқ қилгувчи иссиқ қон ҳиди ортидан тоабат чопиб юришни истади. Хўжаси билан ўрталарида қад кўтарган мустаҳкам деворнинг тамал тоши ҳам бўғизланган қўйнинг жон таслим қилар чоғи жисмидан оқаётган иссиқ қони таъмини туйган лаҳзаларда қўйилган эди. Энди бу деворни бузишнинг иложи йўқ.

Қирон бархан устида қаддини тиклаб, маза қилиб керишди. Яқиндагина қорнини тўйдириб олмаганми, вужудига аллақандай ёввойи куч уйғониб, чеки-чегараси йўқ саҳрода тинимсиз югуришни истади бошлади. Аллақайлардан, анави кўзга элас-элас чалинаётган саксовулзорданми вужудини сархуш қилиб, тинимсиз ўзига чорлаётган сирли бўй анқирди. У тумшугини шамолга тутиб ҳидни янада равшанроқ ҳис қила бошлаганидан кейин жунбушга туша бошлади. Шунда у итлар учун мутлақо тақиқланган ишни қилди: тумшугини осмонга кўтарганча улаб юборишдан ўзини сақлай олмади.

... Абдурахим Қироннинг бу қилигидан даҳшатга тушди. Наҳотки, шу ўзи билган Қирон шунчаликка борган бўлса. Отасига айтса, мутлақо ишонмайди! Эҳ, Қирон, Қирон! Энди унинг қайтиб келишидан умидини узиб, саксовулзорда музлаб ётган қўй жасадларини йиғиштира бошлади. Уларни саксовулга осиб қўймаса бўлмайди. Бўғизланган қўйларни акт қилувчи комиссия, керак бўлса ҳар битта суягини санаб, кейин "списат" қилади.

... Қирон бўйнидаги занжирнинг оғирлигини ҳам сезмай, олисдаги саксовулзордан анқиётган сирли бўйга қул бўлиб чопа кетди. Кун ботиб кечки изғирин уйғонгани ҳам уни шаштидан қайтара олмади. Ой кўтарилиб, ажабтовур васвасага солгувчи ёғдуси оппоқ қорда акслана бошлаганда саксовулзордан илиққан бўрининг зорланиб увлагани эшитилди. Унинг қўшиги Қироннинг баданини жимирлатиб юборди. Сеҳрли ҳид ва бу қўшиқ уни бетўхтов олдинга чорларди.



Сирли ҳид саксовулзор ичидаги мўъжаз тепаликда тўлиноғга қараб увлаётган ургочи бўридан анқирди. Қирон унинг атрофидан бир айланди. Бу ўша, яқинда сурувга ҳужум қилиб, Қироннинг жағида ҳалок бўлган ёлдор бўрининг жуфти бўлиб, ўзига янги арлон ахтараётган эди. Қирон атрофида гирдикапалак бўлиб, тонгга яқин унинг висолига етишди. Кейинги тунда икковлари бирга овга чиқдилар. Қироннинг ўз сурувга боришга оёғи тортмади. Шу ерга яқинроқ, кўҳна тошқудуқ атрофидаги сурувга ҳужум қилишди. Сурувнинг ёнида юрган иккита қора ит шовқин солиб уларга ташланганида Қирон кескин ҳаракат билан бирининг бўйинини юлиб ташлади. Иккинчисини остига босиб пийпалай бошлаганида, бўри аллақачон иккита қўйни бўғизлаб улгурганиди. Шу пайт чўпоннинг ўтови ёнидан милтиқнинг варанлагани эшитилди. Қирон итни қўйиб юбориб ўзини ғуж бўлиб турган қўйлар ичига урди. Дуч келган ўртачароқ ширбозни кўтарганча саксовулзор томонга чопиб кетди. Шундоққина бир-икки қадам ортда жуфти чопиб келаётганини ҳис қилиб, янада гайрати жўш уради.

... Ниҳоят киш ўтиб, изгиринлар барҳам топди. Сахро ям-яшил гиламга бурканиб, лолақизгалдоқлар келинчакдек қимтини юз оча бошлаганда, бўри болалади. Кўзлари юмук, митти жимитвойларни онаси ҳатто Қирондан ҳам қизғана бошлади. Тўртта узун тумшукли, қулоқлари диккайган, кулранг бўриваччалар ичида шалпанг қулоқлари осилган, тумшуғи йўғон, танасида каттагина учта сарғиш доғи бўлган қорувли, бўрига ҳеч ўхшамагани, айниқса бошқача эди. Бир ҳафтадан кейин уларнинг кўзи очилиб, саксовул тагидаги инларидан ўрмалаб чиқиб, бир-бирлари билан олишиб ўйнай бошладилар. Шунда шалпангқулоқнинг барча оғаниларидан кучлироқ эканлиги билиниб қолди. Уни онаси силтаб ташлар, эмизишни ҳам истамасди. Лекин у бўриваччаларни итариб-туртиб, онасининг эмчакларига ёпишиб оларди. Салгина улгайганидан кейин Қиронга эргашиб, узоқ-узоқларга кетиб қоладиган ҳам бўлди. Она бўри Қиронни энди мутлақо ўзига яқинлаштирмай қўйди. Қирон ҳам қишки эҳтирослари совиб бўлганиданми, инига онда-сонда бир келар, шунда ҳам у ерга бош суқмай, фақат ўзига ўхшаб кетадиган боласи билан бироз ўйнади-да, кейин яна қорасини кўрсатмай кетарди. Шундай кунлардан бирида у боласини эргаштирганча бутунлай уясини тарк этди.

... Абдураҳмон чорвага икки ой деганда рухсат тегиб, шунда ҳам қўлиқтаёқ билан касалхонадан чиқди. Қолган бир ойлик муолажани уйда оладиган бўлди. Касалхонада ётганида ҳам, уйга келганидан кейин ҳам, бир зум бўлса-да қадрдон Қирони ҳақидаги хаёллар уни тарк этмасди. Агар шу ити бўлмаганида ўтовда ўлиги музлаб қолиб кетаверармиди. Шуларни уйлаганида мижжасида икки томчи иссиқ ёш пайдо бўлади.

Қироннинг бир ургочи бўрига илакишиб, Бўри-ётоғи саҳросидаги сурувларни қон қақшатаётгани ҳақидаги мишмишларни эшитиб Абдураҳмон чорванинг газаби қайнаб, тошиб кетарди. Буни кўролмаслар иғво қилаётганига ишонар, ҳали уларнинг оғзини ёпиб қўйиш қўлидан келишини бот-бот такрорларди.

Баҳор илиқ келиб, дов-дарахтлар гуллай бошлаганида Абдураҳмон чорва энди уйда ўтиролмаслигини

ҳис қилиб, сахрога отланди. Рисолат кампирнинг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай кўк хангисини тўқимлай бошлади.

Отарга келганида тўл авжида, Абдураҳим билан чўлиқ йигит қўли-қўлига тегмас, уйқусизлик ва чарчоқдан кўзлари юмилиб-юмилиб кетарди. Чорва нигоҳлари билан излаб Қиронни тополмади.

— Абдураҳим, Қирон кўринмайди?

— Э, қўйинг ота, шуни эслатманг.

Чорва ичидан зил кетди.

— Ҳа, — деди бироздан сўнг, — нима бўлди?

— Э, нимасини айтасиз, қиш бўйи барчамизни қон қақшатди, ҳаром қотгур! Аллақандай ургочи қашқирга илакишиб, сурувларга ўрлай бошлади. Унга ҳеч қандай ит бас кела олмас. Икки марта отдим. Чап бериб қолди, ярамас!

Кун ботиш арафасида қўй-қўзиларнинг безовта маърашини эшитган чорва ўткир кўзлари билан айикдек келадиган баҳайбат ола итнинг йириккина кўзини жағига олганча саксовулзорга уриб кетаётганини кўрмаганида Абдураҳимнинг бу гапларига ўлақолса ҳам ишонмасди.

Эрта тонгда у хангисига миниб, хуржунига қўшотарини солганча Қирон кетган томонга йўл олди. Саксовулзор оралаб анча юрганидан сўнг, кучукнинг ириллаган, вовуллаган товушлари эшитилди. Улкан саксовулни айланиб ўтса... Не кўз билан кўрсинки, Қирон ястаниб ётар, худди ўзига ўхшаган ола кучукча унинг териларини тортқилаб ўйнади. Қироннинг ёнида кечаги олиб қочилган қўзичоқнинг қолдиқлари сочилиб ётарди.

— Қирон! — газаб билан бақирди Абдураҳмон чорва.

Қирон сапчиб ўрнидан туриб кетди. Кучукча эса жимгина ўзини саксовул панасига олди. Абдураҳмон чорва қадрдон итининг уч ой давомида қанчалар бегоналашиб, ёввойилашиб кетганини кўриб, ичидан эзилди.

— Эҳ, Олавойим, нималар қилиб қўйдинг-а, олагина! — Чорванинг кўзларидан ёш думалаб, оппоқ соқолига илашиб қолди.

Қирон собиқ хўжасига ёввойи, бегона назар билан нигоҳ ташлаб турарди. Абдураҳмон чорва эшакдан тушиб, оқсоқлана-оқсоқлана бир-икки қадам олдинга юрди. Қирон буни кўриб бегона товушда ириллаб қўйди. Абдураҳмон чорва эсанкиради. Қаршисида турган ўзининг қадрдони Қирон эмас, мутлақо бегона, ёввойи ва ваҳший махлуқ эканлигини ички титроқ билан ҳис қилди. Хуржунидан қўшоғизни олиб, қўллари қалтираганча Қиронга ўқталди. Ит кўксини кериб, бошини мағрур кўтарганча баттарроқ ваҳшат билан ириллай бошлади. Чорва нишонга олиб, тепкини кўтаргунича ўтган сониялар йилларга тенгдек туюлди.

— Йўқ! — ҳайқирди овози титраб. — Отолмайман, сени!


Чорва милтиқни пастга туширди.

... Ҳаммаси оний лаҳзада рўй берди. Қирон газаб билан собиқ хўжасига ташланди. Чорва қандай қилиб милтиқни унга тўғрилаганини ва икки тепкини бирдан босиб юборганини билмай қолди. Бирваракай узилган икки ўқ Қироннинг кўксини ўпириб кетди. Чорва инқилаб унинг жон бериб улгурган танаси устига эгилди.

...Абдураҳмон чорва Қироннинг жасадини кучоқлаганча, елкалари силкиниб-силкиниб йиғларди.



Йўлдош ЭШБЕК



# Кўёми бош эгди Байроғимнинг Ойиغا

## ТИЗ ЧЎКТИРАМАН

Туяни янтоқ қошида,  
Чумолини дон қошида,  
Ўзимни тиз чўктираман  
Элга тиз чўкканнинг қошида.

Қаватларни бош эгдираман  
Қариялар пойига  
Фалакни бош эгдираман  
Ватанимнинг сойига,  
Кўёшни бош эгдираман  
Байроғимнинг ойига.

## МЕНДАН

Қувват, ғайрат ўтар сенга,  
Набирам,  
Насиб этса.  
Мен уфққа қараб кетаяпман  
Тобора  
Йироқлашиб.  
Майли, сингиб кетай,  
Майли, соғин,  
Соғинайлик  
Майли, сингиб кетай  
Уфққа—бир қора  
Нуқта бўлиб  
Фақат сен бош кўтар,

Шафақлар аро  
Оқ кўёи бўлиб.

## АРИҚДАН

Бир жилға айрилиб  
Йўлни мўл юрди  
Адашибми, ҳорибми  
Тўхтаб қолди  
Сахро ичинда.  
Қарор қабул қилди.  
Қурбон этаман  
Умримни  
Шу сахро учун.  
Сингиб кетди,  
Ўзин хазон этди.  
Ўзига лойиқ  
Сахрога бир ўзан этди.  
Ҳар баҳор  
Хушбўй ялпизлар  
Чопиб ўйнар  
Бу ўзан бўйлаб.



## ЙЎЛ

Оқариб кўринар  
Қирнинг баланд жойида  
Қорайиб ғойиб бўлар  
Йўқолар  
Тун-кун бир жуфт кўз  
Кутиб-кутиб толар  
Шаҳардан келар  
Йўл  
Юнқа кўрпача узра ётган  
Кўл кўтарилар  
Деразадан чиқар  
Эгасининг юзига қайтар  
Йўл билан баробар.  
Шаҳарга бориб  
Келар  
Бу озгин, сертомир қўл.

## ЭСЛАЙМАН

Сўзларни, кўзларни,  
Дарахтзор жойларни,  
Сойда қалқиб оққан  
Ойларни.  
Титраб боққан гиёҳларни,  
Жимир-жимир қайнаб чиққан  
Булоқлардан юлдузларни.  
Фарёди тунларни ёрган,



Тонгларни ёққан тулпорларни,  
 Ҳарир, кўкиш, бегубор губорларни.  
 Турналар ёдимга кирар ҳайқириб,  
 Отам кирар ҳовли айланиб,  
 Томоғин қириб  
 Ва ле қачон қўлидан  
 Офтоба тушганини,  
 Тўнини тутга турна қилиб,  
 Ўзи ҳам ичидан турна бўлиб,  
 Иншааллоҳ иссиқ юртига  
 Учганини  
 Эслай олмайман.  
 Онам ҳам ортидан қуш бўлиб,  
 Деразага урилиб  
 Беҳуш бўлиб  
 Қолганини  
 Эслай олмайман.  
 Зотан, хоссатан бу ҳолларни  
 Болаларга билдирмайди  
 Оталар, оналар.



## ЙИҒЛАЙДИ

Бир ялғиз ҳиқиллаб  
 Ариқ бўйида ўлтириб,  
 Атрофида барра ўтлар,  
 Майсалар хурсанд,  
 Ҳайратли  
 Пичирлаб, қиқирлаб  
 Қулишар секин.  
 Сабабин билсам,  
 Қиш бўйи қуёшни кўрмаганидан,  
 Ва бирдан югуриб ўйнаганидан,  
 Шод бўлиб йиғлар экан —  
 Баҳор севинчлари экан бу.  
 Ненидир эсладим мен ҳам,  
 Аламга тўлиб.  
 Шукр, дедим сўнг  
 Шодумон бўлиб.

## СЎЗ

Одамни, оламни  
 Ўқидан, изидан  
 Чиқарар.  
 Ва одамни, оламни  
 Гул қилиб қўяр.  
 Шайтон жойлашиб олса  
 Ҳарфларга ҳам  
 Қуллуқ қила бошлайсан  
 Ҳарфларга ҳам  
 Улар паст-баланд  
 Шаклда  
 Гул, илон, заҳар, қанд


Шаклда.  
 Асда мўътабар бўлган сўз  
 Одобсиз товушга айланар  
 Ҳазрат айтганидек  
 Ўликни тирилтиб  
 Дуо учун ҳовучга айланур,  
 Шукрки, айланур у эркин қушга,  
 Зулмат қуюқ эса таъбирга, тушга...

## СЎЗ МАЙДОНИДА

Шоир сўз майдонин соҳиби,  
 Курашчиси.  
 У ҳам банда,  
 Бандаи ожиз.  
 Қахрамони, рақиб  
 Енгар, енгилар,  
 Э воҳ, баъзан у ҳам  
 Салбий қахрамон.  
 Шундай тус олар ёки беришар,  
 Унинг бутун вужуди кун-тун ишлар,  
 Кун оғзидан кириб товонидан тушар,  
 Тун товонидан кириб тилидан  
 томчилар.  
 Қорачиги қуёш бўлар саҳарда, саҳар  
 Шафаққа айланар бағри ҳам  
 Кўзининг оқи қадар...

## ТУЛПОР

Оптоқ булут  
 Гоҳ қотиб турар ҳавода муаллақ  
 Гоҳ қанотларин ёзиб  
 Айлайди парвоз —  
 Қанотлари улкан булут парчаси.  
 Жами булутлардан узун туюлар,  
 Жами булутлардан баланд туюлар,  
 Туюларки, ҳозир кишнаб юборар —  
 Осмонни овозга тўлдириб,  
 Оламни қўшиққа тўлдириб.  
 Аммо у суратми,  
 Ҳаракат,  
 Ё овозсиз мусиқа,  
 Жим қотиб яна парвоз айлар,  
 Баъзан жойида  
 Булутларга, туёқларга,  
 Қанотларга юлдузлар томган  
 Оптоқ-оптоқ ҳилоллар қўнган  
 Шиддат ниҳон.  
 Шамолларни тиндириб қўйган,  
 Ҳавода ҳаводай сузиб борар  
 Фалакдан кенг булут парчаси.  
 Осмонда осмонга сиғмай сузиб борар  
 Булут Парчаси — Тулпор.  
 Мен-ку кичик шеър битдим,  
 Достонга сиғмай сузиб борар.  
 Достондан кенг Булут Парчаси.  
 Гўё сўнғисиз курашдан сўнг



Озод парвозларни соғиниб толган  
Туёғида михлар  
Гул бўлиб қолган  
Оҳ, Булут Парчаси  
Воҳ, Буюк Булут!

### ЖОН ВА ТАН

Бу осмон остида бир гул бор,  
Таъзимида йўқ асло губор.  
Ариқ бўйлаб чопар ортимдан,  
Сафар қилар бўлсам юртимдан,  
Қолар нозик қўлларин чўзиб,  
Йўл қарайди, нигорон кўзи,  
Йироқларда эслаб кўяман,  
Юртошларда бўйин туяман.  
Бўйи етган булутлар бедор,  
Томчиларнинг бағрида хумор,  
Ул марварид шабнамлар аро  
Жилмаяди, кўзлари қаро,  
Бу осмон остида бир гул бор,  
Чўққилар ҳайратда лолу зор,  
Булоқлар чопади ҳақкалаб,  
Уни кўрса эриб кетар қалб,  
Бу осмон остида бир гул бор,  
Яшил кўйлак алвон юз дилдор,  
Исми не бўлса—да бахтга тан,  
Ўзбекка тан, демак, жон Ватан,  
Ўзбекистон — юрак, жон ва тан!

### БАХТ

Боғимни қиялаб  
Утасан уйга кирмай,  
Кел, келавер, уялма.  
Тушмагин бундай кўйга,  
Қай ароба кўшигин  
Айтасан бўлиб хароб.  
Кимнинг баланд эшигин,  
Қўриқлайсан йўл қараб.  
Олиб қочма кўзингни,  
Мен сендан тантироқман,  
Кечираман ўзингни,  
Кечаман қарзимдан ҳам!

### ВАТАН ОЗОДЛИГИ

Бир аср зиндонда тутилдим "эркин",  
Ўзга тилда суйдим, Ватаним сени.  
Золим замон зуғумидан қутулдим,  
Насимлар, саболар ўлдирар мени.  
Чоҳдан чиққан Алпомиш мисол эдим,  
Соғиндим бағрингда аслингни, сени.  
Фордан, аждарлардан қутулиб кетдим,  
Гўзал лаҳзаларинг ўлдирар мени.  
Қанчалар яшадим, қандай қақшадим,  
Бугун соф ҳаволар кўксим тўлдирар.  
Кеча дор остида кулиб яшадим,  
Севинчли ёшларинг бугун ўлдирар!

### ҚИР ГУЛИ

Қир гули,  
Адр гули,  
Тебранар саболарда,  
Нур гули, атр гули.  
Эмранар самоларга,  
Эланар ҳаволарда,  
Энтикар сўзсиз қўшиқ,  
Беланар даволарга,  
Кун - шифо, юлдуз қўшиқ,  
Кенг дузларга кетар бўй,  
Муаттар шамолларда,  
Юлдузларга етар бўй,  
Самовий хаёлларда,  
Қир гули, адр гули,  
Ташиналар кўп ўргилур,  
Нур гули, атр гули,  
Чашмалар кўп ўргилур.  
Сени экиб кетган ким,  
Муродига етган ким,  
Қир гули, ҳей, нур гули,  
Экканга шукрим бу кун,  
Экканга сўнгсиз шукрим!



### ГУЛИ

Букилиб турар,  
Кўзидан ёши —  
Тўкилиб турар,  
Тугаб бардоши,  
Қулмайди сира,  
Титратар хиёл.  
Ё бир хотира,  
Ёки зўр хаёл —  
Уни шамолмас,  
Балки босган гам.  
Ёки ногаҳон  
Бахт бўлган ҳамдам!

### ГУЛЛАР

Гуллар жилмаяди, илдизи кўкда,  
Ердан қўл чўзаман шамолга ўхшаб.  
Хаёл боғ яратар, кўк боғин ўпган,  
Диёр дейди ҳариз, демайди Ер-Шар,  
Ғалати гапирар, луғати бошқа.  
Ақл гоҳо унга уста таржимон,  
Жилмайтар — гул чизар ўқрайган тошга.  
Осмонга осмондан қарайди ёмон,  
Чўнг ақл қанотли хаёл улгурар,  
Менинг ақлим ялқов, аъмолим ноқис,  
Хаёлда ажаб хуш гуллар тугилар,

Ҳеч ҳаёт кўрмаган, ҳис қилмаган ҳис,  
Ҳеч ким тортолмайди унинг жиловин,  
Гоҳо мен подишоман, гоҳо у... зорлар,  
Тугади бир ҳаёт, тугар қаловин,  
Қорлар ёниб кетар, гуллайди қорлар!

### ЧЎПОННИНГ

Бир ҳайқириги кифоя —  
Қайтади сурув.  
Бу ажиб ҳикоя,  
Бунда бор қандайдир кўрқув.  
У қандайдир ҳурмат,  
Ё жумла жаҳонга  
Гўзал бир ибрат.  
Ҳар қалай ҳикмат бу,  
Ажиб бир ҳикмат.

### ОЛАМ ВА ЖАННАТ

"Кувонч ортида алам,  
Шакар ичра оғуси, бу олам мушкулот, гам  
Борми бунинг доруси?!"  
"Ватан жонбаҳи бўстондир,  
Зиёдир, ватан—жаннат,  
Бахт—дийдор, нур—осмондир,  
Тупроқлари забаржад!"

### ЭЙ, ЙЎЛОВЧИ

Қайдан келдинг,  
Йўл олдинг қайга,  
Ташинамисан сен ҳам бахтга,  
Навога, найга?

Кўз илғамас кенгликларни  
Жо қилган кўзи,  
Гапиргиси келмасмиди,  
Ё йўқдир сўзи —  
Йўловчи кўп қараб турди  
Уфқ томонга,  
Имо қилди аввал Ерга,  
Сўнг Осмонга.



## ФАРҲОД БЎЛМОҚ —

Навоий бўлмоқ.

Алпомиш бўлмоқ — Фозил ота бўлмоқ,

Анвар бўлмоқ — Абдулла бобо бўлмоқ

Шарт эмас.

Ўлмоқ шарт —

Диёри учун.

Тирилмоқ шарт —

Ер учун

Ор учун

Тугилмоқ шарт!

## ҚҶЙ

Пусма, қўй, пусинма

Доим ҳам

Иш бермас пистирма

Қисинма,

Жўмард бўл,

Душманга ҳам

Юраги кичикка ҳам

Уйларнинг тўри тўлар

Оч қолса кучуклар ҳам

Тулки ё бўри бўлар,

Қўй, пусинма.

## ОҲИСТА

Оҳиста ёгади ёмғир,

Оҳиста-оҳиста ташиланар қадам.

Шамол эсиб қўяр гоҳида ғир-ғир,

Оғир ўй босади одамни бу дам.

Ёмғир из қолдирмай ўтиб ҳам кетар,

Қуёш жилмайса-да атроф қунишар.

Кўнглингни ёритиб хаёллар етар,

Вазмин Рауф Парфи ёдинга тушар.



## ҚИЗҒАЛДОҚ

Пориллаб чорлайди бу чоқ,

Зориллаб қўяди бу дам зарғалдоқ.

Шошиб шафтолилар кўтарар чироқ,

Пушти зориллайди новдалар қувноқ.

Ёдинга келмасми аждоду насл,

Ҳай жонзот, сенинг-да зотинг аслдир,

Нега қувнамайсан, умринг бир фасл,

Қизғалдоқ умри-чи, ярим фаслдир.

## УЙИНГДА

Ўсади бир гул заъфарон,

Бир чимдим қуёшга зор.

Қуёшга зор эмас,

Томчилар кўзин.

Гул эса гуркираб ёнгуси келар

Яъни ўсгуси келар —

Яшил қанот ёзиб.

Иссиқдан, совуқдан, ёмонликдан

Сени тўсгуси келар.

Гул бўлгим келар,

Бир чимдим қуёшга зор

Қуёш бўлгим келар.



## КЎНГЛИМДА

Бир қувонч кўраётирман,

Ва ҳам бирозгина қўрқаётирман,

Бўлмасидан аввал шодлигим юза

Ортида турган ғам чиқмасин суза.

Дарё соҳилида ўйчан балиқчи

Каби термуламан ҳаётга ҳазин

"Лаққа" чиқар бўлса, омадлиман чин,

"Тилла" чиқса, ярми чин, ярми ҳазил.

## ШАЙТОН

Мени боғлар думига

Думини дунёга боғлар

Оҳ мени боғлар

Оҳ мени доғлар.

Фаришта ўнгиридан ўннга тортар

Фариштанинг иши саришта, биламан

Мен ўзимни қачон саришта қиламан

Тонг отганда донг қотаман

Қачон тонгни уйғотаман?

Шайтон мени ҳолимга қўймас

Раҳмон раҳм этмаса.

Раҳмон мендан кетмайди ҳеч

Сабр мендан кетмаса.

## СОВУҚ

Тушиб келаётир тоғлардан,

Қаймоқ боғлаб қолган сувлар тиниқдир.

Файз кетгандай шувиллаган боғлардан,

Совуқ сезар ёшда кўнгул синиқдир.

Совуётир энди бироз қонимиз,

Кексаликка ташлаб секин қалампир.

Иссиқ сўзга, чойга муҳтож жонимиз—

Кўтаролмас келса ногоҳ аламлар.

Ёшликдаю кексаликда халал бор,

Халал берар доим турмуш одама.

Совуқ темирни ҳам айлайди абгор,

Ўй бергиси келмас ёшлик ситамга.

Яхши сўзлар кексаликнинг шифоси,

Ёмонликка мудом қалқон яхши сўз,

Қаймоқлаган сувдай кекса дунёси —

Челак солинг, тўлгайдир дур-нақили сўз,

Совуқ сезар ёшда кўнгул синиқдир,

Турнакўз булоқдай кўзи тиниқдир.

Файз кетгандай шувиллаган боғлардан,

Совуқ тушиб келаётир тоғлардан.

## ҚУШ

Кўзи жовтиллайди,

Тикилиб мўлтиллайди.

Қаҳратондан қўрқди қуш,

Деразамга урди тўш.

Қаттиқ менинг деразам,

Қаттиқдир бағримдан ҳам,

Очай дейман, қўрқаман,

Уйда ҳам рутубат, нам.

Бир зўравон қиш кўрдим:

Ўз тинчимни хуш кўрдим,

Чирқиллар бечора қуш,

Қуш тўшини бўш кўрдим,

Балки яксон айларди,

Қип-қизил қон айларди,

Бағри қаттиқ бўлганда,

Бу ромни ром айларди,

Киролмас ота-онам,

Қаттиқ метиндан хонам.

Эшиклари темирдан,

Кемирар кирсанг алам,

Ҳайрон бўлиб тўйдига,

Бу дунёнинг ўйнига,

Яхшиси дардинг олай,

Дуо қил, чиқа қолай —

Қаҳратоннинг қўйнига!





Дилмурод СОДИҚОВ

# НАЖОТ ДАРАХТИ

## Ҳикоя

Ўн беш ёшар бола эдим. Шапоқ лақабли эшагимни (бир кўзини оқ қоплаган эди) миниб, Сангардак шаршарасига йўл олдим. Шаршара Хонжизадан икки чақиримлар нарида. Кўёш олов пуркайди. Куннинг иссиғига элиб, бошимни кўмнинг\* устига қўйиб олганман. Энди кўзим илинган экан, қалин арчазордан олашақшақ шақиллаб юборди. Учиб тушдим.

Шаршара тоғнинг кунгай бетидан сизиб чиқади. Сув чим босган, қўнғир, сирпанчиқ қояларга урилиб тушади ва биллурдай фаввора ҳосил қилади. Айниқса, тонг маҳали шаршара олтиндай товланар, гала-гала қушлар чарх уриб айланганидан нурнинг тиглари синиб, баттар жирилайди. Қишлоғимиздаги одамлар: "Ана, қушларам зиёрат қилишяпти", дейишади. Лекин бунинг зиёратга ҳеч қандай дахли йўқ эди. Ахир, қушларнинг бари йилтираган нарсани яхши кўради. Тоғам билан Боботоққа чиқсак, ёнимизда ойна бўларди. Уни ялангликка қўйиб, ўзимиз тоғ ўнгирида биқиниб турардик, тоғам ойнага яқинлашган какликларни отиб оларди. Ўқ овози чиққан ерга қайтиб каклик доримайди. Шунинг учун овни бошқа дарада давом эттирардик.

Бир йили уйимизга отамнинг хонжизалик чўпон жўралари келишди. Меҳмонлар туни билан гурунглашди. Мамай чўпон: "Бир паланг шаршарага сажда қип турганини кўрганман", деди. Мен ҳайрон қолдим. Ҳайвонлар ҳам ибодат қиладими, деб. Хуллас, ўша гурунда кўп гаплар айтилди. Уларнинг қай бири чин, қайси ўтрик — менга қоронғу. Очиғи, бундай ҳангомалар қизиқарли. Айниқса, шаршарани

яқиндан кўриш, осилиб тушган сувкапанинг тагига кириб, кўклам ҳидидай ифорни симиришнинг гашти бошқача. Мен учун шуниси авло.

Манзилга етганимда қўёш тиккага келиб қолган, лекин шаршарага яқинлашсанг этинг жунжикади. "Гурра-гурра" шамол қўл-юзга тикандай санчилади. Эгилиб ўсган толларнинг бирига эшагимни қантариб, сўқмоқ бўйлаб тепага ўрладим. Оёғимнинг остида синиқ тошлар гичирлайди, уларни сизиб тиниқ сув оқади. Зиёратчилар елкаларига тўн, сочиқ ёпиниб олишган. Мен хуржундаги беқасам чопонни кийиб олдим.

Биз турган жой сойлик эди. Атрофни тик қоялар ўраб олган. Кунчиқардаги қояларнинг ортидаги кенг дараларда одамнинг бўйи барабар юлғунлар ўсиб ётибди. Улардан ҳам наридаги тепаликларда чойнак нусха тоғ арчалари ва писта буталари тўмпайиб турибди. Олисдаги тоғлар бошида кўпикдай булутлар сузиб юрибди.

Зиёратчилар шаршарадаги харсангтош биқинидан ўсиб чиққан дарахтни кўргалаб туришибди. Дарахт барглари гуж, кўм-кўк, тикилиб тўймайсан киши. Шу ерликлар буни "Нажоткор дарахт", деб аташар ва унга топинишаркан.

Шаршара суви буғланиб туради. Ҳарорат паст. Шунинг учун тошнинг сатҳида юпқа муз қатлами ҳосил бўлган, кун тиккага етганда ялтираб кўринади. Харсанг тухумсимон, устида тик туриб бўлмайди. Бироқ дарахт шохлари ҳар хил рангдаги мато қийқимларига бурканган. Буларни ғойибдан нажот тилаганлар илишган. Кўлини иягига тираб, палаҳса тошга ўтириб олган калта галстукли киши: "Дарахтни расво қилишибди, — деди. — Бир парча латтанинг нажотга нима дахли бор? Тушуниб

\*Қамишдан тўқиладиган тўқим.



бўлмайди. Ахир, бу — фитишдан бошқа нарса эмас!". Мен: бу шунчаки бир ирим, ихлос-халос, дегандай, дедим. У гапимни чўрт кесиб: "Нажотни дарахтдан кутиб бўладими?! Нажот фалакдан", деди жаҳл аралаш. Мен индамадим. Чиндан ҳам дарахтдан нажот кутишда мантиқ йўқ-ку. Нажот — кўнгилда. Шундай экан, кўнгилни бойитиш керак, деб ўйладим. "Ирим-сирим одамларни бузаяпти, — деди яна у. — Бўлмаганда одамлар бошқача яшарди. Умуман, тасаввуримиз ҳам бошқача бўларди". "Биз, энди шунга ўрганиб қолганмиз-да", дедим. У кулди: "Бизнинг зил кетган жойимиз ҳам ана шунда".

Нарироқдаги курситошда одамлар қалдирғочдай тизилиб ўтиришар, ораларида пўрим кийинган, ранг-рўйлари оппоқлари ҳам бор эди. Одатда, тоғликларнинг териси қизғиш, гавдаси йирикроқ бўлади. Унча-мунчага ҳайратланмайди улар. Бу одамлар шаршарага ҳайрат билан термилишарди. Демак, шаҳардан келишган. Шаҳарликлар табиат кўйинига сайр қилишни ёқтиришади. Кейин саёбхати ҳақида узок гапириб юришади. Биз эса эътибор бермаймиз, кўзимиз болалигимиздаёқ бундай манзарага ўрганади. Ёшимиз улғайгач, бунинг қизиғиям қолмайди.

Шаҳарликлар шаршарани ҳар тарафдан суратга олишди, кейин кулишиб сўқмоқдан сойга эниб кетишди. Соё тошлоқ кўчадан кейин, кўксини адл тутган қоядан берида оқиб ўтади, суви осмондай мовий — қараб сочингизни тарасангиз бўлади. Бир гал қизлар сувга қараб ўзига ора бераётганини кўргандим. Соё кўйига бир чақиримча оққач, иккига бўлиниб кетади. Ўртадаги қумлоқ сойликни қуюқ юлғунлар, ажриқ босган. Арнадан кечиб ўтган отлар шу ерда ўтлаб юради.

Тошсупада бир қари чол қолди. У қўлларини чопонининг ўнгирига тикиб, букчайиб олган. Шаршарадан кўзини узмай, бўғриқиб йўталар, тупугини чўзиб тупурарди. Бу қилиғи учун мендан узр сўрагандай ювош қараб қўйди. Мен ҳечқиси йўқ, дегандай бошимни чайқадим. У эса синиқ боқди ва ёнига бурилиб тилини осилтирган итга "чип", деди. Ит аста қадам ташлаб, толнинг соясига бориб чўккалади. Юнглири тўкилиб, териси кўчиб, оқчил бўлиб кетган ит тек турганича шаршарага тикилиб қарар, ҳаёт шами ўчиб бораётган нурсиз кўзларида пурвиқор сувнинг акси кўринарди.

Шамол чолнинг эгнидаги чопоннинг йиртиқ елкасида идраган пахтани ҳилпиратиб ўйнарди. Қариянинг юз-кўзидан ҳаётдан кўнгли совуб қолгани шундоқ сезилиб турарди. Бир маҳал чол ўрнидан илкис турди-да, тўғри дарахтнинг олдига борди. Қарасам, авзойи бузуқ, кўзлари аламзада. Сертомир қўлларини пахса қилиб тошга ўдағайлай кетди: "Шу бугун қирқ йиллик армонимга нуқта қўяман. Ётар шунча сазойилик".

Унинг нимага бундай деяётганини англолмадим. Эси оғмароқ бўлса керак, деган хаёлга бордим. Кўнглимда ҳадик уйғонди. Илон изи сўқмоққа тушиб қочишга ҳам шайландим. Бироқ ундан хирилдоқ, касалманд товуш чиқарди, таққа тўхтадим. Бу — дардли товуш эди. Ортимга бурилиб чолга

яқин бордим. У алланималарни гапирар, лекин гапига тушуниб бўлмасди. Мен уни жим кузатиб турардим.

"Сен манглаймга битган бало бўлдинг, — деди у. — Нега мени сарсон қиласан? Устимдан кулиб ўйнайсан! А? Елкангни бир марта тутиб берсанг нима бўларди? Билиб қўй, барибир тиз чўктираман".

Чол, чамамда иримга ишониб дарахтдан нажот кутган ва қирқ йиллик умрини елга совурган. Буни кўриб, ҳалиги галстукли зиёлинамо одамнинг гапи чин, дедим ўзимга ўзим. Ирим умрни барбод қилади.

Чол енгини шимариб, белбоғини тортиб боғлади. Шунда унинг гавдаси таёқдай тиккайди. Орқага бирикки қадам ташлади ва шахт билан ўзини тошнинг устига отди. Оёғи тошга текканда сирғалиб кетди. Худди ерга тушган парашютдай пахмайиб қолди. Югуриб бориб тирсагидан кўтардим. Қария инқиллар, чуқур-чуқур нафас оларди, қўллари қалтирарди. Шу ҳолида кўлимни силкиб ташлаб, ўзи туришга, олға интилишга чоғланди. Мен қўлтигидан олиб маҳкам тутиб туравердим. У қаттиқ силтанди, кейин йиғлаб юборди. Мен уни қўйиб юбордим. "Ҳаётдан армон билан кетишни истамайман, шу тошга барибир чиқишим керак", деди у. Кўнглини кўтариш учун, албатта, чиқасиз, дедим мен. Унинг бу иши менга бемаънилик бўлиб туюлди. Начора, ихлос қўйган-да, дедим ичимда. Энди уни бу ниятидан қайтариб бўлмайди. Мен уни бундай самарасиз ҳаракатдан қайтариш учун қўлидан ушлаб, тошкурсига ўтқазмоқчи бўлдим. Бироқ у унамади. "Тегма менга", деб жеркиб берди. Нима қиларимни билмай қолдим. Чол эса яна тошга сакрагани, кўймучи билан тушиб, жим бўлиб қолди. Бўйинини чўзганча қўлига тиралиб туришга уринди. Кейин чирт юмган кўзини аста очди ва менга, сўнг шаршарага, қояларга қаради. Унинг кўзлари азоб чекаётган одамдай илтижоли боқарди.

"Кўйинг, ўзингизни қийнаманг! Дарахтга ипни боғлашнинг нима кераги бор? Бу — бўлмагур нарса!", дедим.

Гапим чолга ёқмади. Кўзлари косасидан чиққудай бўлиб: "Бу менинг... беримда қолган, — деб кўкрагини кўрсатди, — биласанми?! Дарахтга ипни боғласам бас, нажот шунда. Сенга ўхшаганларга бўлмагур нарса. Ахир, бу — Худонинг қудрати-ку! Ундан кўра, дарахтга кўнглингни оч! Ана шунда бахтли бўласан".

"Биз — бахтлимиз. Чунки тирикмиз, ахир, бу оламни кўрмай қолишимиз ҳам мумкин эди", дедим. "Тириклик бу — боши-кети йўқ синов, — деб чийиллади у. — Синовни эсон-омон енгиб чиқиш — бахт. Бироқ оқибат барибир фожеа".

Чол шуларни гапириб жим қолди. Мен ҳам оғиз очмадим. Бир оз ўтгач алланималар, деб минғирлади. Сўнг яна кўзёш қилди. Дарахтни кўрсатиб: "Синовнинг зўри шу бўлади", деди.

У ўрнидан туриб, яна тошга ирғиди. Сакраганда ичи "гуп-гуп" ётар, буни кўрган ҳар қандай одамнинг юраги эзиларди.

Мен чидолмадим. Осмонга сапчиётган чолнинг болдиридан маҳкам ушладим-да, тепага даст кўтариб юбордим. У ликкиллаб тошга чиқиб олди. Афтидан,



тошга ўзим чиқдим, деб ўйлади. Мамнун ҳолда тўрт оёқлаб олдинга юриб, дарахтни кучоқлади. Шу кўйи анча турди. Қарасам, елкаси тилкинаяпти. Йиғлаётган экан. "Бечора, майли тўйиб-тўйиб йиғласин! Ҳаётидаги энг катта армони ушалапти-ку! Қани, энди у бахтли бўла қолса? Ахир, ҳаммамиз ҳам бу ҳаётга бахт излаб келамиз-да". Шуларни ўйлаб турганимда чол шимарилган енгидан бир парча латтани олиб, пастга эгилиб турган шохга боғлай бошлади. У менга ўгирилиб қаради, хурсандлигидан ажин тўла юзи баттар тиришарди. Шу аснода мен ҳам бахтиёр эдим. Этим жимираб кетди. Унинг ёш боладек: "Одамлар-у, одамлар, менга қаранглар! Манглайи ярақлаганни бир кўриб кўйинглар!", деб жар солишига кўшилгим келарди.

Чол ниятига етди, чамаси ярим соат бурунги мунгдан кўзларида асар ҳам йўқ эди. У хушқайфиятда тош устидан ўрмалаб кела бошлади, мен эса гўё омонсиз урушдан голиблик нашидаси билан қайтаётган жангчини бағримга босиш ниятида олдинга талпиндим. Чол сой тарафдаги одамларнинг эътиборини қаратиш учун қўлини оғзига қарнай қилиб қичқирмоқчи бўлди. Мен унга: "Эҳтиёт бўлинг, йиқиласиз", дея "ҳай-ҳай"ладим. Орадан бир неча сония ҳам ўтгани йўқ, чолнинг икки оёғи бўйи барабар кўтарилди-да, тошга боши билан тушди. Сўнг икки қўлини керганича, худди тўлқин юзида қалқиб кетаётган пўкакдек оҳиста пастга сирғалди...

Мен карахт бўлиб қолдим. Вужудимни қўрқув босиб, қулоғим ҳеч нарсани эшитмай қолди.

Бир зумда одамлар йиғилди. Улар ваҳимали шивирлашар, чалқанча ётган чолга ҳангу манг бўлиб қарашарди. Ёши ўтинқираган икки киши жилдираб оқаётган сувдан унинг юзига ҳовучлаб сепишди. Чолнинг юзида ҳеч нима сезилмади. Шунда кимдир қўлини унинг бўйнига солиб: "Бўлди, тамом бўпти", деди. Капалагим учиб кетди. "Йўқ, бўлиши мумкинмас", деб қичқириб юборибман. Улар мени чолнинг невараси деб ўйлаб, сабр-тоқат тилашди. Оқсоқолларнинг бири: "Чолни узоқ йиллардан бери биламиз. Кулбасига ҳам борганмиз. Култепада бир ўзи яшарди. Ҳеч кими йўқ эди-ку!", деди. Мен чолнинг дунёни сўққабаш тарк этишини истамасдим. "Қариндошиман", дедим.

Чолни кигизга ўраб, усти очиқ машинага ортишди. Култепагача бир соатлик йўл экан. Машина кучаниб етиб борди. Бортдагилар чолга етти ёт бегона бўлса ҳам кўнгиллари чўккан, кўзлари нам эди. Улар пичирлаб, аллақандай дуоларни ўқишарди.

Дафн маросими жуда тез ўтди. Худди чолдан безор бўлишгандай шарт-шурт кўмиб кўйишди. Гап қўшмай ортга қайта бошладик. Култепадан энаётгандик, кўзимиз ҳансираб келаётган чолнинг итига тушди. Оқсоқоллар: "Вей, Бўйноқми?", дейишди. Ит тўғри бориб якка қабрни искаб айланди ва чўзиб гингшиди.

Мен изимга қайтиб: "Эгангдан рози бўл, Бўйноқ. Кўргулик бўлди", дедим. Бўйноқ менга бўйнини буриб қаради. Кўзида ёш гилтиллаганини кўрдим.

Бўйноқни ўзимиз билан олиб кетмоқчи бўлдик. Ит қабр ёнидан бир қадам ҳам жилмади. Қариялар: "Кўй, индама, қорни очса қишлоққа ўзи эниб боради. Юр, кетдик", дейишди.

Биз мошинага ўтириб жўнадик. Қариялар: "Эссиз, шундай одам-а", дейишди. Мен марҳумнинг илгари қандай одам бўлганлигини билмайман. Шунинг учун менда унга нисбатан ачиниш ҳисси камроқ эди.

Шапоқ мени кўриб ҳанграб юборди. Ёнига борганимда қулоғини чимириб, калласини осилтирди. Хафа бўлганини сездим. Бўйни аралаш ягринини қашладим. У тек турди. Мен унга миниб, уйга қайтдим.

Уйга келиб, отам билан онамга бўлган воқеани айтиб бердим. Улар: "Одам шунчаликка ҳам борадими", деб ёқа ушлашди. Сўнг: "Итни ияртиб келмабсан-да. Жонивор дардига малҳам излайди", дейишди.

Шу оқшом босинқираб чиқдим. Тонгда апил-тапил кийиниб Култепага отландим.

Автоуловдан тушишим билан усти ясси, кулранг тепалик томон чопдим. Қабрнинг ёнига келсам — ит йўқ. Атрофга олазак қарандим. Не кўз билан кўрайки, ит қабрнинг шундоқ адоғида "қотиб" ётарди...

Бўйноқнинг устига ҳам тупроқ тортиб, ортимга қайтдим.



Даврон РАЖАБ

# Хиёбонда нурлар товуши...

\*\*\*

Соҳил сув бўёқда ишланган суратга ўхшар  
қум ғижирлар оёғим остида

Манзарадан йўлга тушаман  
кўприкнинг остида зарғалдоқ қуёш  
ёлғиз ёниб турган манзил каби

Уфқда бошқа йўл йўқ  
бинафша ранга бўялган осмон

## МАНЗАРАЛАР

Гулбаргларни елдириб учаётган насим  
Навоси билан  
Бузиб юборарар  
Пустлоғига сиғмаган дарахт жимлигин  
Манзарага қўшиллар  
Яшил рангда ун берган чим  
Ва хиёбондаги нурлар товуши

## ҚЎШИҚ

Хужрамнинг ўнг деразасида  
Мусича — овозидан танийман  
Чап томонда шаҳар чумчуғи,  
Ва чинор барглари ичида  
Мен исмини билмайдиган қуш сайроғи

## БОЛАЛИҚДАГИ УЙ (туркумдан)

Қайтишни эслайман  
Бу уйга  
Олис — олис-да

Бошқа шаҳар  
Бошқа уй  
Эшик тирқишидан  
Қўлимни узатаман  
Болалиқдаги кийимларим  
Нур таратиб турар  
Олис — олис-да

\*\*\*

Болалигимдаги пальто  
Жуда кийгим келар уни  
Бироқ сиғмай қоламан.

Дардларим  
Қарзларим  
Гуноҳларим  
Қўнайиб кетган  
Унга кира олмайман

\*\*\*

Икки дўст  
Қўришишдан олдин  
Бир-бирини тавоф қиларлар

Икки дўст  
бир-бирини мазах қилгандек  
Кўринар

Икки дўстнинг самимийлиги  
Қулгисини қистатар бошқаларнинг

\*\*\*

Сўзлардан тўкилиб олдим  
Қутулгандек кўп дарддан  
Ҳеч нима қилганим йўқ

## СОҒИНЧ

Бошқа шаҳар  
Ярим тунда  
Мактабдош дўстим  
телефон орқали буюртма берар

Мен яхши кўрган суратни чиз, деб

Кейин бирдан жим бўлиб қолар  
Ҳаяжонли нафаси эшитилар  
Майли чизиб ҳам ўтирма  
Ўзим бораман дейди у



Чизишимни истар  
Ўттиз йил олдинги манзараларни  
Мен у ёққа ўта олмайман.

\*\*\*

Шундай сўз топсам  
ўзгармайдиган,  
вақт ҳам дахл қилмаса унга

Шундай сўз топсам  
маънолар йўқотмаса ифодасини

Шундай сўз топсам  
шакли ўзгариб қолса-да  
ҳаётимдан иборат бўлса

\*\*\*

Қиш уйқусига кетиб  
ҳамон уйғонгани йўқ

Дарахт гапирмаяпти  
Энди бу дарахт ёғочга айланганини  
Англаб турибман

Деразамдан кўришиб турган шундай  
дарахтдан  
Сулаймоннинг ҳассаси ясалган

Балки бу дарахт тик турганича  
Тарк этмас деразам манзарасини  
Бунни билиб билмайди

Атрофда  
Дарахтнинг дўстлари шохларида  
яшил садо ун берар

Хиёбон ларзага тушмоқда  
Майса ўсмаяпти  
Бу Баҳор келганилиги  
Ҳақидаги Сўз  
Ана шивирлаб

Ниш уриб борар:  
"Дарахтжон,  
Наҳот етиб келолмадинг..."

\* \* \*

Ярим тунда  
Нурли сўзларни  
Ёзаман учсиз қалам билан.

### ГУЖУМ (учбитик)

1

Ранглари олисда қолган  
Япроғини кўришим учун  
Болаликка  
боришим керак  
Манзил ўтмишида

2

Бу дарахт осмонда ўсар  
Хайлимда ин қурган  
қуш сингари  
шоҳ-шаббадан  
рангларини йиғиштираман

3

Қўлим яшилланиб қолар  
Сурат чизсам  
Сурат чизсам  
Болаликка юқиб қолган  
Бу япроқ ранги

Мен энди қайтиб боролмайман  
Уйғонганда  
эслайман  
Гужумнинг изларини

\* \* \*

Мақсадсиз жиддийлик  
Мақсадсиз жилмайиш  
Кезиб юрар қирқ йилдан бери

\* \* \*

Ёнимдан бир япроқ учиб ўтди  
Сўзларини сизгидиролмаган  
Кузнинг сўнги мактуби

\* \* \*

Сенинг нигоҳингда бўлсам  
Жамлана бошлайди барчаси

Сенинг нигоҳингда акс этиб  
Ёдимга тушади кимлигим

Сенинг нигоҳинга келсам  
Кучим етмай қолар қайтишига

\* \* \*

(1983 йил)

Онажон  
Сиз бу суратимда  
сумка кўтариб турган бўласиз  
унда тиқилинч оломон орасида

кўзларингиз ниманидир сотиб олишни  
унутганингизни акс этиб туради...

ёдингиздан чиққан нарса  
менинг ҳозирги соғинчимдир  
мана мен сизсиз йиллар ичида  
кўтара олмаяпман  
оғир юкларингизни  
вақт ўтган сайин  
вазни ошиб бораётган  
бу туғунларни кўтарарканман  
сизга оғир ботиб кетаётир  
мен эмас

сиз мени йўқотиб қўйгандайсиз  
тиқилинч оломон орасида  
мени излаб  
мен томонга  
ўта олмайсиз  
Онажон  
Бу суратда  
сизни одамлар орасида  
яна кўргандайман

1995 - 2008

\* \* \*

Унинг ёнида бўш жой бор  
Бироқ ҳеч ким сизмас у ерга

Бу жой у доим суҳбатлашиши  
лозим бўлган одам учун ажратилгандай  
Ташқаридан қарасанг унга ҳеч  
кимнинг кераги йўқдай

Унинг ёнида доим бўш жой бор  
Фақат ўзи сиғар ўша жойга!

\* \* \*

Тушимда ўрик гуллабди  
Атрофни тутганмиш ифори  
Боғларда болари овози  
Кўшиқдай уйқумни бузганмиш

Тушимда олхўри укпарни  
Қор каби ёғармиш бошимга  
Байрамга бормаган боладай  
Кўзимга ёш олибман

Тушимда чор атроф йўл эмиш  
Мен эса юрибман адашиб

\* \* \*

Ўзингдан ташқарига чиқсанг  
Ер остида яшаётган  
хаста юрак ёруғликка чиққандай

Ичингда  
Пайдо бўласан бошқатдан  
Бошқа одам сиёратида

Ташқаридан қараса  
Шу қиёфа  
Аслинг ниқобдек  
қаердадир унутиб қолдирилган.

### ЖИЙДА ГУЛЛАРИ (хойкулар)

\* \* \*

Гулбарг тўкилар  
Томда ўсган қизгалдоқ  
Куйлар ол рангда

\* \* \*

Баҳор бошланди  
Куртак отган новдалар  
Шивирлаб қўяр

\* \* \*

Жийда гулидан  
Сариқ ифор таралар  
Яшириб бўлмас

\* \* \*

Болари учар  
Гулзор ичра таралган  
Сўзданда митти

\* \* \*

Гулга қўнганда  
Асалари сасидан  
Таралди ифор

\* \* \*

Гуллаб қўйганидан  
Ичи қора лоланинг  
Юзи қизарди

\* \* \*

Мен бир қумликман  
Кучма сингиб кетасан  
Сен ахир шабнам

\* \* \*

Кутсам сўнги йўқ  
Олисда чироқ ёнар  
Мухрланган вақт

\* \* \*

Дарахт шохи  
Самога томир тортган  
Чақмоққа ўхшар

\* \* \*

Мени ташлаб кет  
Мени севиб ўлдириб қўйма  
Қўлингдан келса

\* \* \*

Сўз музлаб қолди  
Энди томоша қилинг  
Хайларимни

\* \* \*



# СОҲИБҚИРОН ҲАМ БАЙТ БИТГАН



Оқсоч тарихда не-не саркардалар, жаҳонгирлар от сурди. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам ўз номларини тарих саҳифаларига бита олмади Соҳибқирон Амир Темур номини тарих зарварақларига олтин ҳарфлар билан мангуга муҳрлаган, омил — бу унинг олиму фозилларга, уламою диндорларга, адабиёт, санъат, маданият аҳлига бўлган чексиз ҳурматию ҳомийлигидир.

Бинобарин, соҳибқирон Амир Темур нафақат маданият ва маънавият ҳомийси эди, балки унинг ўзи ҳам адабиётни, шеърятни севган, ўта нозиктаъб инсон бўлган. Ҳазрат Мир Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" асарининг еттинчи мажлисида соҳибқирон Амир Темур тўғрисида тўхталиб, "мулк шажараларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, ҳоқони жаҳонгири соҳибқирон, яъни Темур Кўрагон... — агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқугони минг яхши байт айтгонча бор. Табаррук ҳайсиятидинким, ул ҳазратнинг муборак исми бу мухтасарда бўлғай, ва ул латоийфдин бири била ихтисор қилилур", деб таъкидлайди. Шу билан бирга ўз сўзига исбот сифатида Амир Темурнинг қуйидаги мисрани ўринли ўқиганлигини ёзади:

*Абдол эн бим чанг бир муҳраф зад*

Мазкур мисра ҳазрати қутб ул авлиё Султон Абу Саййид Абулхайрнинг рубойисининг охириги қисми бўлиб, у бемор ётган бир азиз инсоннинг бошида ўқилган\*.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ўзи ёзган бир байт тўғрисида унинг "Тузуқлар"ида маълумотлар мавжуд.

Амир Темур марказлашган давлат барпо этиш мақсадида юрган кезлари, Амир Ҳусайннинг ҳийласи билан улар орасига нифоқ тушади. Шундай оғир бир вазиятда Амир Ҳусайн Амир Темурни ўлдиршни режалаштириб, унга "дўстлик ва

қардошликни" таклиф этади ва Қуръонни қўлга олиб қасам ичади. Ва уни Темурга юбориб, элчи орқали "ўртадаги аҳду-паймонимизни янгиласак, Худо ҳаққи, дуруст бўлур эди", деб унга Чакчек дарасида учрашишни таклиф этади. Амир Ҳусайннинг нияти қора эди. У Амир Темурни ўлдирмоқчи, йўлидаги асосий ва бирдан-бир говни олиб ташламоқчи эди. Буни Амир Темур жуда яхши тушуниб турар эди. Шундай бўлса-да, Қуръон ҳурматиини сақлаб, айтилган жойга боради. Лекин эҳтиёт чораси билан икки юз отлични ўша ерга махфий жойлаштиради. Бундан беҳабар Амир Ҳусайн минг навқари билан Амир Темур устига тўсатдан ҳужум қилади. Лекин Оллоҳнинг иродаси билан Амир Темур галаба қозонади. Ва ўзи таъкидлаганидек, Амир Ҳусайнга ушбу мазмунда туркий байт ёзиб юборади:

*Ёрга еткур сабо, ким макр қилмишдур манга,  
Қилди эрса кимга макрин, қайтадир бир кун анга.*

Бундай сермазмун ва сержило байтни битиш учун юксак тафаккур ва катта маънавият-салоҳият соҳиби бўлиш керак. Бинобарин, соҳибқирон Амир Темур ана шундай улуг ҳофиза ва ақл-заковат соҳиби эди. Аммо мустабид қизил империя ўз даврида соҳибқирон Амир Темурга хос бўлган ана шундай маънавий комиллик айрим "ҳақгўй тарихчилар" томонидан нотўғри баҳоланди, нотўғри талқин қилинди. Ваҳоланки, унинг шахсига хос бўлган ижобий фазилатлар сифатида келтирилган юқоридаги маълумотлар фикримиз далилидир.

\* Мазмуни: Қаландар қўрқувдан Қуръонга чанг солди, маъносида.

**Ойбек АБДИМУМИНОВ,**  
*Навоий давлат педагогика институти  
магистранти*



Ҳикоя

Малик ака чўчиб уйғонди. Бошини кўтариб, ёнгинасида пишиллаб ухлаб ётган ўғилчасига қаради. У ўғлининг тепкилаб суриб ташлаган кўрпасини елкасига тортиб қўйди-да, хомуза тортди. Мудроқ кўзларини уқалади ва дераза томон нигоҳ ташлади. Ҳали тонг қоронгу. Бир-иккита машинанинг гир-гирини айтмаса, кўча сокин, тонггача ҳали анча бор.

Ота узалиб, кўзларини эшикка қадаганча нариги хонага қулоқ солди. Жимжитлик. У ерда хотини бош миясида пайдо бўлган шиш туфайли шифохонага тушиб қолгач, келиб рўзғорга қарашиб турган тўққизинчида ўқийдиган синглиси Сарвиғул унинг икки қизига қараётди. Сарвиғул бир ҳафтадан бери мактабига ҳам боргани йўқ: овқатга, кир-чирга қарашиб юрибди. Жигарларнинг бориға шукр, шундай пайтда ёлғизлатиб қўймайди...

Тонг отса, учинчи кун: Фарида реанимацияда ётибди. Ҳанузгача ҳушига келгани йўқ...

— Ё, тавба... — кўзларини шифтга қадади Малик ака. "Наҳотки икки кундан бери ҳушига келмаса-я?..."

У эзгин хаёлларнинг минг бир кўчасига кириб чиқди. Кўз олдига болалари келди ва кўрқиб кетди... Пастки лабини тишлаб бир зум қотиб турди, боши тагида чатишиб турган қўллари увишганини сезгач секин ёнига ағдарилди. Худди гапларини эшитадигандек мириқиб ухлаб ётган ўғлига сўзланди:

— Ойинг албатта келади...

Туриб деразани очди. У ҳар доим шундай қилади: эрталаб жойидан кўзғалиши билан деразани очади. Неча марта бу қимматга тушиб, болалари шамоллаб қолган, аммо у одатини тарк этмайди. Уйга тоза ҳаво ва ҳаёт нашидаси кириб келади, дея ҳисоблайди. Шундан баҳра олади, завқ ва гашт туяди. Аммо бугун буни ҳиссиз бажарди. Номигагина очди ва ўғли салқин шабада кирганидан жунжикиб, ёнига ағдарилганини, кўрпани бошигача тортганини кўриб, дарров деразани ёпди.

— Шамоллаб-нетиб қолмасин. Ҳозир шу етмай турибди ўзи...

У ваннахонада юз-қўлини юва туриб, ойнага қаради: кўзлари киртайиб, юзи сўлиб қолибди. Миқти танасига савлат бериб турган елкалари чўккан. Нигоҳларидан бир нима йўқолгандек қарашлари ҳазин тортган. Тагин соқол ҳам ўсибди. Малик ака соқол қиртишлаб ўтиришни эп кўрмади, шекилли, тезда арғиниб чиқди ва болаларни уйғотди. Нар-бери нонушта қилдирди. Сўнг кийимларини алмаштириб, қизларини мактабга, ўғлини боғчага ҳозирлади-ю, Сарвиғулга тушликка болаларга овқат қилиб қўйишни тайинлади.

— Картошка қовурсам бўладими? — хижолатдан елка қисиб, ийманди синглиси. — Бошқа овқат қилишни билмайман.

— Майли. Ишқилиб, укаларинг оч қолишмасин. Эҳтиёт бўл. Мен кечга тухум олиб келаман.

Малик ака қизларини мактаб йўлигача қузатди ва дарс тугагач тўғри уйга қайтишларини тайинлади. Қизлар "Хўп бўлади!" дейишгандек бош ирғашди, аммо дадаси энди ортига бурилмоқчи бўлганда, катта қизи сўраб қолди:

— Дада, ойим қачон келади?

— Келади... Одобли қиз бўлиб, яхши ўқиб келаверсанглар ойингиз дарров тузалиб келади.

— Тезроқ келсинлар. Ойимни соғиниб кетдим...

— дадасига қараб туриб, дабдурустдан йиғлаб юборди кичкинаси.

Қизининг мунчоқдек кўзларидан оқаётган милт-милт ёшдан отанинг юраги эзилди.

— Йиғлама, қизим, ойинг келади. Оппоқ бўлиб кетади... — деди у қизининг кўз ёшларини дастрўмолчаси билан артиб. Сўнг юзидан ўпиб қўйди. — Сен мактабингга боравер, мен ойингни олиб келаман...

Малик ака қўл ушлашиб кетаётган қизлари то мактаб ҳовлисига киргунича орқасидан тикилиб турди. Кейин кўчадаги дўкондан ўғлига "чупа-чупс" олиб берди-да, боғча опасига топширди. Боғчагача ойиси эсига келмаган бола тарбиячининг қўлига тушиши билан йиғлаб юборди.

— Дада, ойимга бораман!

— Сен йиғламасанг, ойинг ўзи келади. Мен ойингни олиб келишга кетаяпман-ку, — ўғлининг



сочларини силади у. Сўнг: — Яна шундай қилсанг "чупа-чупс" олиб бермайман!" — деди.

— Йў-ўқ, Одилжон ақли бола. Йиғламайди, — дея тарбиячи уни эркалаб ичкари кириши билан Малик ака автобус бекатига югурди. Бекатда бир йигитнинг гул кўтариб турганини кўрди-ю, хотинининг атиргулни яхши кўриши ёдига тушиди.

— Топдим! — янги техника кашф этган олим каби қувониб кетди у. — Унга бир даста атиргул олиб бораман. Кўзларини очиши билан севиниб кетади... Балки ўзига ҳам келгандир. Ҳушига келган бўлса, ундан ҳам яхши. Қўлларига тутқазаман.

Малик ака худди шундай қилди. Гул кўтариб реанимация бўлимига келганда шифокор бир гап билан унинг шаштини сўндирди.

— Ҳали ҳушига келмади.

Оқ халатдаги қориндор врачнинг соат неча бўлганлигини айтаётгандек содда ва жўн қилиб берган жавобидан Малик аканинг тили айланмай қолди. Аззойи бадани титраб, вужуди яхлаб кетди. Бошига гишт билан ургандек бўлди. Ҳолсизланиб эшикка суянди ва умидларини чил-чил қилган врачнинг япалоқ юзига боқди. Башарасига туфлаб, шундай хонумон гапни саломчалик иззат билан айтмаган суяксиз тилини сугуриб олгиси келди, аммо начора! Шаштидан қайтди. Фариданинг жони ҳозир шуларнинг қўлида! Шулар уни асраб қолган.

— Ҳ-ҳалиямми? Нега ўзига келмайди? — Малик ака шоша-пиша устма-уст савол берди.

— Операция оғир бўлган. Сиқилманг, укам, ўзига келади.

— Ахир бугун учинчи кун?!

— Биз қўлимиздан келганини қилдик. Энди бу ёғи Худодан. Кутишдан бошқа чорамиз йўқ. Ҳалиям бардошлан экан. Ахир бош мия?! Тасаввур қилаяпсизми?

Врачнинг бу гапи унга "Худога шуқр қилинг, операциядан омон чиқмаслиги ҳам мумкин эди..." дегандек эшитилиб, баттар эсанкиратди.

— Нима, бу... — гапиролмади Малик ака. — Ҳушига келадими?

— Келади! — ишонч билан айтди врач.

— Шунақа денг-е, ака... — қувониб кетди у. Сўнг чуқур нафас олди. — Олдига кирай.

— Мумкин эмас.

— Рухсат беринг, дарров чиқаман, — энтикди Малик ака. — Бир юзига қарай...

Врач "Майли, киринг" дегандек бош ирғади.

— Фақат тезроқ чиқинг.

— Ҳўп, акажон...

Малик ака палатага кириши билан ҳар кунгидан баттар сесканди. Хотинининг юзига умидвор кўзлари-ла боқаркан, юраги ортга тортиб кетди.

— Фарида?... — каравот ёнидаги курсига ўтириб қолди у. Сўнг аёлига бошдан-оёқ разм солди. Унинг рангпар аҳволдан яна алланечук бўлиб кетди. Гўё тонг уйқусини олаётгандек майин ва ҳалимгина бўлиб, чалқанча ётқизиб қўйилган хотинининг юмуқ кўзларига, ботган ёноқларига қаради. Кейин секин қўл чўзиб, аёлнинг қоқсуяк бўлиб қолган билакларини ушлади ва юзига боқди. Боқди-ю, узилган барг каби сарғайиб, сўлиб бораётган чехрада, нами қочиб, саратон кўёшидан қақраган

ердай қуруқшаб ва майда-майда пўст ташлаб ётган лаблардан, кўзлари атрофидаги кўкимтир тусдан ҳаёт чироғи сўниб бораётгандек туюлди. — Бундай қилма! — титраб кетди эр. — Ахир, болалар бор. Асло бундай қила кўрма, онаси... — у ич-ичини кўпориб келаётган дард тўфонини босиб, секин жойидан қўзгалди ва узалиб аёлининг сўлгин юзидан оҳиста ўпиб қўйди. Сўнг яна курсига чўкди ва аста пичирлади: — Фарид, кўзларингни очсанг-чи?

Аёл гўёки эридан араз қилгандек, дор-ул-фанони унутгандек бир аҳволда ётар, ҳеч нарсани: на унинг кўз очишига муштоқ эрининг гапларини, на қўлларини тутиб турган меҳрибон ва иссиқ кафтини ҳис этарди...

— Фарид, — беморнинг маҳзун чехрасига қараб сўз бошлади эр, — атай қилаётгандек кўзларингни очмайсан-а. Қўйсанг-чи, шу сенга ярашадими? Сенинг кўзларинг кулиб туриш учун яралган, сенга табассум ярашади. Топ-чи, сенга нима келтирдим? — у ҳамон қўлида тутиб турган гулдастани баланд кўтарди. Аёли томон узатди. — Сенга деб олдим. Эшитаяпсанми, онаси?..

Эракнинг бўғзига ёнғоқдек нарса тиқилди.

— Уйда сени болалар кутиб ўтиришибди, — йиғлаб юборди у. Сўнг бурун тортиди. — Бундоқ ётмай ўйласанг-чи? Э, сени қара-ю... — эр гина қилгандек аёлининг қўлини қўйиб юборди ва гулдастани каравот ёнидаги тумбочка устида қолдириб, хона ичида асабий юра бошлади. Кўз ўнгида ҳар тонг ва ҳар кеч оналарини сўраб, қий-чув қилиб, юрак-бағрини қон қилаётган болалари жонланди. Уларнинг мўлтираб туришлари, дадасидан таскин бўлувчи гап ва бир малҳам ололмаслик жонларига теккач аразлаб, бурчак-бурчакларда ўзларича хўмрайиб ўтиришлари, баъзан унинг жаҳли чиқиб, қулоқ-бошини тортганда, "Сиз ёмон! Ойим яхшилар..." дея дангал юзига айтишлари кўз олдига келди. Яна каравот ёнига келиб, курсига ўтирди ва тагин дилбандининг ҳиссиз қўлини қайноқ ва титроқ кафтига олди. Ўзича унинг билак томирларини ушлаб-ушлаб кўрди, аммо ҳеч нарсага тушунмай, кўзларини бир нуқтага, аёлнинг чехрасига қадаб гамга ботиб ўтирди. Ана шунда қалблар тилга кирди...

"Онаси..."

"Келдингизми?.."

"Ҳа. Ҳар куни шу ердан. На ишда, на уйда ҳаловат бор."

"Болалар яхшими?"

"Яхши... аммо улар сени сўрашяпти. Мен ҳар кун эрталаб уйдан "Бугун ойингни олиб келаман" дея уларни ҳам, ўзимни ҳам умидлантириб чиқаяпман."

"Кичкинамиз яхшими?"

"Онаси, ўзингни ўйласанг-чи? Ундан кўра, мени десанг, болаларни соғинган бўлсанг, кўзларингни оч! Бир кўзларингга боқай..."

"Кўзларимни соғиндингизми?.."

"Ҳей!.. Мен танишувга келган олифта йигитманми, масҳара қиласан! Тўқнинг оч билан нима дарди бор экан-да..."

"Дарров жаҳлингиз чиқади-я? Майли, гапирмайман..."

"Мендан хафа бўлдингми? А? Нега?"

"Сиз яхши одам бўлганингизда мен бундай ётмасдим..."

"Ҳих? Совуқ сув ичиб, шамоллаб қолсанг ҳам мен айбдор бўларканман-да?"

"Кулдирманг-е, ҳамма жойим титраб кетаяпти."

"Майли титрасин, аммо тезроқ кўзингни оч-да, жойингдан тур. Ахир, сен жуда бало эдинг-ку!"

"Ҳозир бунга ҳолим борми?"

"Кўлингдан келади... ҳаракат қил. Эсингдами, каттамига юкли пайтинг, "Вой, қандай тугаман?" дердинг. А, тугдинг-ку? Ёқиб қолди, шекилли, яна иккита "заказ" ҳам олдинг..."

"Боринг-е... Уятсиз..."

"Тур-да, унда!"

Шу пайт эшик очилди-ю, врач кирди.

— Бўлди, чиқинг, кўп уринтирманг.

— Акажон, яна бирпас турай, — ялинганнамо илтимос қилди эр. — Қаранг, ҳалиям ҳушига келгани йўқ.

— Чиқинг, чиқинг.

— Ака...

— Айтганимни қилинг, толиқтириб қўясиз. Ўзига келсин, кейин кириб, хоҳлаганингизча гаплашасиз.

— Ўзига келади-а?

— Бугун-эрта ҳушига келиши керак.

Малик ака оғир ҳўрсиниб эшик томон юрди.

\* \* \*

Кун пешин бўлди. Тушлик учун шифохона ёнидаги ошхонага ўтди. Иштаҳа қаёқда, икки пиёла чой ичди, ҳеч нарса емади. Кейин изига қайтди. Кун асрга олди.

Малик ака тўғри гул дўконига борди ва бир даста қип-қизил очилган атиргул харид қилди. Сўнг шифохона томон дадил юриб кетди, аммо реанимация бўлими эшигида уни кечаги япалоқ юзли врач эмас, бошқа, пакана, ўқув ва амалиёт ўтайвериб, изланишлари натижаси энг аввало соч-соқолига раҳна солган, бошида офтоб кўриниб қолган врач қарши олди ҳамда кечаги ваҳм ва саросимага бир қат тўн кийгизиб, деди:

— Ҳали ўзига келмади. Кутаяпмиз...

— Ахир, бугун тўртинчи кун... — врачнинг уйқусизликдан қизариб кетган кўзларига нажоткорона боқди у.

— Сиқилманг, ука, аҳволи яхши. Мана, мени айтди дейсиз, албатта ҳушига келади.

— Айтганингиз келсин... — орзуланди у. Сўнг деди: — Илтимос, бир кўриб чиқай.

— Майли, фақат тезроқ чиқинг.

Малик ака палатага кириб борди-да, худди кечагидек беҳуш ва беун ётган Фариданинг юзидан ўпиб саломлашган бўлди. Кейин гулдастани ёнгинасига қўйди. "Атиргул ифори димоғига тегиб турсин", деди. Ўзи курсига чўкди-ю, аёлининг

кўлидан тутиб, мўъжиза кутгандек жим туриб қолди.

— Мен келдим... — дея олди у. Сўнг беморнинг юмуқ ва ҳаёт чўғи сўниб кетгандек ҳазин қароқларига, рангпар юзига боқди. Нигоҳлари бир нуқтага михлангандек қотиб, анча вақт туриб қолди. Кўз гавҳарлари толиқди шекилли, киприклари бир-бирига ёпишди.

У қанча вақт шундай турганини билмайди, бир пайт қафтлари орасида титроқ бўлгандек туюлди. Шарт аёлининг кўзларига тикилиб қаради. Ҳеч қандай зоҳир йўқ, мағлуб бўлган аскардек ҳўрсиниб, бошини куйи эганди, яна қафтлари орасида титроқ бўлди. У икки қафти ўртасида турган умидбахш қўлга тикилиб қолди. Зум ўтмай бармоқлар бирин-кетин қимирлай бошлади.

— Худога шукр! — елкасидан тоғ ағдарилгандек чуқур нафас олди у. Сўнг аёлининг юзига боқди. Аввал найза киприкларга жон инди. Сўнг сўлгин қовоқлар титради ва... бемор кўзларини очди!

— Фарида! Онаси! — қувончдан хонани бошига кўтариб қичқириб юборай деди у.

Қуруқшаб қолган лаблар тамшанди. Тана жонланди. Бемор кўзини очгач, аввал шифтга, сўнг "Қаердаман ўзи?" дегандек ён-верига боқди.

— Фарида!

Аёл атрофга назар солиш баробарида тумбочка устида турган атиргулга кўзи тушди-ю, маъюс жилмайди, аммо танасида оғриқ турди шекилли, яна кўзларини юмди.

— Онаси?! — жойидан туриб кетди Малик ака. — Нима бўлди?

Орадан бироз вақт ўтиб, аёл яна кўзларини очди ва компас милидек титраб турган қорачиқларини ўйнатди, аммо нигоҳи эрига тушиши билан уни, болаларини шундай ҳолга солганидан хижолат чекаётгандек юзини яширди ва яна кўзларини юмиб олди. Икки томчи севинч ёши юмалаб ёқасига тушди. Малик ака рўмолчасини олиб, аёлининг чехрасини артди.

— Онаси, яхшимисан?..

Бемор "Ҳа, тузукман" дегандек оппоқ дока ўралган бошини хиёл қимирлатди. Унинг биринчи гапи шу бўлди:

— Болалар қаерда?

— Улардан хавотир олма. Сенинг тезроқ соғайиб, қайтишингни кутишяпти.

Фарида бунча кўп гапни англай олмади, чамаси, ҳеч нарса эшитмаётгандек у томонга тикилиб қолди. Сўнг атиргулга мадорсиз қўлларини узатди. Гул ифори димоғига урилгач, худди ўшандагидек атиргулни юзига босди ва қисқа-қисқа нафас билан ҳидлади. Бу ҳолни кузатиб турган эрига бир нигоҳ ташлади-да, уялганнамо жилмайди.

— Майли, ҳидла. Ҳидлайвер! — деди Малик ака хотинининг ҳаракатларидан терисига сиғмай. — Сенга шундай қилиш ярашади.





Марям БҮРИХОНЗОДА,  
талаба

## ШАХСИЙ КУТУБХОНАМИЗ БОРМИ?

Бугунги ёшларимизнинг маънавияти, маданияти ҳақида сўз кетса, очик гап, хижолатдан андек қизариб-бўзариб олишга тўғри келяпти. Сабаби сир эмас. Жамоат жойида ўзини тутиш, муомала маданиятини-да билмайдилар. Улар орасида энгил-елпи кун кечириш, сохтагарчилик фазилатга айланиб бораётир. Хўш, бундай ёшларни муқаррар маънавий таназулдан қандай қутқариш мумкин? Аввало, ёшларда китобга меҳр, ўқишга чанқоқлик уйғотиш зарур. Бу фикр, албатта, неча-неча бор қайта-қайта ўртага ташланган, шу сабабдан ҳам кўпларнинг энсасини қотириши турган гап. Лекин, начора, маънавий ҳалоқатдан бизни фақатгина китобларгина қутқара олади, ҳоҳласак-ҳоҳламасак-да, барибир яна шу фикр пойига бош қўяверамиз.

Китоб ҳаёлотимизни бойитади, туйғуларимизни ўстиради, билимимизни оширади. "Китоб ўқимаганининг кунни ўтмайдими?", "Фалончи тузукроқ мактаб кўрмаган бўлса-да, қўлида жарақ-жарақ пул ўйнайди", деган "замонавий" гап-сўзларни кўп эшитамиз. Бироқ ўша тахлам-тахлам пулларни санаб ҳузурланиш учун ҳам қандайдир савия керак! Юксак савия эса китоб ўқиш орқалигина бўлади. Бундан ташқари, кўриб ёки эшитиб, ҳидлаб ёки силаб ҳузурланиш ҳам ҳис-туйғулар ишидир. ҳис-туйғуга бой одамнинг ҳузурланиши (азобланиши ҳам) бир неча марта ортиқ бўлади. Ҳис-туйғулар эса, юқорида таъкидлаганимиздек, китоб ўқиш орқалигина ўстирилади.

Маҳалламизда бир қиз бозорда гул сотади. Юзлари кўпчиган хамирдай, бўй-басти бақ-бақалоқ. Ўша бир кун бизникига чиқиб, узо-оқ чайналиб ўқиш учун китоб сўради. Мен ҳайрон қолдим. Чунки Нилуфар (исмини ўзгартирдим) китоб кўтаргани кўрса "ўқимишли", дея киноя билан куладиган, дунёда пулнинг қудратидан бошқасини тан олмайдиган қиз эди. Қолаверса, китоб ўқиш учун саводи нечоғлик эканини ҳам билмасдим.

— Нима учун китобга қизиқиб қолдинг? — сўрадим Нилуфардан.

Маҳалладош қиз гоҳ ерга, гоҳ осмонга қараб минг бир хижолат ичида аранг "керак-да" деб қўйди. Сезиб турибман, Нилуфар ўз фикрини айтмоқчию, бироқ эвини келтиролмай овора. (Худди шу ҳол ҳам китоб ўқимаганликнинг асорати). Мен ўша кун Нилуфарнинг савиясига мосроқ китоб топиб бериш учун ҳўб қийналдим. Охири "Чолиқуши" романини топиб берганим ҳамон эсимда.

Ўшандан бери икки йил вақт ўтди. Бир йилча Нилуфар мендан китоблар олиб турди. Лекин кейин-

чалик китоб сўраб келмай қўйди. Биз яқинда ногоҳ учрашиб хийла вақт суҳбатлашиб қолдик.

— Ўшанда нима учун китоб сўраб чиққанимни айттайми? — деди Нилуфар.

— Ҳа, ўшанда уялиб гапирмаган эдингиз.

— Биласизми, — деди Нилуфар ўйчан, — мен бозорда беш-олти йилдан бери гул сотаман. Тўғриси, гулларимни асосан зиёлинамо кишилар олади. Олганда ҳам аллақандай меҳр билан кўзлари ёниб, гулларга термулишади. Ўзларича нималардир деб пичирлашади. Мен уларни узо-оқ кузатдим. Охири, миямда саволлар гужгон ўйнай бошлади: гўзаллик нима? Хўш, гулнинг жозибаси нимада? Нега анови аҳмоқлар мунча кўп гул сотиб олишади. Ахир, шу гулга бозордан бир дунё егулик харид қилса бўлади-ку? Бу гул деганлари уч-тўрт кундан сўнг сўлиб қолади, уни на еб бўлади, на кийиб... Хуллас, ўйлай-ўйлай барча саволларимга китоб ўқиб жавоб топишга қарор қилдим.

— Тоқдингизми? — сўрадим ҳазиломуз.

— Ҳа, — деди Нилуфар кулиб, — ҳатто керагидан ортиқ...

— Нега кейинги пайтлар китоб сўраб чиқмаяпсиз?

— Вў-ўй, сизни қаранг-га, — деди Нилуфар ажабланганнамо, — ҳозир ўзимнинг шахсий кутубхонам бор. Агар бирор китоб керак бўлиб қолса, ҳеч тортинмай чиқаверинг...

Ҳа, Нилуфар буткул ўзгарганди. У китоб билан сирдош бўлиб тамом бошқача қизга айланганди. Лекин китоблар унинг гул савдосига зиён-заҳмат етказмади, бадном қилмади. Аксинча...

Илгари Нилуфарнинг бозордаги эркаларга монанд бақир-чақирини бутун маҳалла эшитарди. Устидаги кийимлари қимматбаҳо бўлса-да, алланечук ирқитнамо кўринар, ўтган-қайтганининг жирканчини кўзгарди. Энди эса... муомаласида, ўзини тутишида қандайдир жозоба пайдо бўлганди, юз-кўзларида сирли, ёрқин хаёллар кезиниб қолганди. Бунинг барчаси Нилуфарга чинакам, шарқона латофат бағишлаган.

Хўш, болаларда қандай қилиб китобга меҳр уйғотиш мумкин? Қандай қилиб уларни худди компьютер ўйинларига қизиққандек, китобга қизиқтириш мумкин? Аввало, уйда китобхон учун муҳит бўлиши керак, ҳар бир оиланинг ўз кутубхонаси бўлиши зарур. Зеро, болада энг илгари уйдаги муҳитга, уй жиҳозларига қизиқиш уйғонади. Бола ота-онасига тақлид қила бошлайди. Ана шундай пайтда болаларни китобхонликка осонгина мойиллаштиради бўлади. (Бунинг учун, албатта, ота-онанинг ўзлари ҳам китобхон бўлмоғи керак).



Ҳозирги пайтда аксарият оилалар уй мебелларини қимматбаҳо идиш-товоқлар билан безашга ружу қўйган. Ахир, китоблар билан ҳам чиройли этиб безаш имконлари бор-ку? Ана шу йўл билан ҳам шахсий кутубхона ташкил этиш мумкин. Ҳўш, шахсий кутубхона ташкил этишда нималарга аҳамият бериш жоиз? Аввало, китоблар ранг-баранг (бадий, илмий, фалсафий, диний) йиғилса мақсадга мувофиқ бўлади. Болаларнинг ёшига мос, содда, ранг-баранг суратли китоблар жавонининг пастроқ, яъни жажжиларимизнинг қўли етадиган, қизиқиш уйғонган пайти, ҳеч қурса, варақлаб кўриш имкони бўладиган қаторга терилиши керак.


Биз узоқ тарихимизга назар ташласак, олис аجدодларимиз шахсий кутубхоналарга катта аҳамият берганини кузатамиз. Мисол тариқасида, ҳассос шоиримиз Абдулла Ориповнинг "Ҳаким ва ажал" достонини бир эслайлик. Уша достонда ёш табиб шахсий

кутубхонаси бўлишини орзу қилади. Табибнинг катта бир хизматидан сўнг Бухоро ҳукмдори унга бўйи баробар зар бермади, аксинча, ўз шахсий кутубхонасидан фойдаланишга рухсат этди, шу ҳукмдорнинг тахтига талабгор ёш зодагон йигит эса табибни бадном қилиб Бухородан ҳайдатиш учун айнан кутубхонага ўт қўйишни танлади. Ваҳоланки, у табибга тухмат қилиш учун бошқа ҳар қандай жиноятга ҳам қодир эди, демак, бу тахтпараст ҳам ҳеч бир нарса ёнган кутубхона ўрнини босмаслигини яхши англаб етган.

Ҳа, тарихдан, бобо-момолар ҳаётидан маънавиятимизни қадрлашга, хусусан, кутубхоналар яратишга доир кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ аجدодлар билан фахрланишгина бизга буюк келажакни яратиб беролмайди. Келажакни маънавияти баркамол бугунги авлод яратади. Баркамол маънавиятни китоб, кутубхона яратиши шубҳасиздир.



## БИРИНЧИ УЧРАШУВ



Руслан СОБУРОВ

# Кўнгиш далам гуллади

### ШОҲИ РҶМОЛ

Севар эдим унда дунёни,  
Кўнгиш далам гуллаган эди.  
Эски дарднинг олчоқ тугёни,  
Менга мактуб йўллаган эди.

Ҳайратимни оширарди тун,  
Анҳор бўйи сирли гўшанга.  
Гумон ғариб, хиёнат юпун...  
Бахтли эдик бизлар ўшанда.

Мени телба Мажнунга йўйиб,  
Лайли мисол шайдо этардинг.  
Сочларингни ҳидлардим тўйиб,  
Бағрим аро сингиб кетардинг.

Даво эмас, дард экан лаҳза,  
Гуллаётир рашкнинг гумони.

Рух орзиқмас, кўнгишда ларза,  
Илма-тешик бахтнинг ҳамёни.

Мана, ўша биз йўқотган бахт:  
Анҳор бўйи, ёнда Мажнунтол.  
Ҳайратим йўқ, туйгулар қарахт,  
Қўлларимда бир шоҳи рўмол...

\* \* \*

Бировнинг дардига дармон бўлмасам,  
Кимнингдир ғамига бўлмасам шерик.  
Кулганида биров қувнаб кулмасам,  
Фақат тик юрибман, юрибман тирик.  
Мен шундай харсангман — жони бор, жонсиз.  
Ҳеч йўқса қизғалдоқ бўлсайдим, эссиз...

\* \* \*

Бу тун битта-битта учиб,  
Юлдузлар ҳам келди тўйга.  
Само қизи эрка ҳилол,  
Келин бўлиб тушди сойга.

Ойга мен ҳам ошиқ эдим,  
Севгим армон бўлиб қолди.  
Ҳар тун дардим тингловчи сой,  
Ойни келин қилиб олди.

Ёришмайди энди кўнгиш,  
Ёритсанг ҳам ҳамма ёқни.  
Бас қиламан, бўлди, етар,  
Ойга боқиб йиғламоқни...

Руслан Собуров 1985 йили Кармана туманидаги Ҳазора қишлоғида туғилган. Навоий шаҳридаги педагогика коллежини тугатган. Ҳозир вилоят "Дўстлик байроғи" газетасида ишлайди.



Абдулла УЛУФОВ

# ҲАЁТНИНГ ҲАҚҚОНИЙ МАНЗАРАЛАРИ

Зулфия Қуролбой қизи — фаол ижод қилаётган адибалардан бири. Унинг матбуотда кетма-кет эълон қилинаётган ҳикоялари ўзининг бадиий жозибдорлиги билан адабий жамоатчилик эътиборини тортди. Зулфия Қуролбой қизининг изчил реалистик услубда ёзилган "Тафаккур" ҳикояси ҳаёт қарама-қаршиликлари тўлалигича, инсон қисмати чигалликларини, кишилараро муносабатлар мураккаблигини кўрсатиши жиҳатидан кейинги даврда адабиётимиздаги жиддий ҳодисалардан бири бўлди. Зулфия Қуролбой қизи "Тафаккур"да ҳам, бошқа ҳикояларида ҳам турмушнинг оддий ҳодисаларини қаламга олиш орқали ҳаётнинг ҳаққоний воқелиги манзарасини чизиб беради. Адиба бу ҳикояларида йўқчилик, муҳтожлик қайси замонда, қайси маконда содир бўлишидан қатъи назар, инсонни мушкул аҳволга солишини кўрсатади. Бу қаҳрамонларнинг чигал қисмати, зиддиятли кечинмалари ўқувчини асло бефарқ қолдирмайди.

Адибанинг асарлари аввало аниқ, содда, ихчам ифодаси билан эътиборни тортади. Унинг ҳикояларида сюжет секинлик билан ривожланади. Муаллиф айрим деталлар орқали қаҳрамонлари тақдиридаги қутилмаган оқибатларга ишора қилади. Замон ва макон манзарасини ўзига хос тарзда бадиий акс эттиради. Қаҳрамонлар феъл-атвори, характериға хос жиҳатларни алоҳида таъкидлайди. Воқеаларни маромиға етказиб тасвирлайди. Адибанинг ҳикояларида муаллиф нутқи билан қаҳрамонлар нутқи бир-бирини мантиқан давом эттиради. У диалогларға кенг ўрин бермайди. Аксинча, қаҳрамонларнинг кечинмалари, ҳаракат, ҳолатларини батафсилроқ кўрсатишға интилади. Аммо

бунда ҳам ўзига хос меъёрга амал қилади. У қаҳрамоннинг маънавий-руҳий оламини кўрсатадиган энг муҳим нуқталарға эътибор қаратади. Зулфия Қуролбой қизининг ҳикоялари дастлабки жумласидан бошлаб мароқ билан ўқилади. Чунки уларда фикр қисқа, аниқ ва таъсирчан ифодаланади.

Зулфия Қуролбой қизининг ҳикоялари турли тақдирли аёллар образи галереяси каби таассурот уйғотади. Бу аёллар исми, ёши, қиёфа-кўриниши ва қисмати жиҳатидан бир-бирдан фарқ қилади. Аммо уларнинг барчасини айнан аёлларға хос ҳаётсеварлик, оилапарварлик, муҳаббатға, меҳрга чанқоқлик бирлаштириб туради. "Муҳаббат ва нафрат"даги Дилдора ҳам, "Аёл қиёфасидаги ажал"даги Хонимбуви ҳам, "Кўеш мен томонда" ҳикоясидаги Гўзал ҳам инсоний меҳрни кўмсаб яшайди. Адиба ҳаёт қийинчиликлари туфайли ҳар томонлама эзилган, тақдирнинг турфа тўсиқ, ғовлари қаршисида нима қилишини билмай қолган аёлларнинг ички изтиробларини аниқ гавдалантиради. Бу унинг қаҳрамонлари руҳий дунёсини теран ҳис қилишидан далолат беради. Ёзувчи қаҳрамонлари кечинмаларини ҳам, улар бошидан кечираётган воқеаларни ҳам худди кўриб-билиб тургандай тасвирлайди. Унинг "О, ҳаёт!", "Холиқ амаки", "Ажал чорлови" сингари ҳикояларини мутолаа қилаётганда киши худди ширин суҳбат тинглаётгандай мароқланади. Чунки уларда турли қаҳрамонлар тақдир-қисмати вазмин, равон, бир текис оҳангда нақл қилинади. Адибанинг ҳикояларида баён оҳанги бирор ўринда узилиб, пароканда бўлиб қолмайди. Муаллиф бу жиҳатдан ҳамиша яхлитликка эришади.

Ақсарият асарлар сюжети марказида оила, муҳаббат мавзуси туради. Чунки инсон ҳаётиға ҳеч

бир нарса муҳаббатчалик таъсир кўрсатмайди. Айнан муҳаббат туйғуси ва оила масъулияти инсоннинг маънавий-руҳий оламидаги мураккаб кечинмалар, зиддиятли ҳиссиётларни ёрқин намоён этади. Зулфия Қуролбой қизи ҳикояларида ҳам шу сирли олам муаммолари асосий ўрин тутади. Шу боисдан унинг ҳикоялари барчани бирдай қизиқтиради.

"Номус" ҳикояси қаҳрамони Санжар атайлаб ёки тасодифан қотил бўлиб қолмайди. Санжар турмуш қийинчиликлари уни маънан, руҳан горат қилганидан шундай аҳволга тушади. "Аёл қиёфасидаги ажал" ҳикоясида ҳам муаллифнинг ҳодисаларга синчковлик билан қараши, қаламга олаётган воқеаларини худди кўриб тургандай тасвирлаш маҳорати яққол сезилади.

Адиба қаҳрамонларининг ҳолат, кечинмаларини ўта тиниқ, таъсирчан тасвирлайди. Бу жиҳатдан унинг ҳикоялари чуқур психологик асарлар даражасига кўтарилади. Уларни мутолаа қилаётганда воқеалар, ундаги қаҳрамонлар ўқувчи кўз ўнгига аниқ намоён бўлади. Унинг ҳикоялари биринчи жумласиданоқ эътиборни тортади. Чунки улар: "Уч кунлик ҳилолни кўрганмисиз? Нозиккина, рангпар, хира ёғду сочиб турувчи уч кунлик ҳилол... Бир қарасангиз ёрқин, яна бир қарасангиз заррин борлиқни ёритишга кучи етмаётгандек беҳол... Унга тикилаётганингизда кимдир ёдингизга тушмайдими?" тарзида жуда равон, майин, ҳазин оҳангда бошланади. Адибанинг ўзига хос бу ифода услуби, табиийки, ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди. Айрим ижодкорлар қатор-қатор китоб чоп эттиради-ю, аммо бирор асарини ўқувчи диққатини жалб этадиган шундай таъсирчан жумла билан бошлашнинг уддасидан чиқолмайди. Биринчи жумласи эътиборни тортмаган асарни эса мутолаа қилиш анча қийин кечади. Аслида ҳар бир китоб, айниқса, бадиий асар, Абдулла Қаҳҳор таъкидлаганидек шавқ билан ўқилиши керак. Зулфия Қуролбой қизи ҳикоялари, яна таъкидлаш керакки, илк жумладаноқ, ўқувчини воқеага қизиқтириб кўяди. Унинг ҳикояларини ўқувчи мароқланиб ўқий бошлайди. Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад шу боисдан "Айнан тасвир борасида, яхлит тип яратиш бобида адибамиз анча-мунча тажрибали аҳли қаламдан қолишмайди" деб таъкидлайди.

"Тафаккур" ҳикоясида қишлоқ кишилари турмуши билан боғлиқ ижтимоий-ахлоқий муаммолар

Довул тегирмончининг ташвиш-ўйлари, унинг оиласидаги ночор аҳвол манзарасини чизиш асосида гавдалантирилади.

Ҳикояда истеъдодни увол қилган муҳитнинг аянчли манзараси шу тарзда очиб берилади. Тангриберди ҳам, ҳар қанча истеъдодли, қобилиятли бўлмасин, ўзи яшаётган муҳит иллатларидан ўзини четга ололмайди. У ҳам руҳан горат бўлган бошқа ҳамқишлоқлари сингари мусаллас ичади. У маст бўлиб, гандираклар келаётганида раиснинг ёлланма югурдақларига дуч келади. Адиба Тангрибердининг айни ҳолатини кўрсатиш орқали ҳам муҳитнинг маънавий носоглигига эътибор қаратади. Мусаллас ичишга берилиш ижтимоий-иқтисодий шароитнинг огирлиги таъсирида, маънавий-руҳий бузилишдан келиб чиқади. Ичкиликка ружу кўйиш кишиларни беғам ва теварак-атрофдаги воқеаларга бефарқ қарайдиган лоқайд кимсаларга айлантириб кўяди. Бундай кишилар ўзларининг ночор, аянчли ҳаёт тарзига кўникиб яшайверади.

"Тафаккур" ҳикояси ҳаёт ҳодисаларини ҳаққоний акс эттириши билан адабиётда реализмнинг имкониятлари беҳад кенглигини, унинг таъсир қудратини намоён этади. Зулфия Қуролбой қизининг бошқа ҳикоялари ҳам инсон тақдири мураккабликлари, унинг зиддиятли ички дунёси тўғрисида ёрқин тасаввур беради. Адибанинг ҳикоялари ўзбек адабиётида ҳаёт ҳодисалари ва инсон тақдирини бадиий акс эттиришда муайян ўсиш-ўзгариш жараёни кечаётганидан далолат беради. Унинг "Тафаккур", "Аёл", "О, ҳаёт", "Муҳаббат ва нафрат", "Қуёш мен томонда", "Аёл қиёфасидаги ажал", "Ёвузлик фариш-таси" сингари ҳикоялари инсон тақдири, унинг ҳаёт йўлларидаги азобу изтиробларини, фожиаларини жуда таъсирчан гавдалантириши билан диққатни жалб қилади. Зулфия Қуролбой қизининг ҳикоялари бир марта ўқиладиган асарлар сирасига кирмайди. Улар ҳар гал мутолаа қилинганда янги маъно касб этади. Адибанинг ҳикояларини ўқиш, улар билан танишиш бизнинг ҳаёт қувонч ва ташвишлари, инсон қалби сир-синоатлари тўғрисидаги тасаввуримизни бойитади. Бу эса уларнинг ўзига хос бадиий салмоққа эга эканидан далолат беради.



Уйғун РЎЗИЕВ

# РАМАЗОННИНГ ЎН БЕШИНЧИ КУНИ

Ҳикоя



Ертўланинг ачимсиқ ҳавоси димоққа урилиб, кишини беҳузур қилади. Бу ерга илк бор тушган одамнинг зах ва бўғиқ ҳаводан нафаси қайтиб, қоронғилик ичида юраги сиқилиши мумкин. Ертўланинг бир бурчагида кичкина туйнук бўлиб, кун пешиндан оға бошлаганда куёш нурлари шу туйнукдан йўл топиб кирар ва бу ерни бир муддатгина ғира-шира ёритгандай бўларди. Лекин бошқалар учун қанчалар ёқимсиз бўлмасин, Сайрам Сайилбой ўғли учун бу жой анчагина қулай эди. У кўча-кўйда одамларнинг гап-сўзларидан, кунжак-кунжакларда бир-бирларига шивирлашиб, кинояли кулишларидан безиб, асаблари қақшаган, ёхуд аламзада бўлган кезларида ва баъзида поёни йўқ орзулар гирдобига фарқ бўлганида мана шу ертўлага шўнғиб кетишни хуш кўрарди. Бундай лаҳзаларда у ҳеч кимни кўришни ҳам, гаплашишни ҳам истамас, ҳатто йиғма каравотини ҳам ертўлага тушириб олиб, ёлғиз ўзи зимистонда нафас олгиси келар эди. У худди мана шу ерда ҳаловат топар, ўзини мутлақо эркин ва хотиржам ҳис этарди.

Унинг бундай феълени деярли бутун қишлоқ билиб қолган ва улар токи Сайрамнинг ўзи остона ҳатлаб чиқмагунча уни айтарли безовта қилишмас эди. Фақатгина ҳали мактабда ўқиб юрадиган жияни ҳар куни бирров хабар олиб кетар (чамаси онаси ҳоли-жонига қўймай юборса керак, йигитнинг уйга хушламай қадам қўйишидан буни пайқаса бўларди), айниқса, рамазон кунлари бир пиёлада нишолда, бир косада овқат ва қулча нонни олиб келиб, даҳлизга қўйиб кетар, Сайрам билан эса кўпинча туйнук орқали гаплашиб қайтар эди.

Ҳар йили рамазон ойини у ҳаммадан бўлакча ўтказарди. Ҳар ҳолда ертўлага бутунлай қамалиб олмаса ҳам, лекин бир ой давомида ўзини чиллага солган каби ҳовлисидан бир қадам чиқмас, ҳатто тирикчиликни ҳам унутган кўйи, рўза тутиб, беш вақт намозни ўқиб, уйда ўзини у-бу юмушлар билан овунтириб юрарди. Унинг бошига бахт куши бир кўниб, қочган ва ҳаётини бутунлай остин-устун қилиб юборган ўша аламли воқеа ҳам айнан рамазон

ойида рўй берган эди-да. Мана, энди ҳар гал рамазон эшик қоққанда Сайрам Сайилбой ўғлининг қалбини изтироб фаришталари чертиб ўтади.

Ўша воқеа бундан роппа-роса ўттиз беш йил муқаддам рўй берган эди ва лекин чолнинг хотирасида бу худди икки кун олдин содир бўлгандек туюлар, шу боисдан ҳам унинг юрагидаги умид учқунлари батамом сўниб улгурмаган ва келаётган ҳар бир кундан қандайдир хушхабарни кутиб яшар эди, гарчи одамлар уни аллақачон телбага, амалга ошмас истаклар дарёсига шўнғиган оварга чиқариб қўйишган бўлса ҳам.

Сайрам ертўладан чиқаркан, уй деразасидан уфққа бош қўяётган куёш шуъласидан кўзлари қамашиб, бир муддат боши айланди. Шунда биринчи бор ўзини гўё қабрдан чиқиб келаётгандек ҳис қилди. "Мен ўлган одамман, бунга кўп йиллар бўлган, — дея ўйлади у. — Фақат ўзимча тирикман, холос. Одамлар ўлганимни аллақачон пайқашган, фақат ҳаммалари кўмишолмай ҳалак. Шунинг учун ҳам мени кўрганларида тирилган мурдани кўргандек ажабланиб қарашади, устимдан кулишади. Мана, бугунги кун ҳам ўтди — қизганчиқ ва мазмунсиз кун. Аммо ана у бўзараётган офтоб эртага яна чарақлаб бош кўтаради. Ана ўшанда истайманми, йўқми, менинг умидларим яна уйғонади. У қайтиши керак. Унгача мен ўлмайман, она ер мени ўз қаърига тортиб кетмайди. Топталган гурурим, йигитлик шаъним тикланиши керак. Гурурсиз, шаънсиз ўлиб бўлмайди. Уларсиз ўлиб кетсам, у ҳолда калтакланган итдан, бўғизланган қўйдан қандай фарқим қолади? Ахир, мен инсон бўлиб дунёга келганман-ку".

Кейин у даҳлиздаги стол устида турган дастурхонни нари сурди-да, пешонасини билаклари устига қўйиб, узоқ хаёлга чўмди. Ҳар галгидек яна ўша манзара, ўша хотиралар қўйилиб кела бошлади...

Сайрам айна йигитлик қувватига тўлганда отаси бу дунёни тарк этди. Шунда муштипар онаси боши гангиб, хавотирга тушиб қолди: ўғли ва қизини кўзи тириклигида уйли-жойли қилиб кетмаса, эртага бу бечораларнинг ҳоли нима кечади? Шу ташвишда

қизини биринчи келган совчиларга узатиб юбордию, лекин Сайрамнинг уйланиши бироз чўзилди. Йигитнинг ишқи Озод муаллимнинг қизи Мухаррамга тушди. Шунда ҳали бегубор болалик хаёллари билан яшаб юрган қизнинг ҳам кўнглини муҳаббат насимлари сийпалаб ўтди. Улар аҳду паймон қилдилар. Бироқ бу пайтда Мухаррам шаҳардаги техникумда ўқиётган эди. (У даврларда қишлоқдан саноклигина қизлар шаҳарга бориб ўқир эдилар). Лайли-ю Мажнунларни унаштириб қўйишди, бироқ тўйни қиз ўқишни битирганидан кейин қилишга келишиб олишди. Шу тариқа икки йилни сабр-тоқат билан ўтказишга тўғри келди.

Ишқ-муҳаббат ҳаётга ҳам, инсонга ҳам гўзаллик бахш этади. Мухаррамнинг гўзаллиги кундан-кунга таърифларни ожиз қилиб борарди. Сайрамнинг ҳам кучига куч, ғайратига ғайрат қўшилиб бормоқда эди. У колхозда нимаики юмуш бўлса бажарди, барига улгурди, куч ва матонат топа олди. Тўй кунини қизгин меҳнат билан яқинлаштириб борарди.

Аммо тўй кунини яқинлашгани сайин Мухаррамнинг авзойида ўзгаришлар учқунлана бошлади. Чамаси, қиз қалбини киши билмас, кўз илғамас бир изтироб исканжага олмоқда эди. Сайрам ҳам буни салгина пайқагандек бўлди, лекин тўйдан олдин ҳамма қизлар ҳам шундай ҳолатга тушади, деб ўзига таскин бериб қўя қолди.

Ниҳоят бир кун Мухаррам ич-этини тирнаётган ўша дардни юзага чиқарди.

— Сайрам ака, — деди Мухаррам сокин тунда ой нурлари жимирлаб турган сой бўйида учрашиб турганларида йигитнинг елкасига кафтларини қўйиб. — Тўйни тезлаштиринг, агар иложи бўлса.

— Хўп, жуда соз, — деди Сайрам ажабланиб унинг кўзларига тикиларкан, лекин нима сабабдан?

У сезиб турарди — қиз қандайдир муҳим гапни унга айтолмай қийналаётган эди.

— Нима гап, Мухаррам? — деди у дардини ичига ютаётган қизни юпатаркан.

— Мен...

— Ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан кўрқма.

— Мени... Мени бир йигит ҳаддан ортиқ яхши кўриб қолган.

— Мени назарда тутаяпсанми? — кулди Сайрам.

— Йўқ, бошқа йигит.

— Бошқа йигит? Ким экан у, билсам бўладими?

— У шаҳарлик. Ўқиш жойимизга тез-тез келиб турарди. Ўзи анчагина бадавлат хонадондан, лекин жуда бамаъни, оддий ва самимий йигит.

— Исми нима?

— Исми... Мансур.

— Сен-чи, сен ҳам уни яхши кўрасанми? — деди Сайрам лаблари титраб. Қиз сукут сақлади. — Нега жавоб бермайсан?

— Биз унаштирилганмиз, Сайрам ака, буни ҳамма билади. Тўйимиз қачон бўларкан, деб шу пайтгача кун санаб келаяпмиз. Тўйни тезроқ ўтказайлик. У ҳадемай бу ерга келиб, мени ахтариб қолиши мумкин. Агарда у келгудек бўлса, мени олиб қололмасангиз керак.

— Ораларингизда ҳеч гап бўлмаганми?

— Йўқ, ҳеч гап бўлмаган. Оллоҳ ва виждоним олдида покман. Унаштирилганимизни унга ҳам айтганман. Лекин барибир ҳоли-жонимга қўймапти. Тинчимни ўғирлаяпти. Тезроқ тўйни қилайлик. Шундагина у умидвор бўлмайди, шундагина у ҳам, сиз ва мен ҳам тинч яшаймиз.

— Рамазон ойи бошланди, бу ойда деярли ҳеч ким тўй қилмайди. Бунга оқсоқоллар ҳам кўнишмас, эҳтимол. Ҳеч бўлмаса шу ой ўтсин.

— Қайси замонда яшаяпмиз? Эскича удумларни ўйлаб ўтирадиган пайтми ҳозир. Вақт зиқ дедим-ку, наҳотки тушунмаяпсиз?

— Бўлди, эртагаёқ тўй тараддудига киришаман. Мен сени ҳеч кимга бериб қўймайман. Сени ҳеч ким тортиб олиб кетолмайди.

Сайрам тўйни бошлашга энг шимариб киришиб кетди. Унинг бунчалар шошилаётганлигини кўпчилик одамлар истеҳзо билан қабул қилишди. "Икки йил бир амаллоб чидаган экан-да, энди икки соат ҳам сабр қиллолмай зириллашини қаранглар", — деб орқаворотдан кулишарди улар. Одагга ҳаддан ортиқ севги домига тушиб қолган йигитлар мана шундай бесабр бўлишади.

Тўй кунини ҳам тайин қилинди — рамазон ойининг ўн бешинчи кунига белгиланди. Сайрам оёғи куйган товукдек эрта-ю кеч тиним билмасди. Ҳамқишлоқлар ҳам қараб туришмади, кимдан нима сўраб чиқилса, борини олиб чиқиб беришарди.

— Болам, — деди Озод муаллим Сайрамга насихат қиларкан, — тўйга кўпам катта харажат қилиб юборма. Ҳолингга яраша, ихчамгина ўтказсанг ҳам ҳеч ким ўпкаламайди. Нега бунчалик шошилаётганингни тушунмадим, лекин майли, ҳар нима бўлганда ҳам сизлар бахтли бўлсаларинг ба. Раҳматли Сайилбой муаллим кадрдон дўстим эди. Бирга ўсиб катта бўлдик, ҳаётнинг аччиқ-чучугини бирга тотдик, бирга ишладик, урушда ҳам бирга жанг қилганмиз. Афсуски, фарзандларимизнинг бахтини бирга кўриш насиб қилмаган экан. Биз бир-биримизга ҳар доим суянч бўлганмиз. Сизлар ҳам, болаларим, бир-бирингизга суянч бўлинглар.

— Ота, мен ҳам бахтли турмуш курайлик, деб шошилаяпман. Пешонамга Мухаррамни ёзгани учун тақдиримдан мингдан-минг розиман, — деди Сайрам.

Рамазоннинг ўн бешинчи кунини бутун қишлоқ аҳли тўйхонага тўпланди. Келинни олиб келиш учун Сайрам куёвжўралари билан йўлга отланди. Келиннинг уйида ҳам тўй авжида, ҳамма хурсанд. Тўй маросимлари-ю ирим-сиримлар ҳаммаси ўрнида бўлди. Келин замонавий урф бўлаётган оппоқ либосга ўраниб, фариштадек бўлиб куёвнинг ёнига келди. Мулла никоҳ ўқиди. Кейин кексалар икки ёшга оқ фотиҳа беришди. Ой деса ойдек, кун деса кундек келинчак билан уйи томон йўл оларкан, Сайрамнинг қувончи ичига сиғмас эди. Аммо бундай ҳаяжон ва қувонч у Мухаррамнинг чехрасида кўрмади. Унинг юзида тушуниб бўлмас хавотир ва изтироб ҳамон ҳукмрон эди.

— Мана, никоҳ қийилди, — деди Сайрам секин шивирлаб, — энди ҳеч нарсадан ташвишланмасанг ҳам бўлади.



— Ҳа, биз никоҳландик, аммо ҳали чимилдиққа етиб борганимиз йўқ. Агар у шу вақт ичида етиб келгудек бўлса, мени олиб қололмайсиз, — деди Муҳаррам қатъий оҳангда.

Шунда Сайрамнинг ҳам ичига гулгула тушди ва вақтнинг тезроқ ўтишини истаб, қадамларини ҳам тезлатди. Улар ҳовлига кириб борганларида карнай-сурнайларнинг овози янада баландроқ янгради. Тўйхонага тўпланган одамлар уларни кута-кута сабрлари чидамаган ва тантанани аллақачон бошлаб юборишган, шу боис ҳозир базму жамшид айна авжида эди.

Кун бўйи майдалаб ёмғир ёғиб ўтган, ҳозир ёмғирдан кейинги ачиққина изгирин эсарди. Пагапага булутлар ортидан қизарибгина кўриниш бераётган қуёшнинг уфқ ортига аста бош қўяётганини кузатиб, Сайрамнинг юрагидаги гулгула баттар галаён қила бошлади. Май симириб сархуш бўлган одамлар бири олиб, бири қўйиб гапиришар, чапаклар, қийқириқлардан қулоқ қоматта келарди. Келин-куёв эса тўйхона тўрида бир жуфт кабутардек ўтиришарди.

Шунда ҳовли олдида бир машина келиб тўхтади. Ундан барваста уч йигит тушиб, ҳеч кимдан таклифу такаллуф ҳам кутмасдан ичкарига салобатли қадам ташлаб кириб кела бошлади. Уларнинг қишлоқ йигитлари эмаслигини сахту сумматининг ўзиёқ айтиб турарди. Қиёфалари ниҳоятда жиддий, хушёр ва бу ерга шунчаки тўй билан қутлаш учун келмаганликларини англаш мушкул эмас эди. Ҳамманинг нигоҳи уларга қадалди ва тўйхона сув қуйгандек жимиб қолди.

— Мансур! — деди Муҳаррам ҳайратдан энтикиб ва секин ўрнидан турди. — Омадингиз йўқ экан, Сайрам ака, бахтингизни кучишга улгуролмадингиз.

Мансур ҳеч нарсадан тап тортмай, тўғри келиннинг олдида келди.

— Мана, ниҳоят сени топиб келдим, Муҳаррам, — деди у. — Мана бу шодиёналарнинг сенга дахли йўқ. Энди юр, кетамиз.

У қўлини узатди. Шунда Муҳаррам ҳам унга қўлини тутқазиб, аста ёнига ўтди. Боядан бери ҳайкалдек қотиб турган ширакайф куёвжўралар вазиятни тусмолаб, ўринларидан ирғиб туришди. Шу ҳолатда улар кутилмаган бу меҳмонларни ерпарчин қилиб ташлашга чоғланган эдилар.

— Тўхтанглар, — деди Сайрам столга мушт уриб. Ҳамма яна жой-жойида қотди.

— Муҳаррам, биз никоҳ ўқитиб бўлдик.

— Кечиринг, Сайрам ака, — деди Муҳаррам Мансурнинг пинжига тобора маҳкамроқ кириб бораркан.

— Мен сенга мажбурлаб уйланаётганим йўқ. Сени жонимдан ҳам ортиқ севганимни яхши биласан-ку. Сен ҳам ўз ихтиёринг билан менга теккансан.

— Ҳамма гапингиз рост, Сайрам ака. Шунинг учун ҳам, бирон шармандалик рўй бермасидан, тезроқ турмуш қурайлик, дедим. Лекин наилож, улгурмадик, бўлар иш бўлди. Энди мен сизники бўлолмайман.

— Ҳўп, майли, у сени шунчалар севар экан, лекин сен-чи?

— Мен ҳам унга безътибор эмасман. У ёнимда турганида кўзимга муҳаббатдан бошқа ҳеч нарса кўринмай қолади. Сиздан ўтинаман, мендан ранжинманг.

— Кўзингни ёлгон севги кўр қилиб қўйибди, — деди Сайрам овози хириллаб. — Ҳозир ҳушинг жойида эмас. Бир куни кўзинг очилса, албатта пушаймон қиласан. Билиб қўй, мен сендан бошқа ҳеч кимга уйланмайман, шунинг учун уч талоқ ҳам қўймайман. Бу гапни, мана, халойиқнинг олдида айтаяпман.

Мансур Муҳаррамни машинага томон етаклади. Куёвжўралар дарғазаб бўлиб, уларнинг устига ёпирилиб бормоқчи бўлишди. Сайрам қулочини кенг ёйиб, ҳаммани тўхтатди. Муҳаррам машинага ўтиришга чоғланаркан, сўнгги бор ортига ўгирилиб қаради ва шу заҳоти нигоҳи боядан бери ҳамма воқеаларни сабр-тоқат билан кузатиб, ранги бўздай оқариб турган отасига тушди.

— Мени кечиринг, отажон, — деди Муҳаррам илтижо билан.

— Оқпадар! — деди Озод муаллим титраб-қақшаб.

Халойиқ оёққа қалқиди ва "гув" дея овоз берди. Қизнинг ёноқлари узра икки томчи ёш думалади. Кейин у машинага ўтирди ва ортига бошқа қайрилиб қарамади. Машина елдек учиб кетди. Болакайлар эса унинг ортидан тош отиб қолишди. Шундан сўнг тўйхонадаги муздай сукунат ҳам бузилди, гала-говур бошланди ва аста-секин одамлар ҳам татимаган базмдан ҳафсалалари пир бўлиб, уй-уйларига тарқалишди.

Бу кўргиликни Сайрамнинг онаси кўтаролмади ва кўп ўтмай ҳаётдан кўз юмди. Сайрам эса айтган гапида туриб олди, қишлоқ аҳли йиллар мобайнида ҳар қанча уринишмасин, уни уйланишга қўндиришолмасди.

Чол қоронғи тушишини кутиб, ҳовлида ивирсиб юрди. Кейин печкага ўтин қалаб, намоз ўқиб олди ва дастурхонни ҳафсаласизлик билан очиб, совуб қолган овқат билан ифторлик қилди. Шундан сўнг мойчиروқнинг пилигини кўтариб, унинг шўласи билан бироз ўйнади. Бу ҳам сиқилиб бораётган юрагига далда бўлолмади шекилли, уй ичида у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Шунда кўзгу ёнидан ўтаётганида бехосдан ўз қиёфасига кўзи тушиб, жирканиб кетди ва апил-тапил ахтариб эски-туски буюмлар орасидан бир неча тишлари синган қўҳна тароқни топиб олди-да, кўпдан бери тарашланмаган соч-соқолини таради. Яна ойна олдида бориб, ўзига обдон разм соларкан, ич-ичидан хўрлиги келиб, унсиз йиғлади. "Йўқ, назаримда ҳаммаси тугади, — деди у муштани деворга ураркан. — Наҳотки ҳамма умидларим пучга чиқди? Толе менга неки берган бўлса, бари омонат бўлди. Дунёга келиб нима топдим? Бошимга қўнган бахт қуши ҳам ҳали кафтимда тутиб улгурмай учди-ю кетди. Омонатга берилган биргина жоним қолди, холос. Ҳадемай, мана, соҳиби қудратнинг элчилари келади-ю, сўнгги омонатини ҳам

олиб кетади. Мендан на бир зурриёт, на ном-нишон қолади. Шунча йил одамлар оғзида эрмак бўлдим. Энди ана шу моғорлаган афсоналар ҳам, умримнинг сўнгги лаҳзаларигача ҳамроҳим бўлган ишқ-муҳаббат ҳам ўзим билан тупроққа қоришиб кетади. Ҳойнаҳой анави шитирлаётган ажал шарпаси бўлса керак. Ҳозир у кириб келади-ю, гирибонимдан олади. Ҳа, унинг чангалидан қочиб қутулиб бўлмайди. У тўсиқни ҳам, шафқатни ҳам билмайди. Шу билан армонларга тўла умр ниҳоясига етади".

У юзини чангаллаб, шу кўйи алламаҳалгача ўтирди. Бир пайт, ҳовлидан қадам товушлари эшитилгандай бўлди. Қоронғи тушгандан кейин кузнинг изғирин шамоли эса бошлаган, у хазонларни шитирлатиб, томларнинг тунукаларини тақиллатиб, аста-секин кучаймоқда эди. Бироздан сўнг яна қадам товуши эшитилди ва бу сафар у шамолнинг гувиллашига ҳам, хазонларнинг шитирлаши-ю тунукаларнинг тақиллашига ҳам ўхшамади. Одатда бемаҳалда ҳеч ким Сайрамни йўқлаб келмас эди. Шунинг учун ҳам у сергак тортиди.

Сайрам вужуди қулоқ бўлиб, индамай ўтираверди. Бир маҳал дераза оҳиста чертилди. Сайрам шунда ҳам қимирламади. Ташқарида кимдир деразани чертиб-чертиб, охири қаттиқ тақиллата бошлади.

— Сайрам, оч эшигингни. Эшигингни оч, Сайрам, — деди қалтираган ва йиғламсираган овоз. Бу аёл кишининг овози эди.

Сайрам ҳайратдан энгикиб, дераза олдига борди. Осмонни қоп-қора булут қоплаган, ташқари зимзиё, бўрон тобора қутура бошлаган эди.

— Кимсан? — деди Сайрам тез-тез нафас оларкан.

Ташқаридаги аёл дераза олдига яқинроқ келди. шунда чироқнинг хира шуъласида унинг жуссаси кўринди. Юзларини ажин босган, сочлари тўзгиган, жулдур кийимли, алвастимонанд бир аёл Сайрамга илтижоли термулиб турарди. Сайрам дастлаб чўчиб тушди, кейин аёлнинг кўзларига синчковлик билан тикилиб, юраги "шув" этиб кетди.

— Муҳаррам! — бақариб юборди чол. — Наҳотки, бу сен?!

У аёлни таниди, бир пайтлар юрагига наштар урган ўша қуралай кўзларидан таниди. Ажаб! Табиат Муҳаррамга берган барча гўзалликларини яна қайтариб олиб қўйибди, аммо офатижон кўзларини тортиб ололмабди. Мана шу кўзлар Сайрамнинг юрагининг туб-тубига кириб борган эди. Мана шу кўзларда бир пайтлар ловуллаб ёнган ишқ алангаси ҳали бутунлай сўниб улгурмабди.

— Мен келдим, Сайрам, остонанга бош уриб келдим, — деди Муҳаррам йиғлаб. — Қари алвастини

кечирилсанг, кечир. Кечирилмас гуноҳларимдан ўт. Эшигингни оч, мени бағрингга ол, Сайрам чол.

Сайрам ҳовлиққанидан қоқина-сурина эшикни очди. Шунда аёл жон ҳайбатида ўзини унинг кучоғига отди. Чол бағридаги кампирнинг тўзгиган сочларини силади. Кампирнинг бир тутам жуссаси дир-дир қалтирар, чанқаб-пишнаб нафас олар эди.

— Бағринг бунчалар иссиқ бўлмаса, Сайрам, — деди аёл ва чолнинг кучоғига янада маҳкамроқ сингиб кетди.

— Ўттиз беш йилдан бери қутаман сени, — деди Сайрам. — Шу йиллар ичида юрагим музга айланиб кетса керак, деб ўйлаган эдим. Аммо токи муҳаббат уни бутунлай тарк этмагунча юрак қургур музлашни хаёлига ҳам келтирмас экан.

— Хайрият, тирик экансан.

— Ҳа, ўлмадим, Муҳаррам, ўлолмадим. Сен келмасанг, юз йилда ҳам ўлолмай қийналар эдим.

— Наҳотки, шунча воқеалардан кейин ҳам, шунча йиллар ўтса ҳам мени унутмагансан?

— Ҳа, сени кутиб яшадим.

— Қайтишимни билармидинг?

— Умидвор эдим.

— Наҳотки?

— Биз никоҳдан ўтганмиз. Сен беталоқ кетган эдинг.

— Эшитдим, сен бошқа ҳеч кимга уйланмабсан. Мени кечир, Сайрам, ваъданга бунчалар собит туришингни ўйламабман.

— Сен-чи, борган жойингда бахт топдингми?

— Бахт менинг пешонамга битилмаган экан.

Эҳтимол, отамнинг қарғиши ургандир. Мансурни хиёнат устида ушлаб, уйдан қувдим. Кейин бошқа эркакка турмушга чиқдим. У ҳам бегона бир аёлга илакишгач, икковлашиб мени қувиб-солишди. Ниҳоят, қариганимда якка-ю ёлғиз ўғлим ҳам мени кўчага ҳайдади. Одамлардан суриштириб, сенинг ҳали ҳам ёлғиз яшаётганингни билдим. Шунда ўлсам, фақатгина сенинг қўлингга ўлишим адолатдан бўлишини тушуниб етдим. Мени жазола, Сайрам, истасанг ҳозироқ ўлдир.

— Одам ўз бахтини ҳам ўлдирадими, шайтон қиз.

— Нега бунчалар меҳрибонсан-а, Сайрам?!

Сайрам чол чуқур хўрсинди. Кейин Муҳаррамни янада маҳкамроқ кучоқлаб, жилмайди:

— Мени меҳрибон қилиб қўйган — сенинг муҳаббатинг, фариштагинам.





Абдулла МАНСУРОВ  
талаба

## БОШҚАРУВ ФАЛСАФАСИГА БИР НАЗАР

Инсоннинг ҳар қандай ижтимоий фойдали фаолияти, турли хилдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқаришдан бошлаб билимларни бирлаштириш ва жамлаш, шахсга таълим-тарбия беришдан тортиб, нафақат мувофиқ маънавий ва моддий, балки шартли равишда бошқарув жараёнига тегишли бўлган ижтимоий муносабатлар жараёни асосида ҳам амалга оширилади.

Инсон жамияти ривожлангани сари ижтимоий бошқарувнинг роли ва аҳамияти ошади. Инсон жамиятининг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ҳисобланади. Инсоннинг такомиллашуви, унинг сифат жиҳатдан чексиз ижодий-яратувчанлик салоҳиятининг очилиб бориши ижтимоий муносабатларни янада янги поғонага кўтаради. Бунга мувофиқ тарзда жамиятнинг ишлаб чиқариш кучлари ҳам янги поғонада ривожланади.

Бунда ижтимоий муносабатлар янги ўлчовларга эга бўлади, уларнинг инсоният цивилизациясининг ривожланишидаги роли ошади, мувофиқ равишда ижтимоий бошқарув стратегиясининг роли ва аҳамияти ҳам ошади. Жамият ривожини, унинг ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши каби, ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, кенгайиши ва тармоқланиши асосида амалга оширилади. Бунга мос равишда унинг кооперациялашуви ўсади, бу эса, ижтимоий муносабатларнинг фаоллашуви ва мураккаблашувига олиб келади. Бу, ўз навбатида, ижтимоий бошқарув стратегияси роли ва аҳамиятининг ошишини кўзда туттади.

Кишилиқ жамиятининг асл тараққиёти цивилизация ва маданият уйғунлашуви, ижтимоий муносабатларнинг ҳар томонлама инсонпарварлаштирилиши билан узвий боғлиқ, бу эса ижтимоий бошқарувнинг роли ва аҳамиятини, самарадорлигини оширишга шарт-шароит яратади. Бу, бир томондан — ижтимоий муносабатларнинг инсонпарварлаштирилишининг оқибати бўлса, бошқа томондан — бу инсонпарварлик ижтимоий бошқарувнинг такомиллашувига қараб ўсиши мумкин. Бунда бу жараённинг стратегик жиҳати алоҳида аҳамият касб этади.

Аҳоли сонининг ўсиши ва ҳаёт тарзининг мураккаблашуви билан ижтимоий муносабатларда вақти-вақти билан танг ҳолатлар юзага келади. Уларни ижтимоий бошқарувнинг роли ва аҳамиятини ошириш асосида бартараф этиш мумкин бўлади. Алоҳида фирма ва корпорациялардаги меҳнат жамоалари сингари, умуман кишилиқ жамиятида ҳам, фақат профессионал бошқарувчилар томонидан амалга ошириладиган бошқарув моддий ва маънавий ишлаб чиқариш

соҳасидаги бевосита ижрочиларнинг ижодий фаоллиги билан уйғунлашсагина фаровон ҳаёт кечирish ва барқарор ривожланиш мумкин. Шу аснода ижтимоий бошқарув стратегиясининг роли ва аҳамияти ҳам ошади.

Инсон маданияти ривожланиши билан шахс ўзида аввал маълум бўлмаган чуқур даражаларни очади, янада мураккаблашиб, ҳар томонлама нафислашиб боради. Бу ижтимоий бошқарувнинг янада юқори даражаларга кўтарилишини, унинг самарадорлиги ошишини талаб қилади ва унга мувофиқ равишда ушбу бошқарув турининг роли ва аҳамияти ҳам ошади. Ижтимоий онда шахс эркинлиги ва ҳуқуқлари гоёсининг тасдиқланиши халқ фаровонлигининг ўсиши билан биргаликда кишиларни мажбурлаш асосида эмас, балки мақсадга мувофиқ, уларнинг ҳаётини муҳим манфаатларига самарали таъсир қилиш ва рағбатлантириш орқали бошқариш заруратини уйғотади. Шу муносабат билан ижтимоий бошқарувнинг роли ва аҳамияти ошади.

Замонавий инсоният цивилизацияси сайёрамизнинг биосферасини ёвузларча йўқотиб, ҳалокат томон ҳаракатланмоқда, бунга Ғарб ижтимоий-иқтисодий тизими томонидан йиғилган истеъмолчилик ҳаёт тарзи сабаб бўлмоқда. Бу тизим табиат ва охир-оқибат инсоннинг ўзига ҳам зарари тегадиган даражада бозор талабини мунтазам кенгайтиришга қаратилган. Ижтимоий ривожланиш ва инсон ҳаёт тарзини тубдан соғломлаштиришга ўтиш учун бутун тизим ва инсон муносабатларини ўзгартириш лозим, бу эса ижтимоий бошқарув стратегиясининг роли ва аҳамиятини оширади.

Аксарият замонавий одамларнинг ижодий-яратувчанлик салоҳияти мавжуд ижтимоий муносабатлар тизимида кишиларни уларнинг қобилиятларига қараб иш жойларига тақсимлаш имкони бўлмаганлиги учун ўзига чиқиш йўли топа олмайди. Бунга фақат ижтимоий бошқарувнинг роли ва аҳамиятини, унинг стратегик мазмундаги самарадорлигини сезиларли даражада ошириш орқали эришиш мумкин.

Кишилиқ жамияти ва унинг ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишидаги глобаллашув жараёни ижтимоий муносабатларнинг глобаллашувига олиб келади. Уни амалга ошириш зарурати халқлар ва мамлакатларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, турли маънавий қадриятлар ва маданиятларнинг ўзаро ҳаракати, уларнинг тарихий ўзига хослигини сақлаш, ижодий-яратувчанлик хусусиятини ривожлантириш ва бойитиш асосида келиб чиқади. Бу жараёнларнинг барчаси бутун жаҳонда ижтимоий бошқарув стратегиясининг роли ва аҳамиятини оширишга хизмат қилади.





Умар САЙФИДДИН

# БАДАЛ

Ҳикоя

*Турк ҳикоячилигининг мумтоз вакили, журналист ва зобит Умар Сайфиддин 1884 йили Туркиянинг Беликесир шаҳрида дунёга келди. Аввал Усмония мактабида, сўнгра ҳарбий билим юртларида ўқиган Умарнинг илк ижод маҳсули 1900 йили "Мажмуаи адабийя"да чоп этилди. 1906 йили Измирдаги жандарм мактабига ўқитувчи бўлиб ишга кирди. Шу йилларда Измирда чоп этиладиган "Хизмат", "Сарбаст" каби газеталарга мақолалар ёзди.*

*1913 йили ҳарбийликни ташлаб, Истанбулда "Турк Сўзи" журнаliga муҳаррирлик қила бошлади. 1914 йилдан умрининг охиригача Кабаташ мактабида адабиётдан дарс берди.*

*Умар Сайфиддин 1920 йили 36 ёшида қанд касалидан вафот этди.*

*Адибнинг "Тарих азалий тақрордир" (1910), "Ҳарам" (1918), "Эфруз Бей" (1919), "Бадал" каби асарлари жуда машҳур.*

Фақатгина тор эшигидан зўр-базўр ёруғлик кирадиган устахонада кечаю кундуз учқунлар сачратиб ишлайдиган Хўжа Али инидан чиқмайдиган хонанишин арслонни эслатади. У узун бўйли, кенг елкали, паҳлавон келбатли одам. Ўн йилларки, устанинг мана шу нимқоронғи дўконида ясалган қиличу тиглар Онадўли ва Румели оша қўшни юртларда ҳам машҳур бўлган.

Ҳатто Истамбулда яничарлар\* ҳам ўзлари сотиб олаётган яроғу шамширларидан "Али Уста" деган тамгани қидиришади.

Уста пўлат тоблашнинг ҳадисини олганди. У ясаган узун қиличлар, дудама ханжарлар тошни кесгудек ўткир эди. Пўлат тоблаш санъатининг фақат устанинг ўзи биладиган сири бор эди. У шогирд олмас, кишилар билан кўп гаплашмас, дўконидан ташқарига чиқмас, тинимсиз ишларди. Уйланмаган, қариндоши, яқинлари йўқ. Шаҳарнинг ажнабийиси эди у. Уста гўё қилич, "темир", "пўлат", "оташ"дан бошқа сўзни билмасди. Савдолашмас, мижозлари берганини оларди. Фақатгина уруш пайтлари ўчоғини сўндириб, дўконини қулфлар ва кўринмай қоларди. Уруш тугагандан сўнг яна пайдо бўларди. Шаҳарда у ҳақда турли миш-мишлар юрарди. Кимдир уни "жаллод қўлидан қочган олим" деб атаса, яна кимдир "севгилиси ўлгани учун дунёдан қўл силтаган мажнун" деб таърифларди. Тим қора кўзларининг мағрур боқишидан, аслзодаларга хос мулозаматидан, камгап-у, аммо равон ва чиройли сўзлашидан у

оддий одамлардан эмаслигини тахмин қилиш мумкин эди. Аммо у ким, қаердан келиб қолган? Бу саволга жавоб бера оладиган оқил йўқ эди. Шунга қарамай, халқ уни севарди. Шаҳарда бундай машҳур устанинг борлиги ҳамма учун фахр эди.

— Бизнинг Али...

— Буюк уста...

— Дунёда тенги йўқ...

— Зулфиқор сирининг соҳиби...

Шундай мақтовлар айтиб чарчашмасди одамлар у ҳақда.

Али қалин ва қаттиқ темирни ҳам маккажўхори япроғи каби юпқа, қоғоздек юмшоқ қиладиган санъатини ҳеч кимдан ўрганмаган, ўзи кашф қилгандек эди гўё ...

Ўн икки ёшидаёқ амалдор отасининг боши олиниб, у етим қолганди. Тоғаси жуда бой, аммо қалби қашшоқ, қабиҳ феълли вазир эди. Уни ёнига олди. Ўқитишни истади. Балки етим жиянини ўз қарамоғига олиб, катта-катта мансабларга чиқаришни режалаштиргандир. Аммо Алининг табиатига бошқаларга тобе бўлиш мутлақо ёт эди.

"Мен ҳеч кимга ялинмайман", дерди у ўз-ўзига. Бир кеча тоғасининг ҳовлисидан қочди. Кимсасиз етимча тоғлар ошди, адирлар, дараларни орта қолдирди. Номини билмайдиган ўлкаларда кезди. Ахийри, Эрзурумда қари бир темирчига шогирд тушди. Ўттиз ёшига қадар Онадўлида у кезмаган шаҳар қолмади. Ҳеч кимга бўйин эгмади, бировдан



таъма этмади. Нонини тошдан чиқарди. Пешона тери билан тирикчилик қилди, пул учун эмас, санъат завқи учун ишлади. Пўлатни тоблаш унинг севган машғулоти эди. Кўнгилли равишда жанглarga борган пайтлари яничарлар, сипоҳийлар, сақбонлар\*\* қўлида ўзи ясаган яроғларни кўриб, тил билан англаб бўлмас ажиб бахтни ҳис қиларди. То ҳаёт экан, тинмасдан ишлаб, яна неча минг гозий учун синмас қиличлар, ўқ ўтмас қалқонлар, тошни кесадиган шамширлар, зирҳлар ясашни мақсад қилганди. Буни ўйлаганда кулимсирар, юраги шодон ураб, қалбидаги ҳарорат сандондан сачраётган учқунларга кўчарди.

- Тақ-тақ!..
- Тақ-тақ!..
- Тақ-тақ!..

Бугун ҳам бомдод намозидан сўнг берилиб ишлай бошлади. Ясаётган эгри тигли қиличини сандон ёнидаги сувдонга тикди. Сўна бошлаган оташга қаради. Болғасини ташлаб, пешона терисини артди. Шу маҳал уйи яқинидаги масжиддан мафтункор шом азони эшитила бошлади, муаззиннинг чақиригига мўри тепасидаги уядан паноҳ топган лайлақларнинг шовқини кўшилди. Асрдан бери таҳоратли эди. Фақатгина кўлларини ювди. Куритди. Ҳулласини устига ташлади. Ташқарига чиқди. Эшикни яхшилаб ёпди. Кулфлашни лозим топмади. Узун майдон бўйлаб тўғри масжид томон юрди...

Шаҳар четидаги бу кўримсиз ибодатгоҳга кўпинча йўқсиллар келишарди. Масжид минораси кўчага қараган, муаззин ҳар куни беш маҳал минора ойнасидан бошини чиқарганча нажотга чақирарди.

Хўжа Али масжидга кираркан, жамоат ҳар қачонгидан ҳам кўп эканини сизди. Ҳар доим фақат учта чироқ ёқилгани ҳолда, бугун худди Рамазондагидек ҳамма чироқлар порлаб турарди. Ҳали намозга сафланилмаган эди. Эшик ёнига ўтирди. Ёнида паст овоз билан гаплашаётган кишиларнинг суҳбатига беихтиёр қулоқ тутди. Кўнядан икки гариб дарвешнинг келганини, хуфтон намозига қадар "Маснавий" ўқишларини эшитди.

Намоз ўқилганидан кейин жамоатнинг бир қисми чиқиб кетди. Хўжа Али жойидан қимирламади. Бироз боши оғриётганди. "Зора, "Маснавий"ни тинглаб, дардим ариса" — деб ўйлади. Икки дарвешнинг ўқиган маснавийларидан кўнгли роҳатланди, қалбига сокинлик инди. Ҳар бир ошиқ каби унинг ҳам юрагида ўзидан кечиб даражасида шавқу завқ бор эди. Кичик бир сабадан-да жўшарди. Маъносини таърифлаб беролмайдиган сўзнинг сирли уйғунлиги турғун қонини булоқ сувидек қайнатарди. Вужуди сабабсиз тебраниш билан титрар, ҳиқичоқ тутиб, бўғзига ёпишиб қолгандек эди.

Хуфтон намозини ўқиб, масжиддан чиққач, тўғри дўконига қайтмади. Сайр қилди. Уйқуси келмаётганди. Илиқ, юлдузли ёз кечаси эди. Сомонийўли сариқ олтин каби кўзни олар, булут каби кўкнинг у томонидан бу томонига сузарди. Узоқ юрди. Шаҳар ташқарисига олиб чиқадиган йўлдаги тахта кўприкда тўхтади. Кўприк четига суянди. Кенг дарё сатҳида акланган юлдузлар нур таратиб порлар,

атрофдан қушлар сайрагани эшитиларди. Ўйга ботди. Узоқ туриб келди. Яқиндагина тинглаган маснавий оҳанглари таъсиридан чиқа олмас, ўзидан кетадигандек алфозда эди. Бирдан орқасидан баланд овозда кимдир бақиргани эшитилди:

— Ҳой, менга қара, кимсан?

Уста ширин уйқудан уйғонгандек чўчиб ўзига келди. Орқага қаради. Кўприкнинг нариги томонида икки-уч кишининг шарпасини кўрди. Улардан бири саволини такрорлади:

— Ҳой, кимсан ўзи?

— Али...

Шарпалар яқинлашди. Бир қадам қолганда уни кийимидан танидилар:

— Сизмисиз, Уста Али?

— Ҳа, менман.

— Бемаҳалда бу ерда нима қидирыпсиз?

— Ҳеч нарса...

— Ҳеч нарса? Сувга болғангизни тушириб юбордингизми?..

Булар шаҳарнинг тунги кўриқчилари эди. Уста нима дейишини билмай гангиб қолди. Кечалари кўкнори чекиб юрадиган бу дайдилар унинг кўзига ўғри, каззоблардан-да кўрқинчли кўриниб кетди. Улар кечаси ўзларидан бошқа бирор кимсанинг юрганини кўрсалар, тутиб олиб, дўппослашдан ҳам тоймас эди. Лекин устага тегмадилар. Кўриқчилар бошлиғи:

— Уста Али, сен телба бўлиб қолмадингми? — деди белисандларча.

— Йўқ...

— Ярим кечаси, хуфтондан сўнг бирор кимсанинг дайдиб юришига хўжайинимиз изн бермаслигини биласанми?

— Биламан.

Кўриқчилар унинг номусли одам эканлигини билардилар. Қаттиқ муомала қилишмади. Фақатгина:

— Энди уйингга бор, бу ерларда дайдиб юрма, — деди.

Уста келган йўлидан тез-тез юриб уйига қайтаркан, тинглаган маснавий оҳанглари такрорлаб борди. Узоқдан итларнинг безовта вовиллаши тун сукунати бузарди. Йўлда ҳеч ким учрамади. Дўкони ёнига келиб тўхтади. Уста шарпа каби узоқ туриб қолди. Эшиги қия очиқ эди. Уйдан чиқаркан, эшикни яхшилаб ёпганини эслади:

"Қизиқ... Балки шамол очгандир", — хаёлдан ўтказди у.

Қўлга илингулик нимасиям бор эдики, уйига ўғри тушса.

Ичкаридан эшикни ёпди. Кўриқчиларнинг ишидан қалби ранжиган эди. Бу шаҳарла яшамоқ ҳам тутқунликдек гап. Ҳатто тоғнинг нариги томонидаги қишлоқда ҳам ишлай олмасанг! Жисмида оғир чарчоқни сизди. Чироқни ёқишга ҳам эринди. Ўчоғи ёнидаги супага чиқди. Айиқ пўстинидан бўлган кўрпасини ёпинди, беҳол оёқ узатди.

Қанча фурсат ухлаганини билмайди, шовқиндан сесканиб уйғонди. Эшик тақиллаётганди.

— Ким у? — деди у уйку аралаш.

— Оч эшикни тезроқ!

Тонг отганди. Эшик тирқишларидан оппоқ нурлар сизиб кирарди. У ҳеч бунақа ухлаб қолмас, доим куёш чиқмасидан аввал уйғонарди. Эринибгина турди. Супадан сакраб тушди. Оёқ кийимини тополмай куймаланди. Кейин шошиб эшик ёнига келди. Кўнглида минг бир гумон билан эшикни очди. Бирдан дўкон эшигидан тушган нур ойдинлигида мўйловдор, салла кийган қўриқчилар бошлигини кўрди. Унинг орқасида кигиз кулоҳли, қўш ханжарли ёш шотирлари ҳам турарди. Уста "Нима керак сизларга?" дегандек чақирилмаган меҳмонларга боқди. Қўриқчибоши:

— Уста Али, дўконингни тинтув қиламиз! — деди қатғий.

У ҳайрон бўлиб сўради:

— Нима учун?

— Тунда Будак Бейнинг оғилхонасида ўғрилиқ бўлган. Шунинг учун!

— Ўғрилиқ содир бўлса менга нима?

— Ўғрилланган бир кўзини кўприкнинг олдида сўйганлар. Чарм ҳамён ичидаги пулларни олиб, бир донасини у ерда қолдирганлар.

— Хўш, менга нима?..

— Ўша тангалардан бирини тонгда дўконинг ёнидан топдик. Кейин... Остонага қара. Қон излари бор!

Хўжа Али уйқу аримаган кўзлари билан эшиги остонасига боқди. Ҳақиқатан қон доғлари бор эди. У қон изларига паришон кузатаркан, мўйловдор қўриқчи:

— Кечаси сени кўприк устида кўргандик, нима қидираётгандинг у ерда? — дея саволга тутди.

Хўжа Али яна индамади. Қўриқчибоши:

— Дўконни тинтиб чиқинглар! — деб ёрдамчиларига буйруқ берди.

Сандоннинг ёнидан ўтаётган қўриқчилардан бири бақариб юборди:

— Бу ёққа қаранглар! Мана, мана!

Хўжа Али қўриқчининг қўлидаги янги шилинган терини кўрдию ҳайрон қотди. Қўриқчи танга топган гадойдек мамнун қиёфада терининг ичини очди. У ҳали қуримаган ҳам эди. Бир оғасининг, бир айбдорнинг юзига қаради.

Қўриқчибоши даргазаб оҳангда устани тергов қилишга тушди:

— Ўғрилаган пулларни қаерга яширдинг?

— Мен ўғрилиқ қилмадим.

— Бўлмаса мана бу тери дўконингга қаердан келиб қолди? Мен сўйиб ташлаб қўйибман-да!

Уста Али карахт ҳолда жавобсиз турарди.

Устани сувбошининг\*\*\* ёнига олиб боришганида ҳам кеча кўприкнинг устида нима қидирганини айтмади. Топилган барча далиллар унинг зарарига ишлади. Ўша тунда Будак Бейнинг беш юзта қўйга етгулик пули ҳам ўғрилланган эди. Икки бақувват ўғри чўпонни боғлаб, дўппослаб кетганди. Эртаси куни қозининг ёнида калтак зарбидан ҳали ҳам ўзига келолмаган чўпон ўғрилардан бири Хўжа Алига ўхшашига шоҳидлик берди. Тунда алламаҳалгача кўприк ён-атрофида юргани, ашёвий далил — қўзи терисининг дўконидан, тангалардан бирининг эшиги

ёнидан топилгани Хўжа Алини айбдор деб эълон қилиш учун етарли бўлди. Қанча инкор этса ҳам, далиллар унга қарши сўйларди.

Устанинг ўнг қўлини кесишга қарор қилдилар.

Бу қарорни эшитиб Алининг ранги ўчиб кетди. Беихтиёр лабларини қаттиқ тишлади. Алҳол, қарорга бўйин эгишдан бошқа чораси йўқ эди. Қоқиниб-туртиниб ўрnidан турди. Аммо шунда ҳам мағрур овоз билан қозидан қўли эмас, боши кесилишини илтимос қилди. Эҳтимол, бу унинг умри давомидаги биринчи илтимоси эди. Бироқ қози адолатли киши эди.

— Йўқ, ўғлим, — деди у вазминлик билан. — Сен одам ўлдирмадинг. Агар чўпоннинг жонига қасд қилганигда, унда сени ўлимага ҳукм қилардик. Бу жазо айбингга кўрадир. Ўғрилиқ учун қўлинг кесилади. Ҳақнинг қонуни шудир. Қонунлар бузилган ер кўкармайди...

Хўжа Алининг қўли бошидан ҳам керакли эди. Мана шу қўллари билан ҳарб майдонида курашган мингларча гозийга пўлат қалқонларни парчалайдиган, оғир зирҳларни бузадиган, темир дубулгаларни иккига бўладиган пахтадек енгил қиличлар ясаган эди.

Уни қўриқчихонанинг ертўласига қамадилар. Жазо куни келгунича ўша ерда яшади. Ҳеч овозини чиқармас, энди сандон ёнида болғасини уролмаслигини ўйлаб, қўли ҳозирдан шол бўлиб қолгандек эди. Қўлининг бадалини тўлагани пули ҳам йўқ эди. Шу кунга қадар дунё йиғиш учун ишламаганди у.

Аҳли шаҳар Хўжа Али каби буюк устанинг қўли кесилишини эшитиб мутаассир бўлди. Бу қадар истараси иссиқ, мард, меҳнатсевар, кучли бир инсоннинг умр бўйи ногирон бўлиб ўтишига туйғусиз кўнгишлар ҳам тоқат қилолмасди.

Сипоҳийлар ўзларига бебаҳо қиличлар ясаб берган устани кутқаришга келишиб олишди. Шаҳарнинг энг катта бойи Ҳожи Меҳметга мурожаат қилишди. Бу одам Қорундек мол соҳиби бўлса ҳам, ўта бахил эди. Дунёси кўп бўлса-да, ҳали ҳам бозордаги кичик бир дўконда қассоблик қиларди. Ҳожи Меҳмет ҳар галгидек ўзини тарозига солди, инжиқлик қилди. Энсаси қотди. Бошини тебратди. Аммо сипоҳийлар билан келишмаса бўлмасди.

— Унинг қўли учун бадал тўлайман. Аммо бир шартим бор, — деди у мажбурият остида кўнган одам қиёфасида.

— Қандай шарт?

— Боринг, ўзи билан гаплашинг. Агар менга ўлгунимча пул олмасдан шоғирдик... хизматкорлик қилишга рози бўлса...

Сипоҳийлар Ҳожи қассобнинг шартини Хўжа Алига етказдилар. У қассобликдан буткул беҳабарлигини баҳона қилди. Бундай ёқимсиз шартни қабул этишни истамас эди. Сипоҳийлар:

— Қассоблик ҳам ишми? Пўлатни мумдек эритиб, қиличлар ясаган одам боғланган қўйни сўя олмайдами?

Уста учун кулга кул бўлиш, беш кунлик дунёда биронинг кўнглига қараб яшаш энг оғир кулфат



эди. Ўсмирлик пайтидаёқ вазир тоғасининг ҳотам-тойлигидан воз кечиб, бировнинг қарамоғида қолмаслик учун гурбатли ҳаётга ҳам рози бўлган эди-ку! Энди бу кўр тақдир уни кимга қул этмоқда?! Сипоҳийлар:

— Ҳожининг ёши етмишдан ошган. Энди яна қанча яшарди? У ўлгандан сўнг сен яна озод бўлиб, бизга қилич ясайверасан. Кўп ўйланма уста, ўйланма! — дея унга тасалли беришарди.

Ҳожи қассоб кесиладиган қўл бадалини қозига тўлаб, Хўжа Алини дўконига эргаштириб келди. Қассоб жуда ҳам инжиқ, мижгов одам эди. Хасислигидан ҳозирга қадар бир хизматкор ёки шогирд олмаган эди. Дўконининг бурчагига янги хизматчиси учун жой қилиб берди. Саховат кўрсатиб, устанинг қўлига бир тўшак тутқазди.

Шу кундан жамики юмушларни унга қилдиришни бошлади. Бомдод намозидан олдинроқ шаҳардан икки соат узоқликдаги огилхонасидан қўйларни олиб келишни буюрар, сўйдирар, нимталатар ва Алининг ўзига сотдирар эди. То шомга қадар тинмасдан иш буюрарди. Ҳар куни едириб-ичиргани эса янчилган бугдой шўрваси эди. Баъзида ўзидан орگانларини итга отган каби унга берарди. Кечкурун дўконни ёғ тушса ялагудек тозалатар, кўзи илинар-илинмас, уйғотиб эртанги кун учун қўй олиб келишга юборарди. Ўрмондан ўтин кесиб келиш ҳам унинг вазифаси эди. Сув ташир, ҳовлидаги чиқиндилар қудугини тозаларди.

Хўжа Али бойнинг ёвғон шўрвасию турфа қийинчиликларга йилларча тоқат қила оларди. Аммо Ҳожи қассоб икки гапнинг бирида:

— Лапашанг Али! Қўлингнинг бадалини мен бердим. Йўқса ногирон бўлиб қолардинг, — деб миннат қилишга чидолмасди. Бир неча кун тишини тишига қўйди. Тинмай ишлади. Қуш уйқусига қаноат қилди. Кундузлари ҳам югуриб-елиб хизмат қилди. Хўжайиннинг қаршисида таъзимда бўлди. Аммо миннат деганлари мияга тушган қуртдек тинчлик бермасди:

— Қўлинг учун бадални мен тўладим.

— ...

— Йўқса қўлсиз қолардинг!

— ...

— Менинг сояи давлатимда тўрт мучанг соғ.

— ...

Ҳожи қассоб миннатли сўзларни худди салом каби тилига ёпиштириб олганди. Ҳар буйруғи бажариб бўлинганидан сўнг кир соқоли, чиркин ва қотма юзини буриштириб, кўк кўзлари билан унга бошдан оёқ разм солиб, "Ёдингда тут, сен менинг асиримсан!" дея яна бадални эслатарди. Хўжа Али индамас, аммо унинг юраги парчаланган, кўксини аччиқ-аччиқ аламлар кемирарди. Кечалари ухламасдан, кундузлари ишлаб, кушхонада қўйларни сўйиб, харидорларга гўшт сотаркан, "Нима ҳам қила олардим?" деб ўйлар, дадил қарорга келолмасди.

Қочишга ғурури йўл қўймасди. Шундай йўл тутса, ҳақиқатдан ўғрилиқ қилган бўлиб қоларди. Аммо унинг бошига тушганлари ўлимдан ҳам мудҳиш, ўлимдан ҳам оғир эди...

Ҳожи қассобга қул бўлганининг биринчи ҳафтаси ўтганди. Жума куни эди. Одатдагидек, тонг ёришмасдан қўйларни сўйиб, дўкондаги илғакларга оспан эди. Уста Али қассобхона растасининг чап томонидаги катта қора тошда пичоқ ўткирларди. Ҳали хўжайин келмаганди. "Нима қиламан? Қандай йўл тутиш керак?" дея чеки йўқ ўй-хаёлларга берилиб, қассобнинг келганини ҳам билмай қолди. Унга таниш ноҳуш бўғиқ овоз ҳушига келтирди:

— Нима қиляпсан, ҳей?

Хўжайин тамакисини тутатганча Алига ўдағайлай кетди:

— Танбал, ландовур! Эрталабдан бери нима қилдинг ўзи?

Индамади. Бу митти, хоин кўзларга тик қаради. Қария кутилмаган ўтли қарашдан бир зум ўзини йўқотди:

— Нега бундай қараб қолдинг?

— ...

Хўжа Али сас чиқармас, беш йиллик, балки ўн йиллик меҳнатни бир ҳафтада бажарган одамни танбалликда айблашдан уялмаган бу разил кимсага нафрат ила қарарди. Устанинг кўксини яна алам тилар, асаби қақшарди. У бутун танасига ёйилган қаҳру газабни сўндириш учун бир он кўзларини юмди. Титроқлар босилгандек бўлди. Ҳожи қассоб тамакисини ташлаб, хизматчисининг оғир нигоҳларидан қутулиш учун минғирлади:

— Қўлинг бадалини берганимни унутдинг, чоғи. Мен бўлмаганимда ҳозир ҳеч ишга ярамайдиган ногирон бўлиб қолардинг...

Хўжа Али аччиқ кулимсиради. У қассобнинг хаёлига ҳам келмаган қарорни қабул қилиб бўлганди. Ортига ўгирилди. Ҳозиргина ўткирлаган пичоқларининг энг каттасини олди. Қўлини гўшт нимталанадиган катта тўнка устига қўйди. Кўзини чирт юмганича пичоқни қўлига шундай туширдики... Хўжа Али қатъият ва совуққонлик билан кесилган қўлини тутди. Кўрганларидан даҳшатга тушиб қалтираётган Ҳожи қассобнинг олдига борди:

— Сен мана шу учун бадал берганмидинг?! Ол, мана сенга бадалини тўлаган нарсанг!..

Хўжа Али чопонининг қўлсиз қолган енгини боғлаб, тугун қилиб олди. Шахт билан дўкондан чиқди...

Устанинг бир замонлар келган жойи каби кетган ерини ҳам ҳеч ким билолмади.

1910

**Турк тилидан Давронбек Тоғжиалиев таржимаси**

\* Яничар — усмонли туркларнинг сараланган ҳарбий бўлинмаси аскар

\*\* Сакбон — чегара қўшинлари жангчиси

\*\*\* Сувбоши — Усмонли турк давлатида шаҳар мудофаасига масъул бўлган амалдор.



Орзубек БОБОЕВ,  
ЎЗМУ талабаси.

## АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ, ЁШЛАР

Бугунги кунда инсоният тараққиётига салбий таъсир этувчи глобал муаммога айланиб бораётган одам савдоси ҳодисасининг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этиш, одам савдосига қарши кураш бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини ҳамда мазкур йўналишдаги халқаро ташкилотлар фаолиятини ўрганиш, ушбу ҳолатга қарши кураш олиб бораётган давлатлар амалиёти билан танишиш, уларнинг илғор тажрибасини таҳлил қилиш одам савдоси умуминсоний муаммога айланиб қолганлигини кўрсатмоқда. Зеро йигирма биринчи асрга келиб йиллик пул айланмасига кўра фақат наркотиклар ва ноқонуний қурол-яроғ сотиш даромадидан кейин учинчи ўринда турадиган одам савдоси муаммоси бутун дунё халқлари ва мамлакатлари учун жиддий хавф солиб турибди. Умуминсоний муаммога қарши эса алоҳида давлатлар якка-якка ҳолда кураш олиб бориш билан чекланиб қолмаслиги керак. Фақат ҳамжиҳатликда кураш олиб борибгина муаммонинг илдизини қуритиш мумкин бўлади.

Одам савдосининг олдини олишда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш ҳам ишончли чоралардан. Аммо айрим ҳолларда айниқса ёшларимизнинг, аёлларимизнинг ўз ҳуқуқларини билмасликлари, хорижда осон пул топиш мумкинлиги ҳақидаги чўпчакларга ишонувчанлиги ҳам бундай тарздаги қонунбузарликлар ва жиноятлар содир бўлишига олиб келмоқда.

Одам савдоси айниқса сўнгги йилларга келиб авж олиб кетмоқда. Аёлларни, болаларни қул сифатида сотиш ва бу савдодан мўмайгина даромад олиш ҳолатлари ҳақида ҳаммамиз ҳам эшитганмиз, албатта.

Хуфёна иқтисодиёт халқаро жиноятчиликнинг туб ўзаги бўлиб, у халқаро криминал тузилмаларнинг шаклланишига моддий асос бўлади. Хуфёна иқтисодиётнинг умумжаҳон миқёсидаги улуши ички ялпи маҳсулотнинг 5-10 фоизи миқдориди. Африка ва баъзи Жанубий Америка мамлакатларида эса бу кўрсаткич 30 фоизгача ҳам етган.

Одам савдоси ҳам хуфёна иқтисодиётнинг манбаларидан ҳисобланади. Зеро одам савдоси трансмиллий уюшган жиноятчилик учун жуда тез ўсиб бораётган ва ниҳоятда сердаромад фаолият тури бўлиб қолмоқда.

БМТ маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 27 миллион одам қулликдадир. Афуски, бу миқдор

камайиш ўрнига ўсиб бормоқда. Италиялик олим Пино Арлакининг маълумотига кўра эса, тирик қуллар сони ҳатто 200 миллионга етиши ҳам мумкин экан.

Маълумотларга кўра, Марказий Осиё ва Хитой давлатларидан Ўзбекистон чегараси орқали одам савдоси қурбонлари олиб ўтилади. Эркаклар асосан мажбурий меҳнатга ёлланиб, Украина, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларига сотиб юборилади.

Ўзбекистонда ушбу муаммога қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш юзасидан қатор тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, юртимизда аҳолига одам савдосининг аянчли оқибатлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали маълумотлар бериб борилаётганлиги ўз самарасини кўрсатмоқда. Ўзбекистондан одам савдоси қурбонлари энг кўп олиб кетилаётган давлатларни аниқланиб, улар билан ҳамкорлик йўлга қўйилаётгани, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иши мувофиқлаштириётганлиги, одам савдосига қарши кураш масалалари билан шуғулланувчи махсус идоралараро комиссия тузилганлиги ҳам мазкур муаммонинг ечимини тезлаштирадиган ижобий ҳолатлардир.

Бугунги кунда айниқса ёшларимиз одам савдоси қурбонига айланиб қолмасликлари учун ҳушёр бўлишлари, хорижий мамлакатлардан таклиф этилаётган ҳар қандай иш, хизматларни шахсан ўзлари текшириб кўришлари, нотаниш шахсларнинг таклифларига ишонмасликлари, уларга ўз ҳужжатларини бериб қўймасликлари лозим. Ахир кўпинча одам савдоси қурбонлари айнан ёшлар бўлиб қолмоқдалар. Зеро, катта ҳаёт оstonасига эндигина қадам қўяётган ёшлар ҳали тажрибасиз, қизиқувчан бўладилар. Улар орасида энгил ҳаётга интилувчи, осонлик билан ҳамма нарсага эришишни истовчилар кўплаб учрайди. Бунинг олдини олиш учун эса биринчи навбатда жамоатчиликнинг ёшлар тарбиясидаги ўрнини кенгайтириш, айниқса бу борада оила, маҳалла ва ўқув юртининг ҳамкорлигини янада кучайтириш, шунингдек, улар орасида соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилиш, ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил қилишга кўмак бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Шубҳасиз, бу жараёнда ёшлар маънавияти, уларнинг ҳуқуқий билимлари ва айни пайтда ватанпарварликлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга омиллардир.



\* \* \*

Сен фалакдан боқиб турган ой,  
Гўзал-гўзал, маънос сузасан.  
Менинг кўнглим шаффоф сувли сой,  
Ҳар куни сен юзинг ювасан.

Андўҳларни лаҳза унутсам,  
Гўё бахтдан пок ҳаёл бўлиб.  
Сенга сўнги гулмни тутсам,  
Ғунчасига юрагим тугиб.

Изн берсанг, пойинга чўксам,  
Тошлар билан ёнма-ён туриб.  
Сўзларимдан адашиб кетсам,  
Кўзлар билан сўзлашсак тўйиб.

\* \* \*

Бугун сен-ла бирга эмасман,  
Афсус, буни жуда кеч билдим.  
Сен ўзганинг гули экансан,  
Мана, охир қалбимдан юлдим.

Кет-кетавер, ортингга боқма,  
Шивирлама, бирор сўз айтма.  
Бу видолар сўнгисини бўлсин,  
Ҳеч талпиниб ёнимга қайтма.

Дунё ёлгон, муҳаббат армон,  
Яшашимнинг маниси сўроқ.  
Дарё бўлиб сўнгисиз оқаман,  
Лек ичишга бир томчи сув йўқ.

Низомиддин БОЗОРОВ

## Кўзлар билан сўзлашсак тўйиб

\* \* \*

Муҳаббатим бўй чўзган лола,  
Настаринлар сочимнинг оқи.  
Кўз ёш эмас, сочилар жала,  
Умидларим қуриган қоқи.

Наъматакка осилган гурур,  
Йўлимизни доволар тўсган.  
Фанимларим қаршимда қоя,  
Соф туйгулар бугун қон ичган.

Шаршаралар солади шовқин,  
Кўзларимда айланар шўр ашк.  
Юрак тутқун, ҳаёллар тутқун,  
Заҳар солар севгимизга рашк.

Ва лек сўзсиз ёнингга чопиб,  
Нигоҳинга термулсам дейман,  
Лабларинга лабларим босиб,  
Ҳаммасини унутсам дейман.



Бойсун МУХТОР

## Фалак кўҳна куйин этди тараннум

\* \* \*

Ошиқни жаҳонга танитган ҳижрон,  
Азал-абад қалбда тошайтган қон.  
Висолни шарҳламақ ҳижронли висол,  
Сахрога тўйи урган дарёдир инсон.

\* \* \*

Муҳаббат аришида қучдим мен зафар,  
Ҳатто тошлар бўлди сендан бохабар.  
Ҳуршиддек оламни этиб чароғон,  
Ёлғиз ўзинг ўтдинг мандан беҳабар.

\* \* \*

Дунё ранжин чекдим, роҳатдан ортиқ,  
Насибамни шундай қилибди тортиқ.  
Дедилар: — Йўқликдан зарра эрурсан,  
Умр йўқлик бўлса, не экан борлиқ?

\* \* \*

Оташ шоир эди бир вақтлар Кўёш,  
Севгани инсон эди, ҳамда қаламқош.  
Ҳижрон шиддатидан ёниб тан-жисми,  
Самонинг бағрини олиб кетган бош.

\* \* \*

Жом тўла шаробни тутганда нигор,  
Ҳажер ташишини унутдим бисёр.  
Висолсиз ишқ билан қолурман мангу,  
Азал ва абаднинг ўртасида хор.

\* \* \*

Куй, гулгун шаробдан эй, нозикниҳол,  
Ранж чексанг-да, фалак сўрамайди ҳол.  
Ғам етарли, энди шодликни ўйла,  
Тангерим хуш кўрмагай нолишни алҳол.

\* \* \*

Айб йўқдир кўҳна одам доясида,  
Умр ўтса тубанликнинг ғоясида.  
Тақдирга тан бериб йиғлайди тарих,  
Кўёш порлар муҳаббат поясида.

\* \* \*

Сиз гўзалсиз гўзалликнинг жононлари,  
Мағлуб кетди неча султон, хонлари.  
Жаҳоний дардларга қўяди ҳайкал,  
Бўса шиддатидан масъуд онлари.



\* \* \*

Фалак кўҳна куйин этди тараннум,  
Чолғу оғушида қадаҳ лиммо-лим.  
Ер усти, осмон ости улкан майхона,  
Барча маст, май ҳам зўр, соқий номаълум.

\* \* \*

Чексиз коинотнинг юраги тупроқ,  
Кўлаб бу тақдирни хушламас, бироқ.  
Малъун дунёни ким тарк этса тезроқ,  
Билинги, ўшанинг умри узунроқ.

\* \* \*

Неларни кўрмайди бу инсон боши,  
Порларкан то телба дунё кўёши.  
Тавба деб бош қўйсам, минг парча бўлиб,  
Сочилгай Кавбанинг муқаддас тоши.



## БОЛАЛИК БАХТИНИ ЎҒИРЛАМАЙЛИК

Олис туманларнинг бирида яшовчи дугонамнинг галати бир ҳикояси мени ўйлантириб қўйди. Ва қўлимга қалам тутқизди.

— Бу воқеага беш-олти йил бўлиб қолди, — дея гап бошлади дугонам, — муаллимаминикига катта шаҳардан қариндошлари ташриф буюришди. Уларнинг Чарос исми ўн уч яшар қизлари ҳам келган экан. Чарос тез орада бутун қишлоқда машҳур бўлиб кетди. Ҳамма ёқда дув-дув гап. Қишлоқ аҳли бу қизнинг маданияти, қўли гул хунармандлиги ҳақида оғизларидан бол томиб гапиришарди. Эмишки, Чарос ҳар қандай фасондаги кийим-кечакни бичиб-тикиб ташлар экан, эмишки, бу шаҳарлик қиз антиқа-антиқа таомларни мазали қилиб тайёрлашни дўндирар экан. Устига-устак немис, турк тилларида булбулгўё бўлиб гаплаша олар экан. Хуллас, Чароснинг шундай афсонавий таъриф -тавсифи тилларда бот-бот айланиб юрарди. Бир куни ўша қизнинг дарвоза эшигига суяниб ҳаёлчан турганини кўриб қолдим. У бир тўп қизларнинг ҳалқалардан сакраб ўйнашларини томоша қиларди. Қизлар уни олдиларига чорлашди. Чарос борди. Уни ўйинга таклиф қилишди. Лекин меҳмон қиз рад этди. Ўйнашни билмайман деди. Бироздан сўнг Чаросни бошқа қизлар гуруҳи бошқа ўйинга таклиф этишди. Бироқ шаҳарлик чевар қиз бу ўйинни ҳам билмас экан. У хижолат билан бош эгиб қолди. Қишлоқ қизлари эса унга бетиним хайрихоҳлик кўрсатишар, турли ва турли ўйинларнинг номларини айтиб, унга Чаросни таклиф этишар, ишқилиб шаҳарлик тенгқурларининг кўнглини топишга ҳаракат қилишарди. Аммо минг афсуски, Чарос қизлар тилга олган ўйинларнинг ҳеч қайсисини билмас экан. У тўсатдан йиғлаб юборди. Беихтиёр жазавига тушиб, ўз-ўзидан қишлоқ қизларини ҳақоратлашга, бақир-чақир қилишга тушди. Сўнг ўша жазавали аҳволда ичкарига қочиб кириб кетди. Қишлоқ қизлари, болалари унинг ортидан ҳангу манг қараб қолишди. Бир оздан сўнг барибир ҳеч нарсани тушунмай қий-чув билан яна ўйинга шўнғиб кетишди. Бу ҳол мени анча ўйлантириб қўйди ва бир куни ўша мезбон муаллимаминикидан шу ҳақида сўрадим. Қарангки, Чароснинг ўша кунги қилмишига опа ҳам гувоҳ бўлган, анча-мунча ташвиш чеккан экан. " Бунга сабаб, — деди муаллимаминики, — Чаросни ота-онаси жуда мурғаклигидан қаттиқ тартиб-интизомга олишган. Ҳар хил тўғарақдан олиб, ҳар хил тўғаракка солишган. Албатта, бундан ҳеч бир ёмонликни кўзлашмаган. Аксинча, фарзандлари ёшлигиданоқ илм-хунар ўрганишини, келажакда комила қиз бўлиб

етишишини хоҳлашган. Чарос ҳам оқила, одобди қиз сифатида ота-онасига кулоқ солган, тартиб-интизомга кўниккан. Оқибатда, доимий, узлуксиз машғулотлар билан банд бўлиб, ўйинқароқликни унутган. Энг ёмони ўз тенгдошларидан узилиб қолган. " Муаллимаминикининг изоҳи мени ҳам ўйлантириб қўйди. Демак, болани ўта ёшлигидан қатъий интизомга олиш, ҳар хил мураккаб машғулотларга мажбурлаш ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин экан, деган хулосага келдим...

Дугонамнинг менга айтиб берган бу ҳикоясини дарҳол қоғозга туширишга, тўғриси, анча истиҳола қилиб юрдим. Назаримда аввал бирор-бир мутахассис билан маслаҳатлашиш зарурдек туюлди. Ва шу мақсадда тажирбали руҳшунос, психология фанлари намзоди Муҳайё Шокировага учрашиб ушбу воқеани сўзлаб бердим.

— Бу ерда ҳеч бир гайритабиий ҳодиса йўқ, — деди Муҳайё опа гапларимни диққат билан тинглагач, — тинимсиз мураккаб машғулотлар билан шуғулланиш, ўқиб-ўрганиш қизни ёшига нисбатан анча тез улғайтирган. Бошқачароқ қилиб айтганда, болалик босқичининг лаззатларига тўла қониқмай, сунъий тарзда улғайиб кетган. Бу нарса Чароснинг руҳиятига, асаб тизимига таъсир қилган ва у оқибатда жиззак, жанжалкаш бўлиб қолган.

Дугонамнинг ҳикояси, муаллимининг изоҳию мутахассис руҳшуноснинг хулосаси сизга ҳеч нарсани англаتماяптими, азиз журналхон? Албатта англамаяпти. Мени безовта қилаётган мулоҳазалар сизнинг ҳам кўнглингиздан кечаяпти. Дарҳақиқат, Чарос сингари билимдон, тиришқоқ ва хунарманд қизлар теварагимизда кўп-кўп топилади. Ота-оналари уларни яхши ниятлар билан жуда ёшлиқлариданоқ ҳар хил тўғарагу ўқув марказларига қўйишган. Лекин орзу-ҳавас ўз йўлига, ота-оналар фарзандларининг ҳали бола эканини, улар болалик соддалигию беғуборлиги билан ўйнаб-қулишлари кераклигини баъзан унутиб қўйишмаяптимикан? Ўз фарзандларини ортиқча қаттиққўллик билан ҳаддан зиёд машғулотларга кўмиб ташлашмаяптимикан? Ва оқибатда ёш кўнгиллардан болалик беғуборлигини, болалик бахтини беихтиёр ўғирлаб олишмаяптимикан? Албатта бу ҳақида жиддий ўйлаб кўрилса, ҳар нарсада меъёр сақланса нур устига аъло нур бўларди.

*Вазира САТИМОВА,  
А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат  
Маданият институтининг  
талабаси*

# ДАРҒАЗАБ МОМО

Пардахол момо ҳамсояси Қирмиз момо билан гурунглашиб ўтирган чоғ ўгли Жума ширакайф кириб келди.

— Ўзимни энам, энажоним, — дея Пардахол момонинг пинжига тикилди у.

— Болам, нима бало салом-аликни еб кўйдингми? Кап-катта эркак энамлаб қопсан?

— Э, ассалому-алайкум, Қирмиз момо, — дея қия ўгирилиб энасининг дугонаси билан сўраша кетди Жумабой. — Димоғингиз чоғми, Мустафоқул бобом яхши юрибдиларми? Бизнинг Чори жўра кўринмайди?

— Жўранг тоққа кетган, молдан хабар олгани. Ўзинг яхшимисан? Ароқ ичиб олган кўринадан-а.

Қирмиз момо енги билан бурнини пана қилди.

— Ҳар куни ичиб юрибманми, момо? Саматнинг магазинида "армейский жўрам"ни кўриб қолдим. Кўп эмас, юз грамм кўйиб берди.

Пардахол момо ўғлини койий кетди.

— Ўлсин шу ароқ, юз грамм ичавериб Гуландом ходимнинг ўғлига ўхшаб пиёниста бўп қолсанг, болачақангни ким боқади? Ароқ ўрнига чироққа мой олсанг бўлмасмиди? Кун ора свет ўчади. Мой етказиб бўлмаяпти.

— Майли, эна, мен бир ухлаб турай.

Жумабой уйга кириб кетди.

Қирмиз момо дугонасига ҳамдурд, ароқни чиқаргани қарғай-қарғай ўрнидан турди.

— Майли, дугона, мен борай. Невараларим излаб юришгандир.

Пардахол момо дугонаси билан хайр-хўш қилдию хаёли қочди. Қирмиз эшитди, бутун гузар эшитди дегани. Эртагаёқ Жумабой пиёниста деган гап таркатади. Саматнинг олдига бориб икки оғиз гапириб келмаса бўлмайди.

Дўкон маҳалланинг энг гавжум жойида. Одам кўп экан. Самат момони кўриб сўраша кетди.


— Ассалому алайкум, момо. Суяклар енгилми, димоғингиз чоғми? Келинг, нима берай?

Пардахол момо койинди.

— Болам, сендан хафаман. Жумабойга роса ароқ ичирибсан? Бир- икки коса бер эди, юз грамм ҳам берасанми? Эртага пианиста бўлиб қолса, болачақасини ким боқади?

Самат кулиб юборди. Дўкондаги одамлар ҳам кулиб юборди. Пардахол момо буларнинг не сабабдан хохлашаётганини тушунмай жаҳл билан изига қайтди.

Шу-шу Жумабойни маҳалладошлари кўрса бир коса ароқ ичиб кетинг деб ҳазиллашадиган бўлишди.





O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,



«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

**Jamoatchilik kengashi:**

Gulruh A'ZAMOVA

Saidvafo BOBOYEV

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Minhojiddin MIRZO

Shuhrat SIROJIDDINOV

Shunqor XUDOYBERDIEV

Ahmad USMONOV

**Bosh muharrir:**

Sobir O'NAR

**Bosh muharrir o'rinbosari:**

Luqmon BO'RIXON

**Mas'ul kotib:**

Akbarali MAMASOLIYEV

**Tahrir hay'ati:**

Bobur ALIMOV

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yildan chiqa boshlagan.

© "Yoshlik" № 3 (226) 2009 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

**Sahifalovchi:** Saodat RUSTAMOVA

## MUNDARIJA

### MINBAR

Abdug'ani SULAYMON. *Momoning armoni*. ..... 1

### NAZM

Jamol KAMOL. *Tovushlarga to'lib ketganda ko'ngil*... ..... 3

Yo'ldosh ESHBEK. *Quyosh bosh egadi bayrog'imning oyida* ..... 18

Davron RAJAB. *Xiyobonda nurlar tovushi*... ..... 25

### NASR

Bahodir ABDURAZZOQ. *Qahratonning mungli qo'shig'i. Hikoyalar*. ... 6

Dilmurod SODIQOV. *Najot daraxti. Hikoya*. ..... 22

Xolyor SAFAROV. *Atirgul. Hikoya*. ..... 28

Uyg'un RO'ZIYEV. *Ramazonning o'n beshinchi kuni. Hikoya*. .... 35

### TARIXDAN SADO

Oybek ABDUMO'MINOV. *Sohibqiron ham bayt bitgan* ..... 27

### BIRINCHI UCHRASHUV

Nizomiddin BOZOROV. *Ko'zlar bilan so'zlashsak to'yib*. ..... 45

Boysun MUXTOR. *Falak ko'hna kuyin*... ..... 45

### ADABIY TANQID

Abdulla ULUG'OV. *Hayotning haqqoniy manzaralari*. ..... 33

### JAMIYAT VA BIZ

Abdulla MANSUROV. *Boshqaruv falsafasiga bir nazar*. ..... 39

### ASLIYATDAN TARJIMA

Umar SAYFIDDIN. *Badal. Hikoya*. ..... 40

### MULOHAZA

Orzubeq BOBOYEV. *Aldanib qolmang, yoshlar*. ..... 44

### YOSHLAR OVOZI

Maryam BO'RIXONZODA. *Shaxsiy kutubxonamiz bormi?* ..... 31

### NUQTAI NAZAR

Vazira SATIMOVA. *Bolalik baxtini o'g'irlamaylik*. ..... 46

### ELPUG'ICH

Nasiba ABDULLAYEVA. *Darg'azab momo*. ..... 47

## Muqovalarimizda

1-betda: *Yosh shoira Gulshoda QURBONOVA*.

2-betda: «Oltin qalam» sohiblari.

3-betda: *Qoraqalpog'iston xalq yozuvchisi O'rozboy ABDURAHMONOV*.

4-betda: *Baxtli bolalik*.

**Manzirimiz:** Toshkent shahri, G'ani Mavlonov ko'chasi, 1A-uy. **E-mail:** yoshlik-xatlar@rambler.ru  
**Telefon:** 230-51-85. Bosishga 11. 06. 2009 yilda ruxsat berildi. Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0. Indeks 822 ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan. Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi» deb izohlanishi shart.

"Fan-poligraf" MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № 614

**Manzil:** Buyuk ipak yo'li ko'chasi, 434-uy.

